

Ҳомиджон Зоҳидов

ШИФО

хазинаси



ЖОНЗОТЛАР ШАРОФАТИ

Биринчи китоб

ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2015

УЎК: 615.324

КБК: 53.58

3 – 85

Зоҳидов, Ҳомиджон

Шифо ҳазинаси: жонзотлар шарофати. Биринчи китоб.
Таржимон Жамол Шаропов/ Ҳ.Зоҳидов. – Тошкент: Янги аср
авлоди, 2015 йил. – 160 б.

ISBN 978-9943-27-616-1

Она сайдера биз ёлғиз эмасмиз. Атрофимизни ҳайвонот ва ўсимлик олами қуршаб туради. Улар биз билан чамбарчас боғлиқ. Бу алоқа турли шаклларда намоён бўлади.

Моҳир тиб олими Ҳомиджон Зоҳидов ушбу алоқанинг тибга оид жиҳатларини изчил ўрганиб, уч китобдан иборат ажойиб асар яратган.

Мазкур биринчи китобда жониворлар шарофати билан инсон қай дарду хасталикларни бартараф этиши, қай бирининг олдини олиши мумкин эканлиги батафсил баён этилади.

УЎК: 615.324

КБК: 53.58

Таржимон

Жамол ШАРОПОВ

ISBN 978-9943-27-616-1

© Ҳомиджон Зоҳидов, «Шифо ҳазинаси: жонзотлар шарофати. Биринчи китоб. «Янги аср авлоди», 2015.

СҮЗБОШИ ЎРНИДА

Жаҳон тиббиёти хазинасида олтин мерос саналмиш асарлари билан мангулик баҳтига мушарраф бўлган Абу Бакр Розий, Абу Бакр Рабиий Бухорий, Абу Мансур ал-Қумрий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа қомусий олимлар Шарқ табобатининг назарий ва амалий йўналишларини белгилаб, она табиат буюк табиб эканини асослаб берганлар.

Ўз салафлари меросидан баҳраманд бўлиб, Шарқ табобати хазинасини бойитишга интилган кўплаб тиб олимлари кейинги асрларда ҳам ўсимликлар олами, ҳайвонот дунёси ва она замин бағридаги маъданлар инсондаги дарду хасталикларга шифо эканлиги ҳақида тадқиқотлар олиб боришиб, ўлмас асарлар яратдилар.

Ҳомиджон Зоҳидов ҳам ана шундай заҳматкаш тиб олимларидан бўлиб, қирқ йиллик умрини халқ саломатлигига, жонзотлар, ўсимликлар дунёси ва маъданларнинг инсон саломатлигига фойдали томонларини тадқиқ этишга бағишилаб, узоқ йиллик изланишлари самараси бўлмиш «Қадимги тиббиёт хазинаси» ва «Шифо хазинаси» китобларини яратди. «Қадимги тиббиёт хазинаси»да Мағрибдан Машриққа қадар мамлакатларда учрайдиган дардлар муолажаси ҳақида фикр юритилса, «Шифо хазинаси»да, асосан, Ўрта Осиёдаги ўсимликлар олами, жонзотлар ҳамда маъданларнинг инсон саломатлигига хизмат қилиши ҳақида қимматли фикрлар жамланган.

Биз китобни таржима қилиш жараёнида фақат муаллифнинг умумлашма ва шахсий мулоҳазалари билан чегараланмай, ҳар бир гиёҳ ва ўсимлиқ, жонзот ва дарахтларнинг шифобаҳш хислатлари ҳақида бошқа алломалар, ҳакиму табибларнинг фикр ва хуносаларидан ҳам фойдаландик.

ЧИҒАНОҚ

Оғзидан ипаксимон оппоқ шилимшиқ тола чиқарадиган бу жонивор, асосан, зах ва ботқоқ ерларда, сойларда учрайди. Қиш ойларида усти садафга ўхшаш чиғаноғининг ичига кириб ухлайди. Баҳор келиши билан жонланиб, танасининг бир қисми ёки ҳаммасини чиғаноқдан чиқариб, нозик гиёхлар япроғи билан қорин түйдериш ташвишига тушади.

Гүштининг мизожи иккинчи даражада соvuқ ва ҳўл. Унинг шифобахш хусусиятлари: гўштини истеъмол қилган кишининг вужудида тоза қон ҳосил бўлади, мохов, қўтирил ва бадандаги қичима каби иллатларга шифо бўлиб, савдоий касалликларни даволашда яхши фойда қилади. Аммо барча турдаги шилимшиқлар гўштини ейиш балгам ҳамда ҳар хил иллатлар келтириб чиқариши мумкин. Шу билан бирга, сафродан юз берадиган ташналиқ ва баданнинг қизишини даф этади, ақли заифлик, яъни, жинниликка шифо бўлади.

Шилимшиқни куйдириб, майдалаб, асалга қориб кўзга тортилса, оғриқлардан кейин кўзнинг ичидаги қолган доғларни кетказади. Куйдирилган гўшти қатрон билан аралаштирилиб, кўздаги эгри ва ортиқча киприклар узилган жойларга суртилса, бундай туклар қайта чиқмайди. Кўзга чивуқ чиқсан пайтда сойда яшайдиган шилимшиқ садафининг суви томизилса, оғриқни дарҳол тұхтатади, кўзнинг ёшланиши ва қизиб қичишига даво

бўлади. Анҳорда яшайдиганини тутиб, садафига нина санчиб эгри ўсган киприклар тубига суви томизилса, уларни тўкиб юборади.

Агар шу томчилар пешонага суртилса, кўзга тушадиган заарли моддалардан сақлайди. Қулоқ орқаси ва супрасига суртилса, қулоқдан йиринг оқишини тўхтатди, эшитиш фаолиятини яхшилайди.

Ана шу беозор ва кўп дардларга малҳам жонзотни куйдириб, кулини сирка билан хамир қилиб пешонага босилса, бурундан қон келишини тўхтатади. Гўшти хомлигича ютилса, меъда дардини ислоҳ қиласди, қуритилгани янчиб ейилса, аёллардаги bemavrid ҳайз келишини тўхтатади.

Шилимшиқ гўшти яхшилаб боғланса, қуймич ва чов яллиғланиши, қўл ва оёқ панжаларидаги оғриқлар ҳамда шишларга шифо бағишлиайди. Ташқаридан тананинг жигар соҳасига қараб тортиб боғланса, жигар фаолиятини заифлаштирувчи суулкинъ деб аталувчи дардни даф этади. Тананинг ўқ ёки тикан кириб қолган қисмига шилимшиқ гўшти боғланса, бегона нарсалар бадандан чиқиб кетади. Шунингдек, кутурган ит тишлигандан кирган заҳарни ҳам тортиб олади.

ЭШАК

Бу ҳайвон ҳаммага маълум ва машҳур. Ундан фақат улов сифатида эмас, айниқса, тоғли жойларда ер ҳайдаш, деҳқончиликнинг кўп юмушларида фойдаланишади. Аммо эшак табобатда ҳам қўл келишини ҳамма билавермайди. «Эшакнинг кучи ҳалол, ўзи ҳаром» деган мақол шундан келиб чиққандир.

Табобатда эшакнинг сути ёки қони эмас, кўп аъзолари ҳам дори сифатида тавсия қилинади.

Мизожи иккинчи даража аввалида иссиқ ва учинчи даража аввалида қуруқдир.

Унинг шифобахш хусусиятлари: гўшти кеч ва оғир ҳазм бўлувчи, жигари кабоб қилиниб, наҳорга истеъмол

қилинса, тутқаноқ ва қалтироқ касалликларига шифо бўлади. Туёғини куйдириб, майдалаб боғланса, ҳар куни 15 граммдан истеъмол қилинса, мушакларни совуқ таъсиридан тортишиш ва қақшаб оғришдан шифолайди.

Ҳомиладор аёллар туғиши чоғида туёғини ёқиб, ту-тунига ўзларини тутишса, туғишлари осонлашади. Агар эшак туёғи майдаланиб истеъмол қилинса, танадаги заҳарни даф этиб, моховни даволашда қўл келади. У яхши эзғилаб боғланса, баданнинг шилингган ва ёрил-ган пўстини, ҳатто эскирган бўлса ҳам, даволашда фой-даси бўлади. Зайтун ёғи билан хамир қилиб, баданг бағланса, томоқ, бўйин остига чиққан ёмон яраларга даво бўлади, агар шароб билан хамир қилиб бағланса, тирноқларнинг қийшигини, унинг устидаги оқ доғларни даф этади.

*Ёғи суртиб боғланса, теридаги заҳм
ва яралардан қолган изларни йўқотади,
қорин ичидаги аੰзолар жароҳатига малҳам
бўлади. Агар мияси зайтун ёғи билан
аралашибтирилиб суртилса, соч чиқшии ва
унинг узун бўлишига ёрдам беради.*

Сути оғизга олиниб чайилса, тишлар оғриғини қолдиради. Агар сути ичилса, иссиқдан бўлган эски йўтални қолдиради, сил ва баданни ориқлатиб юборувчи дардларга шифо бахш этади.

Эшак думининг қилини шаробга солиб қўйиб, ке-йин шу шароб ичилса, кўнгилсизлик (жанжал) келтириб чиқаради.

Пешоби сувдаги қайиққа суртилса, қайиқ турган жойга балиқлар тўпланади.

Пешонасининг териси қўрқоқ болалар бўйнига осиб қўйилса, улар бу касалликдан халос бўладилар. Йиғлоқи болаларга гўштининг селидан ярим грамм ичирилса, уларнинг йиғлаши тўхтайди.

ҚАЛДИРФОЧ

Бу парранда ҳаммага маълум ва машхур. Бизнинг ўл-каларда баҳор ва ёз ойларида яшайди.

Гўштининг мизожи учинчи даража оралиғида иссиқ ва ҳўлдир.

Унинг шифобахш аломатлари: гўшти кабоб қилиб ейилса, бўғимларнинг иллатларни тарқатиб, сариқ ва талоқ хасталикларини даволайди, қовуқдаги тошларни майдалайди ва тушириб юборади. Қуритилган гўштидан 45 грамми майдалаб ейилса, кўз қувватини оширади, 7 грамм тузланган гўшти истеъмол қилинса, ҳалқумда қон йиғилиши туфайли томоқда пайдо бўладиган оғриқни бартараф қиласди. Агар ўша гўшт куйдирилиб, кули сувга аралаштирилиб, шу сув билан ғарғара қилинса, томоқ дардига зўр дори бўлади ва ҳалқумдаги бодомча безга алоқадор бўлган барча хасталикларни даф этади. Агар куйдирилган гўштининг кули асалга аралаштирилиб бўйинга суртилса, юқорида айтганимиздек, ҳалқумдаги дардларга шифо бўлади.

Қалдирғочнинг темирқанот боласини куйдириб, кулинни қонига қориб кўзга суртилса, кўзнинг кўриш қувватини оширади. Мияси асалга аралаштирилиб ёки ахлати ёхуд кули асалга қорилиб кўзга тортилса, кўз гавҳарига сув тушиши туфайли юз берган кўнгилсизликни бартараф этади, кўзнинг қўтири, кўздаги қизилни ва говмижжасини ислоҳ қилишга ёрдам беради. Шунингдек, қони иссиқма-иссиқ суртилса ва ахлати ишлатилса беҳад тозаловчи бўлиб, юз рангини равшан қиласди, теридаги оқ доғларни йўқотишда жуда яхши даво бўлади. Айни пайтда терини бошқа доғлардан тозалайди. Агар сигирнинг пешобига аралаштириб суртилса, қора сочни оқартириб юборади.

Қалдирғоч уясининг тупроғини аёллар бир неча кун 4,5 граммдан ейишса, туғишлари осонлашади. Унинг сийдиги бурунга томизилса, соч ва соқолни қорайтира-

ди. Кўзлари оқ савсан ёки тоғ савсанининг ёғига шимдирилиб, аёллар қовуғига суртилса, туғиши асносидағи қийинчиликлар енгиллашади.

*Оқ савсан ёғи шундай тайёрланади:
кунжутнинг тоза ёғи ёки зайдун ёғи
қўйилган идишга савсан – оқ гуллар
солиниб тўлдирилади ва қуёшга қўйилади.
Бир ҳафта деганда гуллар ранги йўқолади,
шунда идишдаги гуллар олиб ташланиб,
ўрнига янги оқ гуллар солиб тўлдирилади.
Шу йўсинда идишдаги гуллар тўртбеш
марта алмаштирилади. Шундан кейин
идишда қолган ёғ оқ гул, яъни, савсан ёғи
деб аталаади.*

Қалдирғоч бир йилда икки марта бола очади. Агар биринчи очган боласининг қорни ёриб кўрилса, майда тошлар бўлиб, ҳар хил рангларда товланади, айримларида бир хил рангдаги тошлар бўлади. Ана шу майда тошлар туғиши пайтида бадани ерга тегмаган, яъни, танасини кўлда муаллақ тутиб, боши танасидан жудо қилинган ва териси шилинган бузоқ терига тугилиб, тутқаноқ дарди бор кишиларнинг бўйнига осиб қўйилса, ўша иллатга қарши даво бўлади. Ўша тошчаларни оқ шоҳи матога боғлаб, ўзи билан олиб юрган кишилар юқори мартабага ва иззат-хурматга сазовор бўладилар.

Қалдирғоч бола очиш пайтида полапонларини билдиримай заъфарон ва бошқа сариқ рангларга бўяб қўйилса, болаларидаги сариқ рангларни йўқотиш учун уясига сариқ тошларни ташиб келтиради. Ана шу тошлар сариқ касаллигини даволашда дори бўлади.

КАПТАР

Бу жонивор товуқлар оиласига мансуб бўлиб, ҳам хонакиси, ҳам ёввойиси бор.

Мизожи иккинчи даражада совуқ ва биринчидан даражада ҳўл. Лекин ёввойисиники иссиқроқ бўлиб, қуруқдир.

Унинг шифобахш хусусиятлари: гўшти қайси усулда бўлмасин, пишириб истеъмол қилинса, гавданинг ярми, яъни, бошдан оёққача бир томон ишламай қолиши, юзнинг қийшайиши, қалтирок, бўғимларнинг бўшашиши ва ишламай қолишига шифо бўлади. Уни истеъмол қилишдан танада тоза қон ҳосил бўлади. Сувли истисқони даф қиласи, гавдани семиртиради, буйрак ва шаҳват қувватини оширади, эрлик уруғини кўпайтиради.

Янги сўйилган капитар жиғилдони ички томондаги пардасидан тозаланиб, тўйиб ейилса, агар илон чаққан бўлса, унинг заҳрини танадан ҳайдаб чиқаради.

Каптар боласини сўйиб, тузсиз фақат кунжут ёғида қовуриб истеъмол қилинса, буйрак ва қовуқ тошларини ўша заҳоти майдалаб, тушириб юборади. Қони пешонага суртилса, бош мия пардаларидан келадиган бурун қонини тўхтатади, унинг қуритилган қонидан боқила ҳажмида ейилса, шунингдек, қони иссиқ бошга қуилса ёки суртилса, ҳатто бош сугигача етган жароҳатларга ҳам дори бўлади.

Янги қанот чиқарган боласининг патлари юлинган жойдан қон чиқади, ана шу қон кўзга томизилса, кўз жароҳатлари, қон қуишилиши, кўзни қоронги торттирадиган пардани, кўзни хиракаштирадиган парда ва шабкўрликни даволашда шифо бўлади.

Ахлатини кўйдириб, бурун атрофига суртилса, бурундан қон келишини тўхтатишда яхши дори бўлади. Каптар ахлатини кўйдириб, турп суви билан ичилса, буйрак ва қовуқ тошларини майдалаб тушириб юборади.

Ахлати индовнинг майдаланган уруғи ва хардал билан аралаштириб боғланса, эски бош оғриқ, бошнинг бир томони оғриши, елкадаги оғриқ, бўғимлар ва подаграга шифо бўлади, агар арпа уни билан хамир қилиб боғланса, тананинг қаттиқ шишларини юмшатади, зайдун ёғи билан қориб боғланса, оловда кўйган жойларга даво бўлади, сирка билан аралаштириб боғланса, ханозер (чўчқабўйин)ни таҳлил қиласди, зиғирнинг туйилган уруғи билан аралаштириб боғланса, яраларнинг оғзини очади ва унинг қазғоқларини юмшатиб туширади. Каптар ахлатини буғдой уни ва иссиқ сув билан озроқ қатрон аралаштириб, малҳам тайёрланади ва уч кеча-кундуз песга боғланади. Кейин ювиб ташланиб, шу амалиёт яна такрорланади, яъни, янгидан малҳам тайёрланиб, уч кеча-кундуз боғланади. Шунда энг яхши даво сифатида теридаги пес доғларини йўқотади. Каптар ахлатини сирка билан хамир қилиб, баданга яхшилаб боғланса, истисқо туфайли баданда пайдо бўлган барча турдаги шириначаларни қуритиб, тўкиб юборади. Агар ахлат сувда қайнатилиб, бемор ўша сувга кириб ўтирса, сийдик тутилишига даво бўлиб, сийишдаги қийинчиликларни бартараф этади.

Каптарнинг ёғи терига суртилса, бадандаги доғларни йўқ қиласди. Ахлати пати билан бирга кўйдирилиб, яхшилаб эзғиланиб сурма каби кўзга тортилса, кўзни хиравлаштирувчи пардани ва шабкўрликни даволайди. Каптар боласининг қорнини ёриб, чаён чаққан жойга иссиқма-иссиқ боғланса, заҳрини тортиб, бадандан чиқариб юборади.

Тухумининг мизожи ҳаддан ташқари иссиқ. У хомлигича истеъмол қилинса, бўғимлар қотиши ва бадан тиришишини ислоҳ қиласди, одамнинг ранг-рўйини очади. Агар асал билан гўдакларга берилса, тиллари тез чиқади. Беш дона тухуми чўчқа ёғига аралаштириб суртилса, эрлик шаҳватини ҳаракатга келтиришда кўп куч бағишлади.

Пешоби кўзга тортилса, кўз гавҳарига тушган зардобни ва кўздаги холни йўқотади ва кўзни хиралаштирадиган пардани бартараф қиласи.

Агар капитар боласининг гўшти доимий истеъмол қилинса, пес иллатини келтириб чиқаради. Хонаки ва ёввойи капитарларнинг иссиқ мизожли кишилар соғлиги учун зарари бор: бош оғриқ келтиради, қонларини тоширади, айниқса, боласининг гўштидан қилинган кабони доимий равишда ейиш қон босимини кўтаради, мохов иллатини келтириб чиқаради. Бундай пайтда уузум ғўрасининг суви, сирка ёки кашнич билан ейилса ёхуд янги узилган бодринг билан тановул қилинса, зарарнинг олдини олишга ёрдам беради.

Капитарларга яқин яшайдиган, доимий равишда улар билан машғул бўладиган кишилар мия, касбга алоқадор хасталиклар – фалаж, сахта, карахтлик ва тоун сингарилардан халос бўлишади. Шунингдек, бўлар-бўлмасга чўчиш, ҳадиксираш, ҳаво бузилишларидан сиқилиш каби дардлар ҳам яқинлашмайди.

ЎРГИМЧАК

Бу жониворни ҳамма минтақаларда учратиш мумкин ва уни ҳамма яхши билади. Бундай қараганда ҳеч кимга фойдаси ҳам, зарари ҳам йўққа ўхшайди. Унинг маҳорат билан тўқиган инига диққат билан қарасангиз, қанчалар сиру синоат борлигини англайсиз. Энг муҳими, ана шу оппоқ ипакка ўхшаш торларни ўргимчак ўз оғзидан чиқариб, бизга жуда кўп мушоҳадаларни ечишда ёрдам берадиган сирли торларни ҳам ўзи пишитиб, моҳир усталар мақомида «кошона»ни ўзи бунёд этади. Айнан ана шу ипаксимон торлардан ясалган уяси табобатда қўл келишини ҳамма ҳам билавермайди. Лекин ҳакиму табиблар тўрга ўхшаш бу уяning шифобахш фазилатларини минг йиллар олдин билганлар ва ўз амалиётларида фойдаланганлар.

Мизожи совуқ ва ҳўл. Унинг шифобахш хусусиятлари: оғзидан оппоқ ипак торларини чиқариб, инсонни лол қолдирадиган тўрлар тўқийдиган катта ўргимчакни зайдун ёғи билан бирга эзиб қулоққа томизилса, қулоқ оғриғига малҳам бўлади ва қон оқаётган жароҳатларга ўша ўргимчак оғзидан чиққан толалар босилса, қон оқишини тўхтатади ва жароҳатлар битишига даво бўлади.

Унинг оппоқ толаларини санавбарнинг пишган елими билан аралаштириб, ана шу аралашма зиғирпоядан тўқилган матога суртилиб, пешона ёки икки чаккага бо силса, сурункали иситмага шифо бўлади, яъни, ҳароратни пасайтириб, bemornинг ҳолатини яхшилайди. Шунингдек, гавдаси катта оқ рангли ўргимчакнинг инини bemornинг боши, билаги ёки бўйнига қўйиб боғланса, ҳароратини туширади, сурункали иситмасини бартараф қиласди.

*Ургочи ўргимчакнинг қорин томонида
қалин пардалар бўлиб, тухумлари ана
шу пардалар ичида сақланади. Тухумдан
чиққан полапонлари бирин-кетин парданি
йиртиб, ташқарига ўрмалайди. Ана
шу парда ҳарорати баланд сурункали
иситмаси бор bemorлар билагига боғланса,
дарддан халос бўлишади. Шунингдек,
қон оқаётган аъзоларга боғланса, қонни
тўхтатади.*

Агар ўргимчак баданга суртилса, сувли яра, ҳар хил яллиғланиш ҳосил қиласди, тана аъзоларини мажруҳ қиласди. Шу боисдан уни ичга истеъмол қилиш, терига суртиш асло мумкин эмас.

ЧУВАЛЧАНГ

Кўриниши нимқизил, узунлиги бир неча сантиметр бўлган ушбу ҳашарот тупроғи нам ва органик моддаларга бой ерларда яшайди ҳамда ёмғир ёққан пайтлар, баҳор ва куз фаслларида тупроқнинг юза қисмига чиқади. Қолган пайтлар тупроқ ости ва чимли қатламларда ҳаёт кечиради.

Мизожи биринчи даражада иссиқ ва ҳўл. Унинг шифобахш фазилатлари: қуритилган чувалчангнинг 10,5 граммини туйиб, узум суви билан ичилса, пешобни юриширади. Нўхат ва ловия солиб қайнатилган гўштили шўрваси истеъмол қилинса, эркаклик пуштини кучайтиради. Кунжут ёғида қайнатиб истеъмол қилинса, томоқнинг қирилиб оғришига ва сурункали йўталга яхши шифо бўлади. Бодом ёғига қўшиб туйиб истеъмол қилинса, қорин пардаси йиртилиб аччиқ ичак томон тушган, чурра ҳосил бўлган ҳолларда шифо баҳш этади ва қориннинг йиртилган пардаси битиб, ўз ҳолига келишига ёрдам беради. Ушбу аралашмани аёллар esa, туғишлари осонлашади, шунингдек чувалчанг буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади. Агар чувалчангнинг кунжут аралашмаси шароб билан истеъмол қилинса, сариқ хасталиги туфайли сарғайган одамни дарҳол ўзгартириб, ўз ҳолига келтиради.

Чувалчангни сувда қайнатиб, ғоз ёғи билан қулоққа томизилса, қулоқ оғригини ислоҳ қиласди.

Бир нечта чувалчангни битта идишга солиб, устига туз сепилади ва ундан ажралиб чиққан сув қулоққа томизилади, шунда қулоқ оғриғи йўқолади. Ёки чувалчанг эзига боғланса, тилнинг шишини ва сўлак оқишини йўқотади.

Тирик чувалчангни туйиб, узилган томирга боғланса ва уч кунгача сақланса, томирни улаб ўз ҳолига келтиради ҳамда оғриқни даф этади. Шундан кейин ҳам боғлаб юрилса, томирлар жароҳатига фойда қиласди. Борди-ю,

тегирмон гардига қориб хамир қилинса ва оғриқ бор жойга боғлаб юрилса, жойидан силжиб бежо бўлган сүякларни асл ҳолига келтиради.

Лат еган ва заха етган жойларга туйиб боғланса, ўз ҳолига келтиради. Агар чувалчанг ўрик мағзининг ёғига аралаштириб, ўша амал бажарилса, бавосилни даволашга шифо баҳш этади.

Чувалчангни зайдун ёғида пишириб ёки туйиб зифт билан ёки ошқовоқ барги билан хамир қилиб боғланса, эркаклик қувватини оширишга ёрдам беради. Яна бир фазилати: чувалчанг шароб билан ичилса, сийдик чиқишини равонлаштиради. Шунингдек, чувалчанг гўнг юмалатадиган қўнгиз ва сариқ новвот билан пиширилиб боғланса, бавосилдан қон кетиш ва орқа аврат ёрилишига зўр дори бўлади.

Чувалчангдан ёғ ҳам тайёрланади: бунинг учун чувалчангдан хоҳлаганча олиниб тозалаб ювилади, вазнига икки баравар кунжут ёки зайдун ёғи солиниб, бир маромда ёнаётган оловда чувалчанглар қуиб қовурилгунгача қайнатилади (Агар зайдун ёғида қайнатиласа, қуввати узоқ вақтгача сақланади). Бир муддат тиндирилгандан кейин ёғ истеъмол қилинса ҳам, суртилса ҳам бўлади. Ушбу малҳам кўпроқ асаб билан боғлиқ дардлар: тананинг бир томони ишламай, шол бўлиб қолганда, юз қийшайиши, аъзоларнинг суст ва ишламай қолиши, бўғим ва пайлар, бод ва оёқ ҳамда қўл бўғимларининг зирқираб оғришида, пушт ожизлигига айниқса яхши шифо бўлади.

КҮРШАПАЛАК

Кундузи учолмаслиги боис бу жониворни күршапалак дейишади. У Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида яшайди ва уни ҳамма билади.

Мизожи учинчи даражада иссиқ ва тўртинчи даражада қурук. Гўштининг иссиқлиги ахлатининг ҳароратидан бирмунча пастроқ. Шифобахш хусусиятлари: уни қайнатиб, шўрваси ичилса, бадандаги заарарли зардбларни, ахлат ва рутубатларни ҳайдайди. Истисқо ва бел оғриғи дардига даво бўлади. Зайтун ёғида обдан пишириб, кейин истеъмол қилинса, тананинг бир томони ёки қўл-оёқ ишламай қолиши, қалтироқ иллатлари, бўғимлар дардларига, бел оғриғи ва подаграни муолажалайди, совуқ шишларни бартараф қиласди. Агар кунжут ёғида обдан пишириб, бел ва қўймучга боғланса, асаблар яллиғланишига даво бўлади.

Гўштини оқ гул ёки тоғ савсани ёғида чўян ёҳуд мис қозонда маромига етгунча, яъни, ёғи тугагунча қайнатиб, яна ёғ солиб, хил-хил эзилтириб кейин ёғини сузиб, баданга суртилса, қалтироқ, подагра ҳамда томирларнинг тортишиб оғриши, соч тўқилиши каби дардларга малҳам бўлади. Агар аёллар сийналарининг учига суртишса, унинг катталашиб кетишининг олдини олади.

Кўршапалакни сувда яхшилаб пишириб, закарга суртилса, тўсилиб қолган пешоб йўлини очади, ўша сувдан закарнинг тешигига қайта-қайта томизилса ёки бемор ўша сувга кириб белигача ботирса, эркак кишининг нотавонлиги, олатининг сустлигига яхши ёрдам бўлади. Унинг миясини пиёз сувида эзиб кўзга тортилса, кўз гавҳарига тушган сувнинг кетиши ва кўзнинг равшан тортишини таъминлайди, асал билан аралаштириб суртилса, кўздаги холни йўқотади. Унинг қони чақалоқлар қовуғи ва човига суртилса, ўша жойга тук чиқмайди, агар қизлар сийнасининг учига суртилса, сийна катта бўлиб кетмайди. Агар ўша қон кўзга суртилса, унга

тушган ва кўзнинг кўришини хиралаштирган пардан ийғотади. Оловда куйдирилган кўршапалак қули кўзга сурмага ўхшатиб тортилса, кўзнинг кўришини равшанлаштиради. Агар шу кул шаробга солиниб ичилса, одамни қаттиқ маст қилади.

Аёллар кўршапалак сафросини (ўтини) андомларига суртсалар, туғишиларини осонлаштиради. Унинг мияси ни эркаклар оёқларининг тагига ишқалашса, эрлик қувватини қайтаради.

Ахлатининг мизожи жуда иссиқ ва қуруқ – тўртинчи даражагача боради. У теридаги доғларга суртилса, дарҳол даф этади.

Кўршапалак сути ҳам мизожда жуда иссиқ бўлиб, одам терисидаги доғларни йўқотиш хусусиятига эга. Агар ундан 15 грамм ичилса, одамни ўлдиради, бир грамми ичилса, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалааб тушириб юборади. Уясининг тепасидаги ишқорга ўхшаган, ҳажми ҳар хил бўлган, оқ, қизгиш рангдаги ичи ковак нарса кўзга ташланади. Агар ўша қаттиқ нарса эзиб суртилса, бадандаги сўгалларни қуритиб, тукларни бамисоли пакки билан қиргандек тўкиб юборади, лекин баданни захмли қилади.

Бу жониворнинг пешоби ҳам сутининг мизожи ва қувватига эга бўлиб, баданинг қаттиқ ва қуюқ моддаларини мўътадиллаштиради. Агар у кўзга тортилса, кўздаги хол ва чивиқни йўқ қилади. Лекин иккиси ҳам кўзга зарар. Шунинг учун кўзни муолажалашда улардан фойдаланмаган маъқул. Унинг калласи ётган кишининг болиши остига билдиримай қўйиб қўйилса, ўша одамнинг уйқуси қочиб, ухлолмай ётади.

ЛАЙЛАК

Гавдаси катта, оёқлари почадароз, бўйни узун бу паррандани ҳамма билади ва бошқача ҳурмат билан қарайди. Ўрта Осиёга лайлаклар баҳор ва ёз ойларида келиб, совук тушиши билан иссиқ ўлкаларга учеб кетади. Кейинги вақтларда Фарғона водийсининг айрим ҳудудларида қиш ойларида ҳам яшаб қолишаётди. Ўз по-лапонларини ташқи хавф-хатардан ҳимоялаш, олисларга учеб боришлирига қулай бўлиши учун лайлаклар баланд дараҳтлар, электр ва телефон симлари тортилган тўсингилар ҳамда миноралар тепасига ин қуришади. Болаларининг душмани илон бўлганидан, полапонларини ёшлигидан илон ва бошқа гўштли жонзотлар билан боқишаёди. Шу сабабдан лайлак гўшти сассиқ бўлади.

Мизожи учинчи дараҷа охирида иссиқ ва қуруқ.

Унинг шифобахш хислатлари: гўшти ейилса фалаж, юзнинг қийшайиши, караҳатлик, радикулит, аъзолардаги совуқлик, эркаклик қувватининг заифлиги, заҳарли ҳашаротларнинг чаққанига даво бўлади. Болаларининг гўшти катта лайлакларникига қараганда анча фойдали. Лекин мизожи иссиқ кишиларга лайлак гўшти зарар қиласи. Бундай ҳолатларда кунжут ёғи, сирка, петрушка, кўпроқ кашнич, зайдун ёғи ёки бодом мойи билан пишириб ейилса, зарари ислоҳ бўлади. Бироқ лайлак гўштидан кейин зинҳор шароб ёки май ичмаслик керак.

*Табобатда тухуми гўштига қараганда
фойдалироқ. Унинг пешоби кўзга
тортилса, шабқўрликка даво бўлади,
қони баданга суртилса, теридаги оқ
догларни бартараф қиласи, агар сиркага
аралаштирилиб суртилса ёки боғланса ҳам
шундай самарани беради.*

Ахлати оқ доғларни, сепкилли ва бошқа доғларни теридан кетказади. Агар тухуми билан аралаштириб суртилса, сочни қорайтиради, қалтироқ дардини бартараф қиласди.

КҮРСИЧҚОН

Думи ва оёқлари оддий сичқонникидан калтароқ, тупроқ ранг, кўзи терисининг остига жойлашган ушбу қўланса ҳидли жонзотни кўпроқ сернам ерларда учрашиш мумкин. Тупроқ қатламини ковлаб, гиёҳ ва дарахтларнинг томирини кемириб, айниқса, пиёзнинг тупроқ остидаги қисми билан ҳаёт кечиради. Инига кириш жойига оддий пиёз ва порей пиёзи ташлаб қўйилса, унинг ҳидига чидолмай ташқарига чиқади.

Мизожи беҳад иссиқ ва қуруқ, заҳри қотилнинг жинсидан.

Шифобахш хислатлари: унинг сагриси томонидаги қони кўзга суртилса, кўздаги холни йўқотади ва бадан терисини ҳар хил додглардан тозалайди, ҳатто холни кетказади, ҳанозерни таҳлил қиласди. Мияси қизилгул ёғига аралаштириб суртилса, шишлар ва ўирингли яраларни бартараф қиласди, пес додгларини, теридаги оқ додглар, тери шишларини, юздаги ҳуснбузар изларини, ҳатто баданга тошган ҳар хил тошмаларни ҳам йўқотади. Қони ҳам шундай муолажа хусусиятларига эга.

Унинг калласини куйдириб, оқ даҳанифаранг билан бирга майдалаб қулоқ ва бурунга қўйилса, ҳар иккисини ҳам ёмон ҳидлардан тозалайди, агар ана шу аралашма суртилса, бош оғриғига шифо бўлади.

Агар кўрсичқоннинг калласи куйдирилиб, тутунига болалар тутилса, уларнинг сийишидаги қийналишлари бартараф бўлади. Унинг ўти (сафроси) йўнғичқа томири-нинг сувига аралаштирилиб бурунга томизилса, юзнинг қийшайишини даволайди. Кимки унинг юқори лаби-ни ўзи билан олиб юрса, сурункали иситма ва қўёнчиқ дардларидан халос бўлади. Тиши ёмон ниятли кишилар орасига ташланса, улар тарқалиб кетишади, шунингдек, ёғи оловга ташланса ҳам шундай ҳолат юз беради.

ЧЎЧҚА

Дунёning деярли барча худудларида учрайдиган бу ҳайвон ҳам ёввойи ҳолда, ҳам хонадонларда яшайди. Ислом динига қадар чўчқани Ўрта Осиёдаги ҳалқлар ҳам бошқа уй ҳайвонларининг гўшти қатори истеъмол қилишган. Яқин-яқинларгача бизнинг ўлкаларимизда ёввойи чўчқалар саҳро ва ўрмонларда гала-гала бў-либ яшарди. Мусулмон аҳли ислом таълимотига асо-сан чўчқа гўшти ва ёғини истеъмол қилишни ҳаром деб биладилар. Лекин табобатда, инсон соғлигини тиклаш ва муҳофазалашда бошқа жонзотлар қатори бу ҳай-воннинг ҳам ўрни борлиги, ҳалқ табобатида минг йиллар давомида қўлланиб келингани, энг хос табиблар даво си-фатида ундан фойдаланишгани боис, биз ҳам чўчқанинг шифобахш хусусиятларига тўхталишни жоиз билдик.

Мизожи иккинчи даражада аввалида иссиқ ва учинчи даражада хўл.

Унинг шифобахш хусусиятлари: чўчқа гўшти ейилса, инсон аъзоларидаги нуқсонларни таҳлил қиласи, ба-данга эт қўшади, одам мизожига муносиб озуқа ҳисо-бланади, истеъмол қилиниб, ҳазм бўлгандан кейин ҳам-маси танага сингишади, маълум миқдорда танада қуюқ хилт(модда) ҳосил қиласи, шошқалоқлик ҳирсини ва давомли дардни олиб келади, одамни фил касаллигига, яъни, оёқлари ва сонлари филникига ўхшаб, бесўнақай

семириб кетиш дардига мубтало қиласы. Шу боисдан мизожнинг ҳўллиги бўғимларда оғриқ пайдо қиласы, одам ақлини ожизлантиради, меҳрсиз, оқибатсиз, анчайин бефарқ ва беҳафса одамга айлантиради. Ана шу ёмон хислатлардан қутулмоқ учун шароб ичиш, шакар ва қанд ейиш тавсия қилинади. Булар етказилган зарарларни таҳлил қилиб, инсоннинг яхши фазилатларини тиклашга ёрдам беради.

Чўчқа гўштини истеъмол қилганда, одамнинг ёши, истеъмол миқдори, шунингдек, мизожи ҳисобга олинмоги лозим. Болалар ва ёшлар мизожининг ҳўллиги юқори бўлганлиги учун чўчқа гўшти уларга зарар қиласы, шу боисдан ҳўл мизождагилар чўчқа гўштини емаганлари маъқул. Бошқалар ҳам меъёрида истеъмол қилиши керак.

Унинг оёқ суяклари, айниқса, ошиғи эзғиланиб, унга айлантирилиб шароб билан истеъмол қилинса, заҳарли жониворлар чаққанда яхши шифо бўлади. Агар ана шу ун асалга қорилиб хамири боғланса, пес доғларини йўқотади, бу амалиётда исботланган. 4,5 грамми қовуриб ейилса, бадандаги еллар ва эски дардга малҳам бўлади.

Зирани чўчқа боласининг пешобида бир кеча-кунназ ивитиб қўйиб, кейин уни қуритиб, майда туйиб, мизожнинг кўтаришига қараб ҳар куни тановул қилинса, сарик сув касалига фойда қиласы, сурункали иситмаси бор киши оёқларини ювса, шифо баҳш этади.

Қуруқ ахлати сув ёки шароб билан истеъмол қилинса, кўкрак ичидан келадиган қон қусишини тўхтатади, бел оғриғига даво бўлади.

Ахлати сирка билан хамир қилиниб боғланса, мушаклар сустлигини бартараф қиласы, асалари муми ва ёғ билан аралаштириб боғланса, асаблар тортишишига даво

бўлади. Унинг сафроси томизилса, қулоқ ичидаги дардларга шифо бағишлайди, тузатади. Агар шу аралашма бавосилга суртилса, уни бартараф этади, асал ва мурч билан бирга туйиб, хамир қориб суртилса, кал бошларга соч чиқишига ёрдам беради. Ёғи билан ҳуқна қилинса, ичаклардаги иллатларга барҳам беради. Чарвиси қовуққа боғланса, бачадон ва орқа аврат дардларига таскин бериб, куйдириб оғрийдиган ва бошқа дардларга шифо бўлади, узок сақланган ёғи ейилса, ични юмшатади ва иссиқ қиласди. Ёғини шароб билан ювиб, оҳак ёки кул билан қориб боғланса, иссиқ шишлар ва кўкрак қафасидаги шиш пардаларини бартараф қиласди.

Милоднинг биринчи асрода яшаган машҳур ҳаким Жолинуснинг айтишича, унинг тузланмаган ёғида мумни эзиб, қулоққа томизилса, қулоқ әшитмаслиги, ҳатто туғма кар ҳам шифо топади.

Агар унинг ёғи тортишиб қолган аъзоларга суртилса, уларни ҳаракатга келтиради, муттасил суртиб турилса, ханозер ва бошқа яраларга малҳам бўлади. Куйдирилган суюклари майдаланиб бавосилга сепилса, унга сиҳатлик бағишлайди. Түёқлари куйдирилиб, унга ўхшатиб майдаланиб тановул қилинса, пешобнинг равон юришишига ёрдам беради, жуни нефть муми билан бирга куйдирилиб, қизилгул ёғига қориб суртилса, бедаво дардларга шифо бўлади. Чўчқа териси куйдирилса, унинг тутунидан пашшалар қочади.

ГЎНГҚЎНҒИЗ

Бу жонивор ҳар хил: юнгли ва юнгсиз, катта ва кичик, аммо ҳаммаси бир рангда – қора бўлади. Улар деворлар остида, тупрок тўдалар ва мол тезаклари тагида ҳаёт кечирадилар.

Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва ҳўлдир.

Унинг шифобахш хусусиятлари: гўнгқўнғизни бир кеча сувга солиб қўйиб, кейин ўша сув ичилса, меъда,

ичаклар ва жигардаги ахлатни ичкетар билан бирга даф этади, сариқ сув хасталигини даволайди. Уни эзиб, чаён чаққан жойга боғланса, бадандан чаён заҳрини даф қилади. Думини узиб ташлаб, бошидан ушлаб, пастга қаратиб силкитилса, ундан суюқ модда томади. Ана шу модда күзга тортилса, күзни бақувват ва равшан қиласи, унга тушган ва күришини хиралаштирган пардан бартараф этади.

Юнус табибининг айтишича, гүнгүнғиз калласининг орқа томонидаги қопқоқ кўтарилиса, афюнга ўхшаш рутубат – суюқ модда бўлади. Уни эҳтиёткорлик билан олиб, садафга солинади ва шу моддадан 14 грамми ни олиб, бир қисми пиликка ўхшатиб закар тешигига тиқилади ва қолгани қовук, қўймич, икки чов ва турмуқ атрофига суртилади. Бу амалиёт сийдик тутилишига даво бўлиб, сийдик йўлларини очади. Бу қўнғиз эзғилаб боғланса, пайлардаги захм ва яраларни бартараф қиласи. Шу қўнғиз қайнатилган зайдун ёғи бироз совитилиб қулоққа томизилса, унинг дардига таскин беради, шу ёғ суртилса, ханозер ва бавосилни бартараф қиласи.

*Гўнгўнғиз найчага солиниб, аёлнинг
қовугига боғланса, тугишини
осонлаштиради. У қизилгулга қўйилса,
гул сўлиб, қўнғиз ўлади ва мол гўнгига
қўмилса, қайтадан тирилади.*

Агар қўнғизнинг калласи капитар ини яқинига ташланса, атрофдаги капитарлар ўша ерга тўпланади.

АЙИҚ

Айиқ аслида ёввойи, ваҳший ҳайвон бўлса-да, одамлар, айниқса болалар уни яхши кўришади. Эртаклар қаҳрамони, ўрмонлар ва ҳайвонот боғларининг кўрки сифатида болажонларга олам-олам қувонч бағишлай-

ди. Ўзининг содда, беғубор қилиqlари билан одамлар меҳрини тоблайдиган мана шу маймоқбой инсон саломатлиги учун қанчалар фойдали эканини ҳамма ҳам, афсуски, билавермайди. Агар билганда, инсон балки уларга нисбатан бунчалик бешафқат бўлмасди.

Мизожи иссиқ ва ҳўллиги мўл, лекин қари айиқнинг мизожи қуруқ ҳисобланади. Унинг шифобахш хусусиятлари: сафроси бадандаги нуқсонларни шиддат билан очувчи, асал билан ярим грамми ейилса, тутқаноғи бор одамга шифо бағишлайди, сирка асал, мурч ва асал билан аралаштириб истеъмол қилинса, жигарнинг совукдан бўлган дардларига малҳам бағишлайди, гўшти совук истиқони бартараф этади, агар икки грамми истеъмол қилинса, танада кўчиб юрувчи қулунж (колит)ни жиловлаб, шифо бағишлайди. Айиқ сафроси асал ва арпабодиён билан қўшиб кўзга тортилса, кўзни бақувват қиласди, унга тушган холни йўқотади, тўкилган киприклар ўрнига янгиси чиқишига ёрдам беради.

Она сутидан бошқа ҳеч нарса емаган айиқ боласининг ширдони айиқ панирмояси дейилади. Агар ана шу панирмоя ейилса, одам семириб, танаси бақувват бўлади. Ундан 4,5 грамми истеъмол қилинса, мияда балғам йиғилиши туфайли юз берган тутқаноқни даволашга ёрдам беради. Агар кўзнинг чаппа ўсган киприклари кўзга зарар етказгани учун олиб ташланиб, ўша жойга панирмоя суртилса, қайта тук чиқмайди. Ана шу ноёб панир баданга ишқаланса, терининг ўша еридан тук чиқмайди, бадандаги пучак ва чувуқларга суртилса, уларни зудлик билан тўкиб юборади.

Айиқ ёғининг мизожи учинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Агар яхшилаб боғланса, бўғимларнинг эски дардини бартараф қиласди, асаблар ва қуриган томирларни юмшатади, агар бирор суюк синган ёки ўрнидан силжиган бўлса, бежо бўлганини ўз жойига келтириб, синганларини пайвандлайди, лат еган аъзоларни ислоҳ қиласди, кўкракка боғланса, қуруқдан бўлган йўтални тўхтатади, теридаги оқ

доғлар ва песга шифо бўлади, бош ва иякнинг сочи тўкилган жойларига соч чиқишига ёрдамлашади.

Янги туғилган чақалоқлар баданига айик ёғи суртилса, улар табиатнинг барча нохуш ҳодисаларидан халос бўлишади.

*Анорнинг ичи тозаланиб, айик ёғи ва
зайтун мойи билан тенг миқдорда
тўлдирилиб оловда илитиб суртилса,
қошнинг ўсишига, бош ва иякнинг сочи
тўкилган жойларига тук чиқишига, бавосил,
йиринги бор яралар, бадандаги ширинчалар
йўқолишига яхши ёрдам беради.*

Терисининг мизожи анча қуруқ. Агар унга доимий равиша ўтирилса, фалаж, ҳўл мизожли подагра ҳамда аъзоларнинг синиш дардларига малҳам бўлади. Турмуғини очиб, уни майдаланган мозу ва татум билан тўлдириб қуритилгач, эзғилаб ейилса, ич кетишни зудлик билан тўхтатади.

Ахлати олиб боғланса, бадандаги шишлар, танадаги кучли оғриқларни бартараф этади.

Айикнинг ўнг кўзини кимки ўзи билан олиб юрса, у одамга ваҳший ҳайвонлар яқин йўламайди, агар иккала кўзини латтага ўраб, беморнинг бўйнига осиб қўйилса, сурункали иситма дардига шифо баҳш этади.

АЛОКУЗАНГ

Кечалари учадиган ушбу ҳашаротнинг катта ва кичик тури бор. Каттаси арича, кичиги пашшадан йирикроқ, япалоқ, бадбўй. Ҳўл ва тоза гиёҳларга қўнади ва барча осойишта жойларда яшаб кўпаяди. Катта алокузангларнинг устида сариқ ҳар хил чизиқлар бўлади. Алокузангнинг айнан ана шу тури табобатда қўл келади. Шуни ҳам айтмоқ керакки, у заҳарли ҳашарот ҳисобланади.

Мизожи учинчи даражада иссиқ ва иккинчида қуруқ. Унинг шифобахш хусусиятлари: ўта аччик, бадбўй ва захри қотиллардан. Агар у ўтда қуидириб ейилса, талоқни шу даражада тозалайдики, ҳатто унинг қаерда жойлашганини ҳам унутасиз. Буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тўкиб юборади, пешоб ва ҳайнзи равон келтиради. Куидирилган алокузанг мол гўшидан шўрва ёки зайдун ёғи билан ейилса, кутурган ит тишлаган одамлардаги хавф-хатарни чекинтиради, аникрофи, ишончли дори бўлади.

Алокузанг қуидагича куидирилади: тиригини латтага ўраб, ўлгунга қадар қайнаган сирка буғига тутиб турилади. Шуни куидирилган алокузанг дейишади. Ўша куидирилган алокузангни майдалаб туйиб, сурмага ўшатиб кўзга тортилса, кўздаги гоммижжани йўқотади. Уни сиркага аралаштириб бош ва иякнинг туки тўкилган жойларига суртилса, янгидан соч чиқади, бадандаги, тирноқлардаги оқ доғларга боғланса, уларни ҳам бартараф қиласди. Агар асалари муми ёки ёғи билан аралаштириб боғланса, қийшайган ва чириган тирноқларни тушириб, ўрнига яхши, соғломини чиқаради. У сирка билан хамир қилиб боғланса, теридаги оқ доғларни, терининг бошқа доғларини, чаён чаққанни ва сўгалларни ҳамда бошқа тугулнарни бартараф этади.

*Тириклай оёқларини узуб ташлаб,
сояда қуритиб, бинафша ёғига ботириб
қўйиб, кейин пишгунига қадар зайдун
ёғида қайнатиб, бироз совигач, қулоққа
томизилса, қулоқ дардига шифо бўлади,
огриқларни тўхтатади. Агар ана шу
маркиб суртилса, киприкларни ўстиради,
бош ва иякнинг туки тўкилган гадир-
будур жойларига тук чиқшишига ёрдам
беради.*

Алокузангнинг устида қизил нуқталари бор қора тури-ни тутиб, ёғи бор идишга қамаб олти ой қүёшга ташлаб қўйилса, ҳар қанча эски дард бўлса-да, шифо бўлади, ай-ниқса йирингли яраларга яхши малҳам. Агар кўйдирилган алокузанг хардал билан аралаштириб суртилса, бошнинг сочсиз қисмига соч чиқишида ёрдам беради.

Кўйдирилган алокузангдан бир кунда қанча миқдор-да истеъмол қилиш аниқ белгиланмаган. Лекин айтиш-ларича, бир граммнинг учдан бир қисмидан кўп ейилса, заҳри қотил бўлади. Яхвиси, уни ичга ютмаслик керак. Агар ейилса-ю, зарар қилса, дарҳол эритилган мол ёғи ёки зифир ёғини ичиб, қайт қилиб ташланса, зарарини бартараф этади.

ПАШША

Пашша учадиган ҳашаротлардан бўлиб, ҳар хил – катта ва кичик, қора, кўк, оқ ва сариқ ранга бўлади. Каттасини қишлоқ жойларда эшак пашша дейишади. Табиатда ҳаммасидан яхвиси кўк ранглиси бўлиб, ёмо-ни ва зааралиси сарифидир, унинг заҳарлиси ҳам бор.

Пашшанинг мизожи биринчи даражада иссиқ ва ҳўлдир.

Шифобахш хусусиятлари: агар у шароб билан истеъ-мол қилинса, ҳомиладор аёлларнинг туғиши осонла-шади. Эшак пашшанинг бошини узиб ташлаб, кўз оғригини тузатади, унда пайдо бўлган гўштни йўқотади. Бошнинг сочи тўкилган ғадир-будур жойларига суртиб турилса, янгидан соч ўсиб чиқади, лекин фақат ўзи суртилса, кўз-нинг шишини қайтаради.

Катта ёки кичик пашшани товук тухумининг сарифи билан бирга эзив боғланса, кўз оғригини босади ва агар қаттиқ бўлмаса, унда пайдо бўлган гўштни йўқотади. Агар ўша аралашма буш ва иякнинг сочи тўкилган жойлари-га давомли суртиб турилса, қайтадан соч ўсиб чиқишига

ёрдам беради. Агар пашшанинг ўзи эзғилаб боғланса, кўз шишларига малҳам бўлади ва уни қайтаради.

Табиб Муҳаммад бинни Аҳмад бундай дейди: хоҳ хом, хоҳ пишган бўлсин, ҳиндулар пашшани қўзга қувват бағишилаш, ундаги дардлардан кутулиш учун ейишади.

*Кўк пашшанинг боши олатнинг тешигига
тиқилса, уни шиддат билан ҳаракатга
кељтиради. Ҳаким Бозодий бундай дейди:
Амалда синааб кўрган бир тўда эркаклар ва
аёлларнинг айтишларича, тунда арқон (иҳ)
га ўтирган пашшаларнинг ахлатини истеъмол
қилиб, то пўрсилдоқ бўлгунча бадандаги оқ
доглар ва пеc қуёшга солиб ўтирилса, ҳар
икки иллатга ҳам шифо бўлгусидир.*

Пашшалар кунжут ёғига солиб, бир ҳафта қуёшга ташлаб қўйиб, кейин ўлган пашшаларни олиб ташлаб, яна тирикларини тутиб, ўша ёғнинг ичига солиниб, аввал гидек қуёшга ташлаб қўйилса ва бу уч-тўрт марта такрорланиб, шундан кейин шишадаги ёғ тозаланса, у пашша ёғига айланади ва малҳам сифатида фойдаланилади.

Айтишларича, маргимушни кундур билан аралаштириб, пашша суратини ясад, уйнинг тўрига осиб қўйиб қўйилса, бу уйдан пашшалар қочади ва бошқа яқинлашмайди.

ТОВУҚ

Халқ орасида «Етти хазинанинг бири» деган таърифга лойиқ бўлган товуқ фақат гўшти ва тухуми озуқа, пари енгил саноат учун хом ашё бўлибгина қолмай, табобатда ҳам жуда кўп хасталикларга шифолиги билан машхур.

Ёш ва семиз товуқнинг мизожи биринчи даражада иссиқ ва ҳўлликда мўътадил, лекин жўжасининг ҳўлли-

ги анча күпроқдир. Хўрознинг ҳарорати, яъни, мизожи макиёниникуга нисбатан озроқ ва унинг қуруқлиги кўпроқ, аммо жўжахўроздининг мизожи мўътадил бўлиб, ҳўлликка мойилроқ.

Шифобаҳш хусусиятлари: Ас-Саъиду-с-Самарқандийнинг «Рисолаи сайдийя» («Овчилик рисоласи»)да таъкидланишича, товуқнинг гўшти бошқа қушларникига қараганда ҳам латифроқ, ҳам ҳазмлироқдир, ақлу шаҳватни зиёда қиласди. Жўжасининг эти баданни семиртиради, киши рухсорига жило бериб, ақлу фаросатини комил айлаб, қалбидан ёмон фикрларни даф этгай.

*Товуқнинг гўшти яхшилаб пишириб ейилса,
гизолик (овқатлик) қуввати ортади,
бошқа қушларникуга қараганда енгил таом
сифатида одамга ҳаловат бағишлайди,
ундан тоза қон пайдо бўлади.*

Ёши катта хўрознинг гўшти нўхат ва ловия билан пишириб ейилса, бадандаги қуюқ моддаларни таҳлил қиласди, ични юмшатади, савдони танадан ҳайдайди, шиш ва йўғон ичак дарди бўлмиш қулунжга даво бўлади. Қари хўрознинг гўштини кўп сувда то эзилиб пишгунга қадар обдан қайнатиб, бироз совиганидан кейин истеъмол қилинса, бадандан савдоий моддаларни ҳайдайди.

Жўжахўрор шўрва қилиб ичилса, нимжон ва бадани суст, шунингдек, меъдаси қизийдиган, сафроси мўл одамларга фойдали, айниқса, ортиқча моддаларни мўътадиллаштириш, ични юмшатишда жўжахўроздининг шўрваси жуда фойдалидир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, макиён жўжаларнинг гўшти бадандаги ортиқча моддаларни ҳайдаб чиқаради, лекин тухумга кирганларининг гўшти бундай қувватга эга эмас.

Қари хўрозни юролмайдиган даражага етгунча юргутириб, шундан кейин сўйиб, ичини лаш-лушлардан то-залаб, тузлаб, укроп билан тўлдириб, қозондаги сув оз

миқдорда қолгунча қайнатиб, пишган гүшти кечаси очиқ ҳавога қўйилиб, наҳорга тановул қилинса, жигар ичидаги қуюқлашган моддаларни бартараф этиш, ўпканинг эски дардларини, шунингдек, қалтироқ, нафас қисиш, қулунж, бўғим хасталиклари, меъда бўғилиши, томирлар бўшашиши ва бошқа дардларга шифо бағишлади, танадаги заҳарларни ҳайдайди, умуман, хасталиклардан ночорлашиб қолган bemорларнинг дармонга кириши, эски дардлардан халос бўлишида кўп хосиятли малҳам вазифасини бажаради.

Баъзилар товуқ шўрвага карам ёки маҳсар тухуми, укроп ҳатто учаласини баробарига солишади. Бундай шўрва юқорида айтилган дардларни даф этиб, танадаги балғамни куч билан чиқариб юборишда жуда зўр дори бўлади.

Жўжахўрзининг гүшти эрлик қувватини ошириб, одамнинг ранг-рўйини очади, овозини ёқимли қилади. Ёш хўрозчалар гүшти айниқса камқувват, хасталиқдан турган, шунингдек, мизожи иссиқ bemорларга яхши фойда қиласи, баданига сув югуриб, кучга кириб, семирибгина қолмай, юзига қон югуриб, чехраси ёришади, ўй-хаёллари ўзгариб, ўзини бардам ва хушнуд сеза бошлайди. Энг муҳими, умидсизлик, ёмон кайфият ва ўй-хаёллардан соқит бўлиб, ҳаётга қизиқиши ортиб, яхши ниятлар, орзу-тилаклар қалбини чулғайди. Жўжахўрз гүшти тоза ёғда қовурилиб, истеъмол қилинса, қуруқ йўталга шифо бўлади, бир ҳафтагача шўрвасига нон ботириб гўштидан бир бурдадан истеъмол қилинса, сабаби аниқ бўлмаган юз сарғайишларини бартараф этиб, кайфиятини ўзгартиради, дармон баҳш этиб, олдинги ҳолатига қайтара бошлайди. Агар гўшти кабоб қилиб ейилса, одамлардаги лой, тупроқ ва бошқа тамизли кесаклар ейишга бўлган иштиёқни сўндиради, хўл мизож меъдаларга мос келади. Товуқ жигари тўйимли, ҳазм бўлиши оғирроқ, лекин танага роҳат бағишлаб, се-миртирадиган озуқа ҳисобланади.

Миясининг мизожи иссиқлиқда мўътадил, ёпишқоқ ва рутубати бор. Шароб билан хомлигича ейилса, қон қусиш, мия пардаларидан бурун орқали қон келишини тўхтатади ва бадандаги бошқа жониворлар заҳарини ҳайдаб чиқаради. Агар пишириб ейилса, мия жавҳарини кўпайтиради, тафаккур қувватини оширади, зеҳнни ўткирлаштиради ва овозни ёқимли қиласи. Лекин давомли ейилса, одамни ақлдан оздириши, яъни, жинни қилиб қўйиши мумкин.

Ёғи истеъмол қилинса, баданни юмшатади, танадан савдоий моддаларни ҳайдайди, бироз совитиб бошга суртилса, меланхолия хасталигига даво бўлади, майда тошлар ва барча ёғезизлик, яъни, қуруқлиқдан бўлган дардларга ёрдам беради.

Товуқни камида ўн икки кун маҳсар донига боқиб, кейин сўйиб, гўшти истеъмол қилинса, янги мохов ва песя даво бўлади. Хўрознинг жиғилдонидаги пардани қуритиб, шароб билан истеъмол қилинса, меъда дарди ва унинг пастлашиши, яъни, фаолият сусайиши ҳамда овқат ҳазм қилиши бузилганда даво бўлади.

*Хўрознинг хоясини қуритиб, товуқнинг
чала тиширилган тухумининг сариги
билан бирга ейилса, эрлик қувватини
оширади. Агар уни оқ гул ёки тогнинг
шундай гулининг ёғига қориб, қовуқ остига
ёки човга боғланса, эркаклар олатини
бақувват қиласи ва ҳаракатга келтиради.*

Хўрозни баҳорда сўйиб, хояларидан бошқа ички аъзоларини олиб ташлаб, қорнини тузга тўлдириб, сояда қуритиб, кейин ҳаммасини тушиб, шишада сақланса ва керак бўлганда, ўша талқондан бир кафти янги соғилган сигир сутига аралаштириб ичилса, эркакларга шахвоний қувват бағишлийди.

Товуқ ва хўрознинг қони ичилса ва унинг қуритилгани бурунга пуркалса, бурундан қон келишини тўхтатади,

янги сўйилган товуқ қони кўзга томизилса, кўздаги холни йўқотади.

Қора товуқнинг суюги шу миқдордаги ток ўтини билан бирга ёқилиб, кули асалари муми билан аралаштирилиб тагдан кўтарилса, қиз боланинг ҳаё пардаси кетган бўлса, аввалги ҳолига – бокиралигига қайтади. Бу ақл ишонмайдиган сехрли мўъжизага ўхшайди, аммо амалиётда исботини топган ҳақиқат. Товуқнинг жиғилдонидаги тош майдалаб ейилса, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборишга ёрдам беради.

Товуқнинг энг яхши шифобахш фазилатларидан бири шуки, унинг қорнини ёриб, заҳарли жонзотлар – илон чаққан жойга иссиқ-иссиқ боғланса, танадаги заҳарларни ўзига тортиб олади. Менингит билан оғриган беморларнинг бошига қўйиб боғланса, bemor ўзига келиб, ҳушёр тортади. Яна бир хосияти шундаки, тирик товуқнинг кўтан пардасини узиб ташлаб, ўзи илон чаққан жойга боғланса, заҳарни ўзига тортиб олади. Илон чаққан одам ўзига келиб соғайгунча товуқни ўша жойга боғлаб туриш тавсия қилинади.

Товуқ гўшти сут, қатик, айрон ва бошқа сут маҳсулотлари билан бирга тановул қилинса, қулунж дардини пайдо қиласди, агар давомли равишда истеъмол қилинса, падагра, бавосил касалликларига чалинтиради. Бундай ҳолларда иссиқ мизожга шароб қайнатилган узум суви ичилса, зарарини бартараф қиласди.

ИПАК ҚУРТИ

Қимматбаҳо матолар тўқиладиган, айниқса, атласимиз жилосига сабабчи ипак олинадиган ипак қуртини Ўрта Осиёда яхши билишади. Ўта нозик ва мурғак уруғдан жонлантириладиган ва пиллакорларни кеча-кундуз тинмай меҳнат қилишга ундейдиган бу жониворнинг ҳаёти қисқа бўлса-да, ундан олинадиган ипак ва шу ипакдан тўқиладиган нафис матоларнинг умри узоқ

бўлиб, одамларга қувонч ва шодлик бағишлайди. Ипак қуртининг хизмати шу билан чегараланмай, одамлар соғлиғи, саломатлиги йўлида ҳам хизмат қилади, яъни, табобатда унинг ўз ўрни бор.

Мизожи биринчи даражада иссиқ ва иккинчида совуқ. Унинг шифобахш хусусиятлари: 10,5 грамм қуритилган ипак қурти истеъмол қилинса, юрак ўйногига даво бўлади, бир неча кунгача унинг талқонга ўхшаб туйилгани 10,5 граммдан бугдой шўрваси билан тановул қилинса, этга эт қўшади, одамнинг ранг-рўйини очади, эрлик қувватини оширади.

Ипак қурти кунжут ёғида пишириб боғланса, томоқ дардларига шифо бўлади. Агар ипак қурти товуқ бўйнига осиб қўйилса, у тезда семириб кетади. Ана шу товуқнинг гўштини еган киши ҳам семириб, эрлик қуввати ошади.

Ўтда куидирилган ипак қуртининг кули баданга сочилса ёки ишқалса, сувли яраларни куритади ва уларнинг оғзи-ни очиб, сувини чиқаради ва сиҳатлик бағишлайди. Агар терига боғланса, ундаги турли доғларни даф этади.

Бир дона катта ипак қурти арвуғон дарахтига боғлаб осиб қўйилса, иситмаси бемор шифо топади.

Фақат ипак қурти ва хом ипаги эмас, ундан олинган толадан тўқилган матолар ҳам инсон танасига, аъзоларида шифобахш модда сифатида хизмат қилади.

Мана «Тухфай Ҳусайний» рисоласининг муаллифи Сайид Муҳаммад Ҳасрат ипакнинг хосиятлари ҳақида нималар дейди:

*Ҳарирдан тополсанг агар ҳарорат,
Жон ила дилингга етар ҳаловат.
Юрагим ғунчаси ундан гул очар,*

*Шодланиб ҳамиша ғамларим қочар.
Бит пайдо қилишга қўймайди ипак,
Мўътадил бўлади баҳорда киймак.*

Буюк шоир ва саркарда Захириддин Муҳаммад Бобур хизматида бўлган, Алишер Навоий назарига тушган машҳур табиб Юсуфий ҳам ипакнинг шифобахш фазилатларини ҳисобга олиб, bemorlarни муолажалашда ундан фойдаланган ва ўз тажрибаларига сунниб, ипак фазилатларини шундай тасвирилаган:

*Бир мисқол ипакни ҳар кимса ҳар кун,
Қайчилаб уч ҳисса қўшиб асалга,
Ийлаб ундан қилса истеъмол агар,
Шод қилар, дуч келмас асло касалга.
Ёшлиар каби ундан кучга тўлади,
Мустаҳкам бўлади, йиқилмас салга.*

БЎРИ

Халқ орасида «Бўримисан, тулки» деган гап бор. Бу бўрининг иши ҳамиша бароридан келиши, унинг чаққон ва довюраклиги, ишни пухта қилишига ишора. Ёввойи ва ваҳший ҳайвонлар сирасига кирадиган икки тури борлигини ҳамма ҳам билмайди. Оч қолганда одамга ҳам ҳамла қилишдан қайтмайдиган бўрилар асосан дала-дашталар, чўл ва саҳроларда яшайдиган жонзорларга ташланиб, ўшалар ҳисобига тирикчилик қиласди. Онда-сонда яилов ва қишлоқ оралаб, одамларнинг молларига ҳам талафот етказади. Бўрининг яна бир тури борки, бунисини дўлта дейишади, бу бўри, асосан, ўлган моллар ва паррандалар гўшти билан тирикчилик қиласди. Табобатда бўрининг биринчи тури, яъни, одамларга яқин бўлиб, улар боқадиган ҳайвонлар гўшт-ёғини ейиш билан тирикчилик ўтказадиган бўрилар шифобахш сифатида ишлатилади.

Бўрининг мизожи учинчи даражада иссиқ ва ҳўл. Унинг шифобахш хусусиятлари: жигари айнан жигар хасталикларига баъоят фойдалидир. Лекин жигари даво экан деб еявериш унчалик тўғри эмас. Ҳарорати бор бемор унинг ярим граммини майдалаб сув билан, ҳарорати бўлмаса шароб билан еса, истисқо (водянка) ва мизожи иссиқ кишиларга дори бўлади, сканжабин билан истеъмол қилинса ёки қор суви билан ютилса, қоражигар (талок) дардларига шифо бағишлиайди.

Унинг 0,5 грамм ўти (сафроси) мусаллас шароби ёки асал билан истеъмол қилинса, сурункали иситма, қулунж ва истисқони даф қилади, қайнатилган сув билан нўхат ҳажмидағиси ейилса, эрлик қувватини оширади ва уни олатга суртиб турилса ҳам шундай қувват бахш этади.

Аъзоларнинг чангакка ўхшаб тортишиши, увишиши ва қалтираши, асабларнинг таранглостиши, айниқса, бу ҳолат совуқдан бўлса, бўри ўти хоҳ ейилса, хоҳ баданга суртилса, бу дардларга ажойиб даво бўлади. Агар бўри ўти эзғиланиб бурунга қўйилса, бурундан сув оқиш, шамоллаш оқибатида давомли аксиришни бартараф қилади, лавлаги билан аралаштириб бурунга қўйилса, кўз қизишини дарҳол тўхтатади, сканжабин билан аралаштириб бурунга томизилса, тутқаноққа шифо бўлади.

Қуритилган ўтини майдалаб туйиб, сурмага ўхшатиб кўзга тортилса, кўзнинг хиралостиши, кўз гавҳарига сув тушиб, кўриш хира тортишини бир кунда бартараф этади. Буни исириқ уруғи билан қўшиб туйиб баданга боғланса, теридаги оқ доғлар ва песни йўқотади, пиёз суви ёки лавлаги билан аралаштириб баданга боғланса, терининг пўст ташлашига шифо бўлади, бошдан соч, ияқдан соқол тўкилишига барҳам беради, бўғимлар оғриғига дори бўлади.

Айтишларича, бўрининг ўтини олатга суртиб, жинсий алоқага киришилса, ортиқча қувват бағишлайди. Агар аёллар шу ўтни тагдан қўтаришса, ҳомиладорликдан сақланишларига ёрдам беради.

Бўрининг озиқ тишини қуритиб майдалаб, ярим грамми янги соғилган сигир сути билан ейилса, ўпка дардларига бағоят шифо бўлади.

Чарвиси суртилса ёки боғланса, бош ва ияқдаги як-кам-дуккам соч тўкилган жойларга соч чиқишига ёрдам беради, эски шишларни қайтаради.

Янги соғилган сут билан миясидан 0,19 грамм миқдорида истеъмол қилинса, қалтироқни босади, уни газакўт суви ва зайдун ёғига қориштириб, баданга суртилса, совуқ туфайли танада пайдо бўлган хасталикларга шифо бўлади.

Жуни куйдириб тутатилса, шу атрофдан заарли жонзотлар қочиб кетади. Агар уни новшадир билан малҳам қилиб, баданга суртилса, жигар шишини қайтаради ва бошқа дардларни таҳлил қиласди.

Оёғининг илик суяги билан закарини бирга куйдириб, майдалаб боғланса, бавосилга зўр дори бўлади. Шунингдек, думи экинзор, пичанзор ва бошқа моллар ўтлайдиган яйловларга ташланса, чорва моллари ҳар қанча оч бўлишса ҳам, ўша жойларга яқинлашмайди.

Аёллар унинг қони ва пешобини ичишса, ҳомиладор бўлишмайди. Агар буни тагдан қўтаришса ҳам шундай ҳолат юз беради.

Арасту айтмиш: агар 4,5 грамм қуритилган хояси индов суви билан истеъмол қилинса, кўкрак ичидаги аъзолар, қоқиўт билан ейилса, елкадаги оғриқларни даф этади. Агар аёл киши унинг пешоби устига ўтиrsa, ҳеч ҳам ҳомиладор бўлмайди.

Агар тиззада туз йиғилиши туфайли бод пайдо бўлса ва қаттиқ оғриқ берса, бўри ошиғининг суяги ўша ерга боғланса, фақат бодни қайтарибгина қолмай, кўп юриш ва ортиқча ҳаракат қилиш туфайли толиқиб, зирқираш пайдо бўлган бўлса ҳам, ҳаммасига шифо бағишлайди.

ҚИЗИЛ ВА ҚОРА АРИ

Қиши ойларида инларга кириб, баҳорни кутадиган, ҳаво илиши билан кўзга ташланадиган, хонадон ва боғларда юрадиган оддий ариларга нисбатан жуссаси йирик арилар нега қизил ва қора деб номланиши сабабини била-миз. Лекин уларнинг кўпчилик билмайдиган хислатлари ҳам бор: ана шу арилар устидан ёғ қуйилса, ўлади, кейин сирка томизилса, аста-секин ҳаракатга келиб, қайтадан уча бошлайди. Ҳар икки турида ҳам заҳарли найзалари бўлиб, одамларни чаққанда анча зарар етади.

Бу ариларнинг мизожи жуда иссиқ ва қуруқ. Уларнинг шифобахш хусусиятлари: уларни туйиб, асал ва туз билан аралаштириб баданга суртилса, пес доғларини йўқотади, совуқ, юмшоқ шишларни бартараф этади.

*Агар асабга алоқадор эски совуқ мизожли,
чунончи, фалаж (тананинг бир томони
бошдан то оёққа қадар ишламай қолиши),
аъзоларнинг зирқираб қақшаши, нимжон
ва бошқа дарди бор кишилар ўзларини шу
ариларга чақтирсалар, соглиқларига яхши
шифо багишлайди.*

Баъзи табибларнинг айтишларича, арининг болалирини қуритиб, кейин туйиб унга аралаштириб ўша ундан пиширилган атала истеъмол қилинса, баданни яиратиб, семиртирас экан. Кўкимтирир қора ари зайдун ёғига пиширилиб, баданга суртилса, теридаги пес ва бошқа оқ доғларни йўқ қиласди.

КАЛПИСА

Буни турли худудларда турлича аташади: келас, кал-песи, калписа ва бошқалар. У дала ва саҳроларда, боғлар ва ҳовлиларда яшайди. Тўғри, турқи хунук, овози ёқим-

сиз, нозик таъб кишилар ундан жирканишади, айниқса болалар қўрқишади. Шу боисдан хонадон атрофларида овози эшитилгудек бўлса, иложи борича уни ўлдиришга ҳаракат қиласиз. Лекин мана шу хунук ва совуқ маҳлук ҳам табобатда қўл келаркан. Буни ўтмиш аждодларимиз – табибу ҳакимлар тажрибадан ўтказишиб, билганлари ни бизга мерос қилиб қолдиришган.

Шундай қилиб, онда-сонда бўлса-да, кўзимиз тушиб турадиган, иложи борича хонадонимизга яқин келтири- масликка ҳаракат қиласиганимиз – калписа қатор хасталикларга дармон бўларкан. Ҳар икки турининг ҳам мизожи учинчи даражада иссиқ ва ҳўлдир.

Унинг шифобахш хусусиятлари: майдалаб туйиб боғланса, бадандаги чечакларни қуритиб, тўкиб юборади, мурчагазакка шифо бағишлади ва баданга кирган тиканларни чиқариб ташлади.

Калписанинг қуритилган жигари эзғиланиб қурт еган тишларга қўйилса, оғриқни босади, ўзининг қуритилганини туйиб, зайдун ёғига қориб, бошга суртилса, сочи йўқ жойларда янгидан соч чиқишига ёрдам беради, қовуқ остига суртилса, сийдик тутилишини очади.

Агар калписанинг қорнини ёриб, чаён чаққан жойга босилса, оғриқни пасайтиради, пешоб ёки қонини зайдун ёғига аралаштириб, болалар чукининг тешигига томизилса, уларнинг чуррасига шифо бўлади. Шунингдек, уни сувда қайнатиб, чақалоқни шу сувда чўмилтирса ҳам шу шифони беради. Бироқ калписани истеъмол қилиш сил ва ўпка хасталигини келтириб чиқаради. Агар шифо учун еган бўлса-ю, зарар қилган бўлса, дархол равоч шарбатини исча, зарарни бартараф қиласи.

Одамлар орасида «калписа чақса, пес бўлади, чаққан жойи эриб тушади» деган гаплар юради. Бу асоссиз, шунчаки калписани одамларга ёмон кўрсатиш, ундан эҳтиёт бўлиш учун ўйлаб топилган гап. Ҳар қалай калписа ҳам заҳарли жонзотлардан. Шундай экан, ундан эҳтиёт бўлган яхши.

ИЛОН

Дунёда илоннинг бир неча юз тури бор. Лекин ранги оқ, сариқ, қора, ола-чипор, кўкимтири ҳамда бошқа сув ва қуруқлиқда яшайдиган, заҳарли ва заҳарсиз, бўғма ва учар илонлар борлигини биламиз. Улар ҳақида жуда кўп афсона ва эртаклар, ривоят ва ҳикоятлар мавжуд. Қолаверса, илон инсон соғлиғи билан машғул бўладиган тизим – тиббиётнинг рамзи қилиб олиниши ҳам бежиз эмас. Гарчи илоннинг турқи совуқ, одамлар ундан фақат заҳар солиш хавфидан қўрқибгина қолмай, умуман, ўзларига ёв деб билсалар-да, илон инсон саломатлиги учун энг зарур жонзотлардан ҳисобланади. Шу боис, уни парваришлаш, кўпайтириш билан шуғулланадиган маҳсус қўриқхона ва хўжаликлар мавжуд.

Мизожи учинчи даражада иссиқ, қуритиш қувватига эга бўлганидан қуруқдир.

Унинг шифобахш хусусиятлари: ёғи суртилса, кўзга заарли сув тушиши ва кўз гавҳарига даво бўлади. Пўстини шаробда қайнатиб, ўша шароб совимасдан қулоққа томизилса, унинг дардига шифо бўлади. Сиркада қайнатилиб, ўша сиркада оғиз чайилса, тиш оғриқларига таскин беради.

Сувда юрадиган қора илонни ҳали сув қуйилмаган янги кўзага солиб, ҳаммом оловига ёки қиздирилган тандир тафтига қўйиб, пишгандан кейин эзиб, асал билан қориб, кўзга тортилса, кўзни беҳад равshan қиласди, уни зайдун ёғида қориб, тўнғиз ярага суртилса, унга яхши малҳам бўлади ва тезда тузалишга ёрдам беради. Сирка билан хамир қориб, бошнинг сочи тўқилган ғадир-будур жойларига суртилса, янгидан соч ўсиб чиқади, оқма ярага суртилса, йиринг ва бошқа маддалардан тозалаб, тезда қуриб тўқилиб кетишига ёрдам беради.

Илон пўстини куйдириб, зиғир ёғга аралаштириб, бир неча кун шу ҳолича қўйилиб, шундан кейин оқма яраларга суртилса, шифобахш малҳам бўлади. Унинг думи ва

сафросини ёғга солиб, эзилгунча қайнатиб, буқоққа қарши ишлатилса, уларни бартараф этишда самарали дори бўлади. Тирик илоннинг тишини суғуриб олиб, бўйинга осиб юрилса, гавданинг бир томони, яъни, елкадан товонга қадар бехушликни даволашга шифо бўлади.

*Илон бир йилда бир марта пўст
ташлайди, ҳомиладор аёллар ана шу
пўстни белларига боғлаб олишса,
тугишлари осон кечади. Борди-ю, шу
пўстни куйдириб, ҳомиладор аёллар
ўзларини унинг тутунига тутсалар,
ҳомилаларини туширади, орқа авратдаги
бавосил шу тутунга тутилса, bemorга
азоб бериб келаётган бавосил доналарини
тўкиб юборади.*

Тухумини сирка ва танакори билан ийлаб, песга суртилса, теридаги песни бартараф қиласи.

Қадимги юнон табиби Мақаротаснинг айтишича, илоннинг бошидан думигача қорнини ёриб, ичидаги аъзоларни олиб ташлаб, ўрнига қуруқ шохтарани сувда хўллаб, қорнига жойлаб, сўнг яхшилаб тикиб, пишунга қадар оловга қўйилади. Қачонки илон етилиб пишса, оловдан олиб совитилади ва қайтадан қорни очилиб, шохтара олинади ва баданида пес бор одамнинг тери-сига боғланади. Бир кеча-кундуз шу ҳолда туради. Аллоҳ шифосини бериб, эртаси пес йўқ бўлади.

Илон пўстининг мизожи ўнинчи даражада иссиқ ва қуруқ, баъзиларнинг фикрича, учинчida иссиқ.

Унинг шифобахш хусусиятлари: 3,5 грамм илон пўстини пичоқ билан майда кесиб, 7 грамм арпа уни билан хамир қориб, кўмочга ўхшатиб япалоқ тошлар орасига қўйиб пишириб, ҳар куни табиб белгилаб берган миқдорда ейилса, ички ва ташқи бавосилни даф этади. Агар илон пўсти ҳар куни 3,5 граммдан уч дона хурмо билан истеъмол қилин-

са, аввало, буқоқ пайдо бўлишининг олдини олади. Илгаридан буқоғи бўлса, қуритиб тушириб юборади. 3,5 грамм илон пўсти кўйиб кулга айланган темир купороси билан ейилса, қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади. Илон пўстини сиркада қайнатиб, ўша сирка билан оғиз чайилса, тиш ва тиш милкларидағи оғриқлар босилиб, милқдаги захмлар шифо топади. Илон пўсти қайнатилган ёки шунча муддат қўёшда турган зайдун ёғи қулоққа томизилса, унинг дардини бартараф қиласи ва қулоқдан оқадиган йирингни тұхтатади. Шу ёғ кўзга томизилса, кўздаги қўтирил, сув оқиши, пиликларнинг нотавонлиги ва сустлиги, киприклар тўкилиши ҳамда шилпиқлик дардларига малҳам бўлади, кўзни равшан ва бақувват қиласи. Агар шу ёғ орқа авратга томизилса, унинг ёрилиши ва бошқа захмларини таҳлил қиласи.

Илон пўстини шаробда қайнатиб, ўша шароб қулоққа томизилса, оғриғини босади, агар оғизга олиб, бир неча марта лунжда айлантираси, тишлар оғриғини пасайтиради, милкларни мустаҳкамлайди. Илон пўсти кавар барги билан сувда қайнатилиб, зайдун ёғи ва асалари мумидан тайёрланадиган мумёғ тайёрланиб, ўша сувда оғиз чайилса, милк ва лабларнинг ёрилиши ҳамда оғриғига шифо бағишилайди.

Борди-ю, илон пўстини ўтда куйдириб, новшадирга аралаштириб боғланса, теридағи оқ доғлар ва песни даф этади, шунингдек, бошқа доғларни ҳам теридан кетказади. Илоннинг куйган пўстини зайдун ёғи ёки шароб билан аралаштириб бош ва иякнинг тук тўкилган жойларига суртилса, ўша жойларга қайтадан соч чиқади. Агар у куйдирилса, тутунига ва ҳидига ўша атрофдаги жонзорлар чидолмай қочиб қолишади. Ҳомиладор аёллар ўзларини шу тутунга тутсалар, яъни илон пўсти тутатилаётган идишни икки оёқлари орасига олсалар, туғруқ жараёни ҳамда йўлдошнинг тушиши осонлашади. Агар ҳўл яралар мана шу тутунга тутилса, уларни қуритиб тўкиб юборади.

Илон пўстининг ўзи ейилса, кўзни хиралаштиради ва одам илонга ўхшаб пўст ташлайди. Бундай пайтда тезлик билан кашнич ейилса, заарнинг олди олинади. Илон пўстидан бир кунда бир марта ейиш миқдори 3,5 граммгача тавсия қилинади.

ТОШБАҚА

Ҳаммага маълум бўлган, бизнинг диёримизда ҳам аҳоли яшайдиган ҳамда чўл ҳудудларда учрайдиган, тепасида тош косаси бор ушбу беозор жонзотнинг учтури – денгиз, сой-анҳор ва дашт тошбақаси мавжуд.

Денгиз ва анҳор тошбақасининг мизожи иккинчи дарражада иссиқ ва биринчидаги ҳўл, лекин даштда яшайдиганинику иссиқ ва қуруқ.

Шифобахш хусусиятлари: унинг гўштини истеъмол қилиш шаҳватни кўпайтириб, эрлик қувватини оширади. Гўшти кабоб қилиб ейилса, аёлларда ҳайз келишини тўхтатади. Қундуз хояси билан ейилса, танадаги бодларни ҳайдайди, қорин пардасининг йиртилиши оқибатида пайдо бўлган янги чурра (дабба)ни бартараф этади, саломатлик бағишлайди.

Дашт тошбақасининг қони ичилса, тутқаноғу томир тортишишининг муолажасига фойда қиласди, томирларнинг чангак бўлиб тортишишини ислоҳ қиласди. Унинг қонига арпа унини асал билан аралаштириб ҳамир қилиб, шу ҳамирдан мурч ҳажмида хаблар ясад, ундан эрта тонгда бир дона, кечки овқат олдидан бир донаси ейилса, тутқаноққа жуда фойдали дори бўлади. Қони қўл-оёқларга қайта-қайта суртиб турилса, бўғимлар оғриғи ва подаграга даво бўлади. Қундуз хоясига ўша қон аралаштирилиб ҳуқна қилинса, аъзоларнинг чангак бўлишининг олдини олишда қўл келади.

Сафроси (үти)ни суртиш ҳалқум шишларига шифо бўлади ва гўдаклар оғзидағи яраларни даволайди. Тутқаноқ дардига йўлиққан бемор бурнига суртилса ёки бурнига қўйилса, тутқаноққа шифо бўлади. Қуруқ үтини асал билан аралаштириб, кўзга тортилса, кўз гавҳарига тушган сувни йўқотади, шунингдек, кўздаги холни ва сув тушишига ҳам барҳам беради. Фақат шугина эмас, тошбақа үти (сафроси)нинг шифобахш фазилатларини «Фавойиди ахер» («Хайрли кишиларга фойдалар») рисоласининг муаллифи Юсуфий мана бундай таърифлайди:

*Тошбақа үтини ичсанг агар сен,
Жондорлар заҳрини даф қилар мудом.
Йўтални тузатар, гар ишонмасанг,
Имтиҳон қил, шубҳа йўқолар тамом.*

Дашт тошбақасининг қорнини ёриб, ичидағи лаш-лушларини олиб ташлаб, оқаргунга қадар уни оловда тоблаб, кейин мол ёғига ботириб, бўз латтага суркаб, томирга айланган саратон (рак)га боғланса, уни ифлос моддалардан тозалайди ва яра оғзини токи иккинчи марта қўзғалмайдиган даражага олиб келинади, шунингдек, ушбу тошбақа амалиёти бошқа хасталиклар, муолажасида ҳам қўл келади. Унинг тухумидан мурч донаси микдорида мизожга мос келадигани истеъмол қилинса, болалардаги эски йўталга шифо бўлади. Агар тухумига ўндан бир микдорида арпабодиён аралаштириб ейилса, хоялар шишига бебаҳо даво бўлади. Ёш болаларга тошбақа тухуми оналарининг сути билан берилса, хояларидаги бод ва оғриқни даф этади, шунингдек, тухуми ёғда қайнатилиб суртилса ҳам ана шу дардларга даво бўлади.

Ёғи суртилса, аъзоларнинг чангак бўлиши ва тортишишини бартараф этади. Гўшти истеъмол қилинса, аъзоларнинг чангак бўлиши ва тиришишига шифо баҳш этади, шаҳватни ошириб, эрлик қувватини зўрайтиради,

олатни ҳаракатга келтиради. Тош косасини сувда қайнатиб, ўша сувга кириб ўтирилса ёки ўтини сувда қайнатиб, ўша сувга кириб ўтирилса, болалар чурраси (даббаси)га шифо бўлади.

*Тошбақанинг устидаги косасини куйдириб,
қизилгул ё товуқ тухумининг ёғи
ёки кунжут ёғига хамир қориб бошга
богланса, соч ўсиб чиқишига фойда қиласади.
Товуқ тухумининг ёгини олиш қуйидаги
тартибда: тухумни сувда пишириб,
унинг саригини қошиқ ёки чўмичга олиб,
ёниб турган оловга қўйилади. Тухум
саригидан ёғи ажралиши учун чўмич
биroz қийшайтириб қўйилади. Шу тариқа
тухум сариги таркибидан ёг бир томонга
сизади. Шундан кейин алоҳида идишига
олиб, оқариши учун қўйиб қўйилади ва
мол ёғига ўхшаб қотганидан сўнг, тухум
ёғи сифатида қўлланилади.*

Тошбақанинг барча қисмлари оловга қўйилиб, то оппоқ бўлгунча шошилмай куйдирилади, кейин мол ёғи ва бошқа ёғларга аралаштириб суртилса, ярага айланган саратонга энг яхши дори бўлади. Агар ана шу куйдирилган тошбақа кули сепилса, муолажаси оғир дардларни муолажалашда яхши самара беради. Товуқ тухумининг оқи аралаштириб суртилса, одамнинг орқа авратидаги ёрилган ва бошқа аъзоларининг, айниқса, оёқлардаги ёрилган жойларни тузатишда даво бўлади. Агар куйдирилган тошбақа кулига ўндан бир микдорида мурч қўшиб, асалга аралаштириб, наҳорда оч қоринга ва кечқурун ётиш олдидан 14 грамм микдорида ичилса, нафас олиш, тилнинг чиқиши, шунингдек, сил ва диққи нафаслик дардларидаги ҳаво етишмаслик машақатларини енгишда жуда фойда қиласади.

Сүякларини майин туйиб ёки куйганини сурмага ухшатиб, кўзга тортилса, тутунини ҳидлагандек кўзга яқинлаштиrsa, ҳароратни даф қилиб, кўз ҳолатини яхшилашга ёрдам беради.

Денгиз тошбақасининг қони ичилса, бадандан ҳар қандай заҳарни ҳайдаб чиқаради. Қорни остидаги коғаси куйдирилиб, тутуни димоқقا тортилса, ҳароратни тушириб, бемор аҳволини яхшилади.

Агар елкасидаги коғаси билан бошдан сув қуиилса, аёллардаги ҳиссиёт қувватини даф этишда бағоят таъсирли восита ҳисобланади.

Тошбақани ейиш ичакларга зарар қилса, бундай ҳолда асал ейиш тавсия қилинади.

Унинг куйдирилган кулидан бир кунда бир маҳал ейиш 3,5 граммдан, тухуми 0,2 ва қони 0,6 граммдан ошмаслиги керак.

Ҳар қандай дорининг ортиқча ва бемаврид истеъмол қилиниши фойда ўрнига зарар қилганидек, тошбақанинг гўшти, тухуми, барча аъзоларини куйдириш туфайли олинган кулини зиёда истеъмол қилиш шифо ўрнига жафо келтиришини унутманг.

БЕДАНА

Бедананинг кимлар сайрашига, кимлар гўшти хуштаъм ва танакорлигига ишқибоз. Лекин табобатда қандай хислатлари борлиги, қайси дардларга шифолигини, афсуски, ҳамма ҳам билавермайди. Ас-Саъиду-с-Самарқандийнинг таъкидлашича, бедананинг гўшти барча қушларницидан аълоси, меъдада тез ҳазм бўлиб, шаҳватга куч бағишловчи қуш ҳисобланади. Йўқ, бедананинг хосияти ва бошқа қушлардан афзал жиҳати фақат шугина эмас.

Йил қуруқ келса сони камайиб, баҳори серёғин ва ёзи ҳам нисбатан мўътадил келган йиллари сероб бўладиган бедананинг мизожи иссиқ ва қуруқ бўлиб, лекин унинг иссиқ ва қуруқлиги ортиқчадир.

Шифобахш фазилатлари: юқорида айтганимиздек, гүшти паррандалар орасида энг аълолардан, меъдада осон ҳазм бўлади, мизожи иссиқ ва қуруқ бўлганидан, одамни тез чанқатади ва баданда қичиш, терида тошмачалар пайдо қиласди. Бедана гүшти кўпроқ ейилса, нафас бўғилиши дардига мубтало қиласди, бундай пайтда беданани турил нарсалар ва ёғ билан пишириш керак. Кабоб ёки қовурилганига қараганда, қайнатиб пиширилгани фойдалироқ. Айниқса, тафти баланд оловда тайёрланган кабобининг меъдада ҳазм бўлиши оғирроқ кечади.

БАЛИҚ

Бошқа жонзотлардан ҳаёт тарзи билан ва инсон томонидан энг кўп тановул қилинадиган, ҳазми енгил, парҳезга мослиги билан ажралиб турадиган балиқнинг тури ниҳоятда кўп. Энг яхшиси ва инсон саломатлиги учун фойдалиги суви ширин, олислардан, тошдан-тошга урилиб келадиган сувларда яшайдиган, айтарли катта бўлмаган балиқлар ҳисобланади. Уларнинг номлари ҳам ўзларига муносиб – хонбалиқ, сутбалиқ, лаққабалиқ. Истеъмол учун энг мақбули янги тутилгани. Айни пайтда балиқ жуда нозик бўлиб, эҳтиёт қилинмаса, тез бузилиши, истеъмолга яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин. Агар тузланса, ҳарорат мўътадил шароитда сақланса, истеъмолга яроқлилиги бузилмайди. Шунингдек, денигизларда, соҳили тошлоқ ерларга туташ, суви шўр манбаларда яшайдиган балиқлар истеъмолга муносиблиги жиҳатидан иккинчи ўринда туради.

*Барча балиқларнинг мизожи биринчи
даражада совуқ ва иккинчидага ҳўлдир.
Шўр сувларда, яъни, денигиз ва океанларда
яшайдиган балиқлар биринчи даражада
иссиқ ва қуруқликка мойил.*

Унинг шифобахш хислатлари: оловда кабоб қилингани, ёғда қовурилгани тез ҳазм бўлиб, жигарда яхши ҳазм бўлади, одамга хузур бағишлаб, баданни тез семиртиради, яъни, баданга сув югуради, этга эт қўшилади, маний, сут ва буйрак чарвисини пайдо қилади ва кўпайтиради.

Агар иссиқ мизожли кишилар истеъмол қилишса, шаҳватларини оширади, олатини ҳаракатга келтиради, иссиқ мизожли моддаларни ислоҳ қилади, ўпка, сил захмини ва ориқлаб кетиш дардига даво бўлади, ўпкани тозалайди ва юмшатади, шунингдек, қуруқ йўталга шифо бўлади, жигар ва буйраги иссиқ мизожларга мос келади.

Балиқ узумғўра суви ва татум билан кабоб қилиб ейилса, сафрони ва қонли ич кетишни тўхтатади, агар қовуриб, янги тутилгани кўк пиёс билан ейилса ва ундан кейин мўътадил шароб ичилса, маний пайдо қилади ва эркакларнинг олатини ҳаракатга келтиради. Шўрваси ичилса, ичилган заҳарлар ва баданга кирган тикан ва бошқа нишларни ҳайдаб чиқаришда шифо бўлади. Балиқ шўрваси давомли ичиб турилса, шоҳли илон чаққандаги заҳари, қутурган ит қопган кишиларни дарддан халос қилади. Балиқ гўшти турли масаллиқлар билан шўрва қилиб ичилса, баданга сув югуради. Қозонда оловни пастлатиб қовурилган балиқ гўшти ҳам одамнинг танасига хуш ёқиб, дармон бахш этади. Балиқ гўштини ун билан қоришириб, ёғда қовуриб тановул қилинса, одамни чанқатади ва меъдада кеч ҳазм бўлади.

Балиқни нон билан еб, устидан иссиқ сув, асал, сирка асал, шунингдек, турп еб, қайнатилган сув ичилса ва қайт қилинса, баданни кераксиз моддалар, турли ахлатлардан тозалайди ва бўғимлар оғриғи, бод, теридаги оқ доғлар ва песга даво бўлади, бошқа доғларни ҳам йўқотади. Иссиқ мизож ва совуқ мизож одамлар учун балиқ гўшти зарар қилади, шунингдек, ҳўл мия, асаб ва балғамли меъдага ҳам зарар қилади. Зарар етказмас-

лиги учун балиқни мол ёғида ёки кунжут, бодом ёғида пишириб ейиш керак. Шунингдек, занжабил, асал ва гулқанд билан ейилган балиқ гүшти ҳам зарар қилмайди. Айниқса, мизожи иссиқ кишиларни кўп ташна қиласди. Бундай пайтда асал ва турли гиёхлардан тайёрланган нордон ичимлик ичилса, зарарни ислоҳ қиласди. Лекин айрим кишиларнинг мизожига тузланган балиқ мос келади, шу боис бундай кишилар балиқни тановул қилганларидан кейин унчалик сувсашмайди, айрим кишиларнинг мизожига эса тузланмаган балиқ мос келади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, балиқ еб, устидан совуқ сув ичмоқ ниҳоятда зарарли. Бу ҳолат одамни даволаниш ва халос бўлиш қийин бўлган оғир дардларга мубтало қиласди. Ана шундай тасодифлардан сақланмоқ учун балиқ егандан кейин шароб ичилса, яхши ҳазм бўлиб, меъдадан тушиб кетишига ёрдам беради. Лекин балиқ ейишдан олдин шароб ичилса, ҳазм аъзолари фаолиятига салбий таъсир қиласди, қўтири, қичима, тери доғи каби иллатларга сабаб бўлади.

*Балиқни сут, товуқ тухуми, даشتда
яшайдиган ҳайвонлар гўшти билан тановул
қилиш зарарли ва одамни тузалиши
қийин бўлган, узоқ давом этадиган
хасталикларга мубтало қиласди.*

Тузланиб, ўн беш кун ва ундан кўпроқ муддат сақланган балиқнинг мизожи иссиқ, қуруққа мойил бўлади. Бундай балиқ ейилса, балғамни кўчиради, иштаҳани очади. Иссиқ мизож кишиларда шаффоф ва ширин балғам пайдо қиласди, бошқа заарлари – баданда қичима, қўтири ва тери доғлари бошланишига сабаб бўлади. Одамда пўст ташлаш, уйқусизлик ва бошқа иллатлар пайдо қиласди. Бундай пайтларда сирка асал, ҳар хил гиёхлардан тайёрланган аралашмани ичиб қайт қилиш ва ични тозалаш энг фойдали тадбир ҳисобланади.

Тузлаб қуритилган балиқ әнг яхши, ҳазми мақбул ҳи-
собланади, лекин қуюқ балғам ҳосил қиласы, меъдани
бақувват қиласы, шу билан бирга, юқорида айтилган
хасталикларга сабаб бўлади, уйқусизликни келтириб
чиқаради. Агар бундай балиқ давомли тановул қилин-
са, одамни шабкўрлик дардига мубтало қиласы. Бу ил-
латларни ҳам юқорида айтилган нарсаларни истеъмол
қилиш йўли билан бартараф этиш мумкин.

Сиркада бир кеча-кундуз ивитилган, мизожи совуқ
ва қуруқ бўлган, рутубатларни қуритувчи ва кеч ҳазм
бўладиган шўр балиқ бадандаги қувватларни оширади,
сафроли моддаларнинг меъдага оқиб тушишини тўхта-
тади, лекин қичима ва қўтирип пайдо қиласы, бадан тери-
ларида майда савдоли тошмалар тоширади.

Қўл-оёқлар тузланган шўр балиқлар сувида ювилса,
бадбўй яралар ва қўтирга шифо бўлади.

Янги тутилган балиқ қовурилиб, совигунча қўйиб
қўйилса ёки бир кеча-кундуз ва ундан ҳам қўпроқ нам
жойда сақланса, ейишга яроқсиз ҳолга келиб айнийди
ва заҳарланади. Агар буни билмай истеъмол қилинса,
пес ва истисқо дардига мубтало бўлади, киши худди
заҳарли қўзиқорин еган одам ҳолига тушади. Бундан
қутилишнинг бирдан-бир йўли қайт қилиш, меъдани
тозалаб, ичакларни ювадиган нарсаларни еб-ичишидир.
Агар совуқ мизожли кишилар шундай ҳолга тушса, ис-
сиқ мизожли нарсаларни истеъмол қилиши лозим. Бор-
ди-ю, иссиқ мизожли кишилар заҳарланса, турли сирка
асал ва қатиқ истеъмол қилиши керак.

Балиқ ейишдан юраги бехузур бўлган киши беҳи су-
вини оловда қайнатиб, қуолтириб ялаши ва қора зи-
рани бир кеча-кундуз сувга ивitiб қўйиб, ўша сувни
ичиши лозим.

Балиқни сувда қайнатиб, ўша сувга кириб ўтирил-
са, бошланғич босқичда бўлган ичак захмларига шифо
бахш этади ва зарарли моддаларни тери устига торта-
ди. Агар шу сув билан ҳуқна қилинса, бод дардига дори

бўлади. Балиқнинг ўти, айниқса зоғорабалиқнинг ўти кўзга тортилса, кўздаги холни йўқотади.

Тирик балиқнинг қорнини ёриб, ичидаги ҳаракатда бўлган аъзолари олиниб, бўғимларга боғланса, моддалар, шишлар, бадандаги тикан ва бошқаларни теридан ташқарига тортиб чиқаради. Мия пўсти ва миянинг ўзида шиш пайдо бўлиши туфайли ақлнинг кирди-чиқди бўлиб қолиш дардини бартараф этишда бемисл даво бўлади.

Агар шўр балиқнинг боши куйдирилиб боғланса, орқа аврат шишини бартараф этади ва унинг ёрилишига шифо бўлади. Шунингдек, чайён ва қутурган ит қопгандага ҳам даво бўлади, агар у ёғлар билан хамир қилиб боғланса, ҳалқумдаги тилчаларнинг қаттиқ шишларини таҳлил қиласди.

Куйдирилган суякларининг кули сиркага аралаштириб суртилса, песни тузатишга ёрдам беради. Балиқни иссиқ намакобда ювиб, унга қоҳгил суртиб, шу ҳолда бир муддатга қўйиб қўйиб, кейин яхшилаб ювилса, балиқларда бўладиган ҳиддан асар ҳам қолмайди. Агар балиқ буғдой нони билан ейилса, тезда ҳазм бўлади ва агар ун билан ейилса, бадҳазм бўлади.

МУШУК

Бу жониворнинг хонаки, ёввойи ва сувда яшайдиган турлари бор.

Уй мушугининг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва рутубати кўп.

Шифобахш хусусиятлари: уй мушугининг гўшти ёши катта ва ҳўл мизожли кишилар учун фойдали, агар ҳўлликдан бўлса, подагра хасталиги ва қорин пардаси йиртилишидан бўлган даббага дори бўлади, буйракни иссиқ қиласди, бавосил ва орқадаги оғриқقا шифо баҳш этади.

Агар терисидан пўстин тикиб кийилса, баданни иссиқ тутади, айниқса сув мушуги терисининг жунлари юм-

шоқ ва узун бўлганидан пўстини яхши, баданни турли балолардан муҳофазалайди.

Мушукни кўзага солиб, у қизиб турган тандирга қўйиб қўйилса ёки ҳаммом қўрасида кулга айлангунча кўйдириса ва кейин сирка билан қориб, товуқ пари билан суртилса, қўл ва оёқларнинг бармоқлари ёрилишига шифо бўлади.

*Мушук гўшти боғланса, подаграни даф
этади. Қуритилган гўшти туийб боғланса,
баданга кириб қолган ўқ ва тиканларни
чиқариб юборишда, синган суюкларни
бир-бираига пайвандлашда қўйл келади. У
билан яқин бўлиш, гўштини ейиш одамни
ориқлатиб юборади, сил хасталигига дучор
этади.*

Табиб Мехрёрус таъбирича, унинг мияси маданийлашган индов суви билан аралаштириб ичилса, чакмезак (тез-тез сийиш) ва буйрак дардига даво бўлади.

Қора мушукнинг ўтини оқ гул ёки тоғ гули ёғига аралаштириб бурунга қўйилса, юзнинг қийшайишига даво бўлади, сочни қорайтиради. Агар бола туғилганида, унинг кўзига шу ўтдан тортилса, бола кечаси ҳам яхши кўрадиган бўлади. Унинг 1,7 грамм ўтини зайдун ёғи билан аралаштириб бурунга қўйилса, юзнинг қийшайганига шифо бўлади, агар майдалангандан туз билан қориб суртилса, эски жароҳатни тузатади. Ҳайзи ҳуда-беҳуда келадиган хотинлар қора мушукнинг талоғини қовуқларининг пастига боғлаб олишса, қон келишини тўхтатади.

Ҳаким Арасту айтади: мушукнинг қуруқ хояси түйилиб, бурунга томизилса, моховни бартараф этишда жуда ҳам фойдали бўлади.

Шишаранг кўринишдаги ёввойи мушук уй мушугига қараганда каттароқ бўлиб, жуни озроқ. Лекин уй мушугига нисбатан шифобахш қуввати кўпроқ.

Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Унинг шифобахш хусусиятлари: миясини куйдириб, тутуни ҳидланса, бачадондан уруғни тўкишда дори бўлади. Мияси сувда қайнатилиб, ўша сувга кириб ўтирилса, бел оғриғи ва подаграга шифо бағишлайди.

Унинг гўштини ейиш номақбул, ўлаксахўр бўлганидан баданда ёмон иллатлар пайдо қилади.

Агар ёввойи мушук тишласа, кўп ташвиш келтиради ва баданнинг териси рангини ўзгартириб юборади. Бунинг давоси сифатида дашт ялпизи ёки пиёзни туйиб, тишлаган жойга боғланса кифоя.

САДАФ

Асосан денгизда яшайдиган бу жонзотнинг фазила-ти шундаки, унинг бағрида марварид ҳосил бўлади. Энг яхши марварид ширин сувда яшайдиган садафлардан олинади.

Мизожини баъзилар совуқ, баъзилар иссиқ дейшишади. Лекин куйгандан кейин мизожи иссиқ ва латиф бўлади. Оддийсига қараганда куйганда қуруқлиги кўп бўлади.

Шифобахш хислатларига келсак, ейилса бадандаги қуюқлашган моддаларни суюқлаштиради ва даф этади, ички аъзолар деворларини ёпишқоқ моддалардан то-залайди, ичкетарни ва қон қусишини тўхтатади. Жароҳатларга майдаланган садаф сепилса, қон оқиши барҳам топади. Агар садафни эзиб, тишга суртилса, тиш милк-ларини бақувват қиласи, оғриқларига дармон бўлади, тишларнинг илдизини курт ейишдан сақлайди, тишнинг кирларини кетказиб, топ-тоза қиласи.

Оқ садафни (айниқса ичидаги пўстини) эзиб, найча билан бурун ичига пуркалса, бурундан қон келишини тўхтатади.

Оқ садафни юмшатиб, бамисоли сурма кўзга тортилса, кўз яраси ва шилпиқлигига шифо баҳш этади. Кўз милкида пайдо бўлган тукни ўсишдан тўхтатади.

Сариқ садафни кўйдириб, қатронга қориб кўзнинг шилпиғига суртилса, кўз милкида ўсадиган тукларни ўсишдан тўхтатади. Кўйдирилган садаф туз билан аралаштирилиб тишларга суртилса, тишларни мустаҳкам қиласи ва унинг рутубатларини қурилади ҳамда оғиздаги ноҳуш ҳидларни даф этади.

Агар истисқо (сариқ сув) хасталигига қарши баданга боғланса ва бадандан ўзи тўкилиб кетгунча қўйиб қўйилса, фойда беради.

Садафни эзив, товуқ тухумининг оқига аралаштириб суртилса, баданнинг оловда куйганига шифо бўлади, иссиқ сув ёки ёғ билан қовуннинг туйилган уруғига қўшиб боғланса, теридаги сепкилга ўхшаш оқ доғларни теридан даф этади ҳамда одамнинг юзини хушрўй қиласи.

Садафни сирка билан эзив қулоқ супрасига суртилса, тумовдан бўлган сурункали бош оғриқни даф этади. Унинг кўйдирилганини эзив баданнинг совуқ ва ҳўлликдан оғрийдиган жойларига суртилса, дардга таскин беради ва бадандан совуқ ва ҳўл рутубатларни ҳайдайди.

Ҳаким Жолинус айтмишки, Ҳиндистоннинг кўйдирилган садафи боғланса, бавосилни даф қиласи, садафнинг гўшти истеъмол қилинса бадандаги совуқ ҳароратни ҳайдайди, ана шу гўшт, қовуқ ва белга боғланса, эрлик қувватини оширади. Садафчаларни шўрва қилиб ичилса, ични юмшатиб, равон келишига ёрдам беради.

Бинафша садафни ёғда қайнатиб, ўша ёғ суртилса, сочнинг тўкилишини тўхтатади. Агар уни сиркага аралаштириб истеъмол қилинса, талоқни шу даражада тозалайдики, унинг қайдалигини топиш ҳам мушкул бўлади.

ҚҮЙ

Бу беозор ва жаннати жониворни таърифлаш ва таниширишнинг ҳожати йўқ. Ҳамма юртларда, барча халқлар томонидан энг ювош, гўшт ва ёғи ёқимли, ҳазмли ва мазали ҳайвон сифатида боқиладиган қўй асосан хонадонларда, яъни, одамлар томонидан парвариш қилинади ва кўпайтирилади. Қўй шунчалар итоаткор ва қаноатлики, сўймоқ учун бўйнига пичоқ қўйганда ҳам бошини қимирлатмайди, аксинча ўзини пичоққа тутиб беради. Яна бир ҳайратланарли томони шундаки, қўйлар галасидан бирини тутиб, бўйнига пичоқ тортганда, бошқалари ана шу даҳшатга бефарқ боқиб туришади.

Қўй гўштининг энг яхиси семиз, бир-икки ёшлисиникидир. Уч ва ундан катта ёшдаги қўйлар гўшти қаттиқ, ҳазм бўлиши оғирроқ, боз устига, инсон танаси ва соглиги учун фойдалар моддалар кўп эмас. Энг емишли, мазали ва одам баҳра оладиган жоий – биқин, бўйин, кифт ва унга яқин бўлган жойларнинг гўшти.

Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва ҳўл.

Шифобахш хислатлари: қўй гўшти тез ҳазм бўлади, озуқалик қуввати кўп, ундан одамда тоза ва барқарор қон пайдо бўлади, танани яйратиб, семиртиради.

Юраги, жигари ва буйрагини еган кишининг юраги, жигари ва буйрагини бақувват қиласи. Агар мияси кўп ейилса, одамнинг ақлига салбий таъсир қиласи, яъни, ҳардамхаёллик, хотира сустлиги ва бошқа нохушликларни келтириб чиқаради. Гўштини ловия ва нўхат билан обдан қайнатиб, сирка ва асал билан ейилса, тез-тез истеъмол қилиб турйлса, баданни бақувват қиласи. Қувватсизлик, хушдан кетиш, юрак ўйнаши ва ориқлаб кетишнинг олдини олади.

Қўйни сўйган пайтда ёғидан иссиқма-иссиқ ютилса, шунингдек, совитиброқ чайнаб-чайнаб ейилса, йўтал, кўқрак ичидаги аъзолар, дамқисти, пешоб қизиши (сўзак) каби дардларга шифо бўлади.

Баданида бирор нарсага уриб олиш, йиқилиш ва бошқа сабаблар боис зарба еган, кўкарған, қонталаш бўлган жойи бор одамлар қўйни сўйган пайтда гўштини олиб, ўша жойга иссиқма-иссиқ боғласа, дардни даф этади, шишларни қайтаради ва жароҳат ўрни қолишига йўл қўймайди. Шунингдек, баданнинг шундай захми бор жойлар янги узилган терисига ўралса, ўша захмларга шифо бўлади.

Илонлар, чаррора (катта) чаёнлар, қорақурт чаққан жойларга қўй гўшти куйдириб боғланса, яхши даво бўлади, агар шароб билан эзиб боғланса, қутурган ит тишлаган одамларни ёмон кулфатдан халос этишга ёрдам беради.

Куйдирилган гўштининг кули сурмага ўхшатиб кўзга тортилса, кўздаги холни йўқотади, агар сирка билан аралаштириб суртилса, теридаги оқ доғларни йўқотишида фойда беради.

Сафро (ўт)сининг мизожи иссиқ ва қуруқ ҳамда тозаловчи. Агар кўзга унинг ўзи тортилса, кўздаги холни йўқотади. Унинг сафросига бош ювилса (айниқса асалга аралаштириб), бошдаги кепакларни йўқотади.

Қони иссиқма-иссиқ баданга суртилса, қичима, қўтира ва куйган аъзоларни даволашда шифо бўлади.

Ахлатининг мизожи ниҳоятда иссиқ ва қуруқ. Агар баданга суртилса ёки боғланса, шишлар ва истисқони бартараф қиласди ва захмларга шифо бўлади. Ахлати қизилгул ёғи ва асал ари мумидан тайёрланган мумёғ билан аралаштириб боғланса, аллергия, турли буқоқлар ва юздаги ортиқча гўштларни йўқотишида қўл келади. Ахлати гулобда ивитилиб, кейин боғланса, бадандаги йирингли тошмалар, маддали яра-чақаларни ёриб, шифо бағишлиайди.

Туёғининг кулини бош ва ияқдаги ғадир-будур жойларга сочиб, ишқалаб юборилса, янгидан соч ўсиб чиқади. Агар туёғини күйдириб, тозалаб ейилса, иситмани тұхтатади.

Вабо ва тоун өнімдің қоғыда қой ғүштини истеъмол қылмаслик керак. Сабаби – күп қон ҳосил бўладики, бу зааралидир.

Агар қой ғүшти енгил ва тез ҳазм бўлишини истасангиз, уни сирка ва сут билан истеъмол қилинг, шунда унинг заарли томонларини даф этади. Шунингдек, қатиқ чаккиси, қурут ва татум билан ейилса, осон ҳазм бўлади.

ҚУРБАҚА

Асосан кўлмак сувлар, сернам ботқоқлик, ҳовуз ва ариқларда яшаб кўпаядиган ушбу жониворнинг денгиз, дашт ва наҳрларда учрайдиган хиллари ҳам бор. Даشتда яшайдиганлари заҳри қотил бўлиб, табобатда асосан наҳрларда яшайдиганидан фойдаланилади.

Ҳамма турларининг мизожи учинчи даражада совук ва биринчидаги куруқ.

Шифобаҳи хислатлари: сувда яшайдиган қурбақани сувда қайнатиб, ана шу сув билан оғиз чайилса, тишлар оғригига маскин беради.

Қорнини ёриб, айнан ўша жойи баданга қўйиб боғланса, баданга кирган ўқ, тикан ва заҳарли газандалар захрини дархол тортиб чиқаради, шунингдек, оқаётган қонни тұхтатади. Унинг ғүштини күйдириб, эзид сочилса, бадандаги яраларни қуритиб, шифо бағишлияди. Кулини зифтга аралаштириб бош ва ияқнинг соч тўқилган ғадир-будур жойларига қўйиб боғланса, янгидан соч ўсиб чиқади.

Қурбақа гүшти тишга ишқаланса, тишни ҳеч қандай оғриксиз милкидан ажралиб тушишига ёрдам беради, баданнинг бошқа жойларига суртилса, куйишдан муҳофаза қилади.

Айтишларича, унинг оёғини ипга боғлаб, олмос ютган кишининг ҳалқумидан авайлаб нари ўтказилса, олмос парчалари унга ёпишади ва уни аста-секин тортиб, ташқарига чиқарилади.

Унинг оёқларини ва қорнидаги лаш-лушларини олиб ташлаб, эчки буйраги атрофидаги чарви билан пишириб, юзидаги ёғи олиб суртилса, қонли бавосилни даф этади.

*Дарахтлар тагида яшайдиган қурбақалар
кўкимтири бўлиб, бошқа турларига
нисбатан анча майда. Уларни ўз
огирлигидаги пахта чигити билан
куйдирив, майда эзгилаб, сурмага
ўхшатиб кўзга тортилса, кўз гавҳарига
тушган сувни йўқотади. Агар ўша майда
кўкимтири қурбақани сувда қайнатиб ўша
сув оғизда айлантирилса, тиши оғригини
тўхтатади.*

Қашқа қурбақа деб аталадиган сувда яшайдиган ҳаворанг қурбақанинг калласини узиб, қорнини ёриб, ичидаги бор нарсани олиб ташлаб, кейин терисини шилиб, қолган гүшт ва суякларини сувда обдан қайнатиб, ўша сувга хоҳ нон ботириб, хоҳ ўзи ичилса, иккинчи ва учинчи ҳафтада ҳам шу амалиёт такрорланса, яъни, уч ҳафтада учта қашқа қурбақа пишириб ейилса, бемор сил дардидан нажот топади.

ТОВУС

Қуруқ-иссиқ солсанг товусга разм,
Бадмизождир яна эрур бадхазм.
Боласидан келар ёқимли мизож,
Қулунж билан меъда дарди учун соз,
Меъданг ичра гўшти жой олган чоғи,
Белга қувват бўлар қўшилиб ёғи.

Ўзининг алвон рангда товланиши, думини кўтарганда, елпифичга ўхшаб ёйилиши ва ҳар хил рангда жилоланиши билан одамларни, айниқса она табиат мўъжизаларининг мафтункори, болакайларни ҳайратга соладиган бу паррандани мамлакатнинг ҳамма ҳудудларида, албатта ҳайвонот боғлари, жонли табиат ишқибозлари хонадонларида учратиш мумкин.

Товус гўштининг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Шифобахи хислатлари: гўшти жуда қаттиқ ва бадхазм, ейилса, бадандагализ хилт (модда) пайдо бўлади, бироқ меъдага куч багишлайди. Гўшти бошқа масалликларсиз қайнатиб ейилса, кўкрак қафаси пардаларидаги шишлар (зот-улжамб) ва елкадаги дардларга малҳам бўлади, айни пайтда чарвиси билан гўштини ейиш шаҳватни оширади, гўшти бақатўни билан шўрва қилиб ичилса, совуқдан бўлган меъда дарди, қулунж, гализ бодлар ва бўғимлар дардига даво бўлади.

Ёғи бел, закар ва авратга суртилса, шаҳватни ошириб, қувватни кучайтиради.

Чарвисини эритиб, сув, бақатўни ва асал билан араплаштириб суртилса, қулунж ва меъда дардини бартараф

этади. Қони анзарут ва тузга қориб суртилса, томирларни емирувчи яраларни шифолашда малҳам бўлади.

Товуснинг ахлати суртилса, теридаги доғларни тозалайди, чипқонларни қуритиб, тўкиб юборади. Суягини куйдириб, асалга аралаштириб суртилса, теридаги сепкилли доғларни даф этади, пес рангини ўзгартиради.

Бир грамм сафросини алоҳида ёки сканжабин (сирка асал), иссиқ сув билан ютилса, сийдик тутилиши ва эски қонли ичкетарни тўхтатишда яхши даво бўлади. Агар буни сиркага аралаштириб суртилса, заҳарли жониворлар чақиши ва захмларни шифолашда яхши малҳам бўлади, теридаги доғларни даф этади, уни анзарут билан аралаштириб кўзга суртилса, кўздаги холни йўқотади. Агар ўти куйдириб суртилса, жароҳатлар оғзини очиб, шифо бахш этади. Ана шу куйинди тишларга суркалса, уларни мустаҳкам қиласи ва кирларни тозалайди.

Айтишларича, унинг думғазаси кўзага солиб куйдирилса, 450 граммидан 4,5 граммга яқин тиллага ўхшаган кукун ҳосил бўлади. Ана шу кукун сурмага ўхшатиб кўзга тортилса, кўздаги хол ва унинг барча дардларига шифо бўлади.

Гўштининг мизожи ниҳоятда иссиқ ва уни занжабил, мурч, зира ва бошқа ҳазми таомлар билан бирга ейилса, ислоҳ бўлади.

ЧУМЧУҚ

Ўзининг тиниб-тинчимаслиги, ажойиб ҳаракатлари, кўринишининг чиройли ва хушранглиги билан киши диққатини тортадиган чумчук деб аталмиш мўъжаз қушча табобатда жуда кўл келади. Энг яххиси ва шифобахши қиши фаслида ҳам этини йўқотмагани, семизи ҳисобланади. Уй чумчуғи гарчи ёввойисига қараганда ҳар қанча семиз бўлса-да, шифобахшлиги айтарли дарражада эмас, ҳатто ярамайди. Хонадон чумчуғининг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, лекин дашту саҳрода яшайдиганининг қуруқлиги зиёдароқдир. Шифобахш хислатлари: чумчук пишириб ейилса, бадандада

иссиқни оширади ва семиртиради, баданида бодлар пайдо бўладиган иссиқ мизожли кишиларга мос бўлиб, уларнинг шаҳватини қўзғатади. Манийсини оширади ва олатини ҳаракатга келтиради.

Гўшти ейилса, ични юмшатади, лекин бошқа қисмлари ични қотиради. Ривоят қилишларича, чумчук паррандаларнинг сараси бўлиб, фалаж, юзнинг қийшайиши, аъзонинг нотавонлашиши, карахтлиги, закарнинг сустлиги, истисқо, сарик, буйрак ва шаҳват сустлиги каби хасталиклар учун дори бўлади, совуқ мизож ва ҳўл мизож кишиларга энг яхши даво, жумладан, қорин бодидан нолиб юрадиганлар учун ҳам дори бўлади.

Айни ҳаяжонга тушган пайтдаги эркак чумчук мояси-ни олиб, ширин бодом ёғида қовуриб, ёқимли, қувватли таомлар билан истеъмол қилинса, одамга ҳузур бағишлайди, манийни кўпайтиради, шунингдек, эрлик олатини ҳаракатга келтиради. Чумчук боласи шаҳватни ҳаракатга келтириш ва закарни шиддат билан ишга солишга қувват бағишлиловчиидир. Айниқса, ичи тозаланиб, тухум сариғи ва зайдун ёғига қовурилгани, шунингдек, чумчук тухуми бу борада жуда қувватбахш ҳисобланади.

Қолаверса, баданни соғлом ва бақувват қилишда бебаҳо даводир. Мояси товуқ тухумининг сариғи билан ейилса, шаҳватни тоширади, агар шароб билан истеъмол қилинса ҳам, ана шундай куч бағишлиайди.

Туғиш ёшидаги аёллар моясини тагдан кўтарсалар, тезда ҳомиладор бўлишларига ёрдам беради.

Бироқ иссиқ мизожли кишиларга чумчуқни ейишнинг зарари бор. Бунинг давоси анор, узум тўраси ва туриш сканжабинни ейишдир. Унинг гўштига анор ёки узум тўра сувини пуркаб истеъмол қилинса, тез ҳазм

бўлади ва яхши фойда беради. Сабаби, чумчук гўшти қаттиқ ва иссиқ мизож.

Чумчуқнинг бошини узиб, унинг қонини ясмиқ унига томизиб, хамирини юмалоқлаб, қуритиб қўйиб, жинсий алоқа олдидан ўша юмалоқланган хамирдан бир юмалогини асал билан аралаштириб закарга суртилса ва оёқни ерга тегизмай ҳаракат қилса, шаҳватни ҳаракатга келтиради.

Чумчук қони кўзга томизилса, унга тушган холни йўқотади.

Унинг ахлати жуда иссиқ ва қуруқ, кўздаги холни то-залиди, теридаги сепкилга ўхшаш доғни йўқотади, шунингдек, юзда пайдо бўлган бошқа доғларни ҳам даф этади. Ахлатини оғиздан оққан сувга аралаштириб суртилса, сўгални қуритиб, тўқади ва сепкилли доғларни бартараф қиласди.

*Суяги эзиб ейилса, меъдани бақувват
қиласди ва иҷкетишни тўхтатади. Агар
кемириб чайналса, қорин ичидаги аъзолар
ва ичакларга жуда ёмон зарар қиласди.
Балки, унинг суякларини чайнаш ва
майдалаб ейишдан ўзни тийган маъқулдир.
Акс ҳолда қизилўнгач ва қориндаги
ичакларга таъсир қиласди. Патларининг
кули суртилса, шишиларни бартараф
этади.*

Тирик чумчуқнинг оёқлари ва қанотларини узиб, асалари уясига қўйилса, арилар чақиб ўлдирганидан кейин уни ёғда қайнатиб, ўша ёғ суртилса, эрлик олатининг сустлигини бартараф этиб, шаҳватини бақувват қилиб, олатни ҳаракатга келишига ёрдам беради.

ЧАЁН

Чаённинг турлари кўп. Юрганда думини гажжак қилиб кўтариб оладиганини сайёла, думи ерда судралиб юрадиганини эса чаррора дейишади. Сайёлага қараганда чаррора кичикроқ, аммо заҳари кучли, ёз чилласида чақса одамни ўлдиради. Урғочи чаённинг заҳари эса эркагиникига нисбатан кучлироқдир. Ҳаммасидан ёмони қора чаён. Ҳатто шундай чаёнлар борки, найзасини тошга санчса, тошни майда-майдада қилиб юборади.

Чаённинг мизожи учинчи даражада совуқ ва қуруқ. Унинг шифобахш хусусиятлари: ёғи суртилса, фалаж (танининг бир томони ишламай, шол бўлиб қолиш), нотавон ва суст аъзолар, юзнинг қийшайиши, бўғимлар дарди, гавданинг караҳт бўлиши ҳолларига шифо бўлади. Кулини мурч билан эзғилаб, унга занжабил ва бошқа иссиқ мизожли шифобахш моддаларни аралаштириб, бамисоли сурма кўзга тортилса, кўзни бақувват қиласи, кўзни хира тортирувчи қўтириб ва унга тушган пардаларни йўқотиша жуда қўл келади.

*Агар чаён қовурилиб ёки кабоб қилиб
ейилса, совуқдан бўлган эски йўтални
йўқотади, сийдик йўли аъзоларидаги захм-
ларни бартараф қиласи. Унинг ўтда
куйдирилгани олча елими ёки гулхайрининг
туйилган уруги ёки укропни майдалаб,
бирга истеъмол қилинса, буйрак ва
қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб
юборади, сийишдаги қийинчиликларни
бартараф этади.*

Катта чаённи қуритиб, майдалаб, сирка билан аралаштириб суртилса, бадандаги янги пайдо бўлган пес доғини йўқотади, шунингдек, теридаги оппоқ доғлар ва кунжут шаклидаги доғларга шифо бўлади ҳамда бош ва

илякнинг туки тўкилган жойларига янгидан соч чиқишига ёрдам беради.

Чаённи зайдун ёғида қовуриб, бадандаги илдизи йўқ яраларга суртиб, устидан чаённи кўйдириб, туйилган кули сепилса, яраларни йўқотишда фойдаси бўлади. Ёғи бошнинг сочи тўкилган жойларига суртилса, қайтадан соч чиқишига ёрдам беради. Бавосил доналарини тушириб юборишда ҳам чаён ёғи қўл келади, бунинг учун ёғни бавосилга тез-тез суртиб туриш керак.

Тирик чаённинг қорнини ёриб, чаён чақсан жойга боғланса, бадандаги заҳарни ўзига тортиб олади. Ёғи чаённинг қовурилгани, кабоб қилингани ейилса, бадандаги чаён заҳрини даф этади.

Ойнинг тугашига уч-тўрт кун қолганда бир нечта тирик чаённи шишага солиб, устидан зайдун ёғи қўйиб, шишанинг оғзини маҳкам бекитиб, чаён ўлиб, унинг кучи шишадаги ёққа ўтгунга қадар қуёшга ташлаб қўйилса ва кейин ана шу ёғ суртилса, бел оғрифи ҳамда танадаги бод хасталикларига зўр даво бўлади. Шунингдек, шолни даволайди ва бавосил яраларини тўкиб юборади. Агар шишага солинган тирик чаёнлар сони кўп бўлса, ҳар бир чаён ҳисобига 35 граммдан зайдун ёғи қўйилиб, шиша қирқ кун қуёшга ташлаб қўйилади. Ана шунда бу ёғ чаён ёғига айланади. Агар шу ёғ баданга терининг устидан суртилса, бу буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади.

Шундай нақл қилишади: аёллар ҳомиласи ой-кунига етмай қориндан тушиб кетаверса, қуритилган ўлик чаённи осиб олсалар, ҳомилалари тушиб кетмас эмиш.

Чаённинг кўйдирилган кулидан бир кунда бир маҳал 1,75-4,5 граммгача истеъмол қилинади. Бироқ уни ейиш ўпкага зарар қилади. Ана шу зарарни бартараф этиш учун петрушка уруғи ейиш ва 180 граммгача пиёз суви ичиш тавсия қилинади.

Агар чаён чақса, ўша жойда тери қизариб, шиш пайдо бўлса, чаён чақсан кишининг танаси титраб гоҳ ис-

сиқдан қизишиб, юрагида беҳузурлик сезса, гоҳо бадани бўшашиб, совуқ тер келса, ҳатто ақли заифлик юз бериб, лаблари титраб, тишлари бир-бирига урилиб, тили оғзига сиғмаётгандек безовталик юз бериб, ранги ўчиб, ҳушидан кетиш даражасигача етса, бундай пайтда иложи борича чаён чаққан жойдан заҳар бутун танага тарқаб кетмаслиги учун ўткир пичоқ билан кесиш ёки маҳкамлаб боғлаш лозим. Ёхуд зиғир уруғи билан олтингугуртни туйиб, оқ гул ёки тоғнинг оқ савсани ёғина қориштириб чаён чаққан жойнинг атрофига мурчни сирка билан аралаштириб, баданнинг қизарган қисмига суртиш керак. Шунингдек, пиёз едирилса, уни майдалаб, эзғилаб ўша жойга боғланса ёки бошқа фойдали амалиётлар қўлланилса, заҳарнинг кучи бўшашиб, чаён чаққан кишидаги беҳузурлик пасаяди. Агар ўша чаққан чаённинг ўзини ушлаб, имкони бўлса, уни чаққан жойига боғланса, заҳрини тортиб олади.

*Бола янги тугилганда думба ёғ билан тоза
асал аралаштирилиб оғзига томизилса ёки
куйдирилган чаён кули ялатилса, унга
чаён чаққани бир умрга таъсир қилмайди.*

Шундай ривоят қилишади: бир киши юролмай, шол бўлиб, бир жойда ўтириб қолади. Кунларнинг бирида шу одамни ухлаб ётганида чаррора чаёни чақиб олади. Бемор ана шундай тасодиф боис дардига шифо топади. Агар чаррора чаёни чақса, мол ёки қўй ёғини ейиш энг зўр даво ҳисобланади. Ёғни яхшилаб доғ қилиб, чаён чаққан жойга қўйиш, баданнинг ўша ерини ўткир тиғли пичоқ билан кесиш ёки қонини тортиб олиш лозим. Шунингдек, нордон олманинг сувини оловда қайнатиб ичириш, шундай олма талқонини совуқ сув билан ичириш ёки арпа, ошқовоқ, бодринг ва шунга ўхшаган ёқимли нарсаларнинг сувини ичириш кўп фойда қиласди. Нордон олманинг қуритилган

барги, күйдирилган чаён кулидан ейилса ҳам оғриқни босишга ёрдам беради.

Чаённи күйдириш тартиби қўйидагича: тирик чаён мис ёки темир ёхуд сопол идишга солиниб, оғзи яхшилаб хамир билан сувалади ва қиздирилган тандирнинг олови тортиб олинниб, чаён солинган идиш унинг ичига жойлаштирилиб, оғзи бекитилади. Шарти шундайки, тандир ҳаддан ташқари иссиқ бўлмаслиги, чаён куйиб кулга айланмаслиги керак. Оғзи берк тандирда эрталабгача турган чаён, тандир тафтида хил-хил пишади. Шундан кейин шифо учун ейилса фойдаси зўр бўлади.

БУРГУТ

Фақат гавдаси эмас, ҳаракату шижоатда, ҳаёт тарзию инсонга хос матонатда бошқа қушлардан фарқ қиласидан, мағлубликдан ўлимни афзал биладиган, севги-садоқатда инсонга ҳам ибрат бўларли даражада событ бургут табобатда ҳам ўзига хос фазилатларга эга.

Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

*Унинг шифобахи шусусиятлари: гўшти
қаттиқ, ҳазмда оғир, еган кишининг
жигарида ножоиз моддалар пайдо
бўлади. Лекин бадандга жуда кўп
рутубатлар, бодлар пайдо бўлиши
туфайли эркаклардаги тинка қуриш,
дармонсизланиш ва ланж ҳолатларни
бартараф этиш, тана рутубатларини
поклашда яхши фойда беради.*

Ўти сурмага ўхшатиб кўзга тортилса, кўз гавҳарига янги тушган сувни даф этади, кўзни кучли ва равшан қиласиди, ундаги пардаларни, кўриш ҳолатини хиралаштирадиган қусурларни йўқ қиласиди, шунингдек, оғриқларига шифо бўлади. Қони суртилса, юздаги сепкилли доғлар

ва юз қизишига малҳам бўлади, ҳатто бўйин ва қўлтиқ тагига чиқадиган чўчқабўйин деб аталадиган яраларни ҳам бартараф қиласди.

Агар бургутнинг пар-қанотларини куйдириб, аёллар қўймич ва қовуқларини тутишса, уларни беҳушлик ҳолатига олиб келадиган бачадон бўғилиши дардига шифо бўлади.

ЗУЛУК

Халқ табобатида азал-азалдан қўлланиб келинган ва бадандан ҳаром қонни сўриб, одамларни оғир хасталиклардан қутқаришга хизмат қилган зулуклар булоқлар, қўллар, баъзан суви ширин сой ва анҳорларда яшайди. Ҳар хил турлари бор. Лекин табобатга яроқсиз, яъни, қон сўрмайдиганлари ҳам мавжуд. Биз айтмоқчи бўлганимиз шифобахш зулуклар кўпроқ булоқларда яшайди, ранги бироз қоратоп ва катта-кичик бўлади, боши юмалоқ, қора ва қорнининг остида белгилари бори энг яхшиси ҳисобланади. Шунингдек, қорнининг ости қизил, белида икки дона ҳаворанг чизиклар ва юқорида айтилган белгилар бўлса, зулукнинг шу тури табобатда энг фойдалиси ҳисобланади. Бироқ гавдаси катта, тим қораси табобатда фойдаланилмайди. Шунингдек, майдалари ҳам муолажага ярамайди.

Мизожи совуқ ва қўруқ. Унинг шифобахш ҳусусиятлари: зулукни қуритиб туйиб, асалга қориб, ҳамир қилиб, ялаб ейилса, шишлар ва томоқ дардига шифо бўлади, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тўкиб юборади.

Зулукнинг туйилгани алой билан аралаштириб боғланса, бавосил доналарини қуритиб, тўкиб юборади. Агар у суртилса, теридаги доғларни йўқотади. Агар

зайтун ёғида пишириб, закарга томизилса, уни катта ва серҳаракат қиласи. Шунингдек, зулукни зайтун ёғида қовуриб, сирка ёки банг (қурт тўкувчи сув) билан аралаштириб кўзнинг ортиқча мижжаси ва эгри ўсган киприклари юлингган жойга боғланса, бундай туклар бошқа чиқмайди. Кўйдирилган майда зулуклар бинафша ёғида қотирилиб, эркаклар закарига томизилса ёки аёллар фаржига юборилса, пешобнинг куйиши (сўзак) ва ичаклар яллиғланишига шифо бўлади.

Ўн беш дона йирик тирик зулукни 90 грамм ювиб тозаланган ва қуритилган чувалчанг, 420 грамм тоза кунжут ёғида обдан қайнатиб, кейин тозалаб, шишада сақланса ва зарур бўлганда ана шу ёғдан закарга томизилса ва унинг атрофига суртилса, уни бақувват ва серҳаракат қиласи. Сув тушиб, туриб қолган турмуқقا ана шу ёғдан бир неча кунгача суртиб турилса, турмуқдаги эскириб қолган сувни чиқариб юборади ва унга шифо бўлади.

Табобатда синовдан ўтган ва ўзини оқлаган зулукни баданнинг қаерида ҳаром қон туфайли йирингли яра, шиш, ширинча, тери доғлари ва бошқа захмлар пайдо бўлган бўлса, ўша жойга ёпиштирилса, ҳаром қонни оғриқсиз сўриб олади. Лекин шарти бор: зулукни ёпиштиришдан олдин бадан бадбўй ва мурдор ахлатлардан тозаланган бўлиши керак. Зулук қўйилган кишилар совуқ сув ичиш, совуқ ҳавога чиқиш, аччиқ ва туруш нарсаларни истеъмол қилишдан ўзларини тийишлари, яъни, парҳез тутишлари керак. Бир кун олдин зулук қўйилган жойларга эртаси ҳам зулук қўйилса, қолган ҳаром қонларни тортади, бироқ ёпиштириладиган зулуклар бир кун олдингидан озроқ бўлиши лозим. Айтайлик, биринчи куни ўн дона ёпиштирилган бўлса, иккинчи куни уч донаси кифоя қиласи. Бунинг сабаби шундаки, бир марта ҳаддан зиёд қон тортилса, беморда дармонсизлик ҳолати юз бериши мумкин. Шунингдек, томирнинг устига зулук қўйиш мумкин эмас. Энг яхши-

си, сара зулукларни баданга ёпиширишдан олдин бир муддат тутиб туриш лозимки, токи сўрган қонини тўкиб ташласин, поклансан. Шуни ҳам унутмаслик керакки, зулукни қўйишдан олдин беморнинг томирини қизаргунга қадар силаб, шундан кейин зулукни ёпишириш керак. Яна бир муҳим жиҳати – қонга тўйган зулукни то ўзи ажралиб тушмагунча, бадандан мажбуран олмаслик лозим. Ёки қонга тўйган зулукнинг оғзига озгина тупроқ ёки туз сепилса, осонгина ажралиб тушади.

Баданнинг зулук ёпишган қисмини ипли мато билан тез-тез артиб турмоқ лозим. Агар қон оқиши тўхтайвермаса, озроқ тупроқ ёки қонни тўхтатадиган бошқа нарса сепилса, зулук сўриши оқибатида очилиб қолган тешик бекилади.

Борди-ю, сув ёки ҳаво таъсирида оғриқ ёхуд шиш пайдо бўлса, қичий бошласа, ўша жойга туйилган зардчўни сепиб, боғлаб қўйилса, ҳаммаси ўтиб кетади. Ҳар ҳолда зулук ёпиширилиб ҳаром қон сўрдирилган томирларни совуқдан ва совуқ сувдан эҳтиёт қилмоқ лозим.

ТИПРАТИКАН

Деярли барча ҳудуд ва ўлкаларда яшайдиган бу жонзотнинг қорин қисмида туклари бўлиб, танасининг қолган қисмини ўткир тиканлар қоплаган. Бирор хавф-хатар туғилса ёки жаҳли чиқса, типратикан бошини ичига тортиб олиб, тиканларини найзага айлантиради.

Мизожи иккинчи даражанинг аввалида иссиқ ва қуруқдир. Шифобахш хусусиятлари: типратикан гўшти танани ортиқча рутубатлар ва оғриқлар, шунингдек, захмлардан халос қилиб, ғализ моддаларни зудлик билан таҳлил қиласи, қорин ва кўкрак қафасидаги аъзоларга номатлуб моддалар тўкилишининг олди олинади.

Унинг қуритилган жигари ва куйдирилган жигарининг кукуни тозалаш, қуритиш ва таҳлил қилиш хусусиятига эга. Тузланган гўшти сирка асал билан ейилса, бош

оғриғига даво бўлади, сариқ йўнғичқа қайнатилган сув ичилса, аъзоларнинг фалажи, чангак бўлиб тортишиши, асаб хасталиклари, истисқо (водянка) ва буйрак дардларига шифо бўлади. Типратиканнинг тузланмаган гўшти, айниқса, мизож бузилиши, сил, болаларнинг ётган жойига сийиб қўйиш ва бошқа хасталикларни бартараф этишда даво бўлади. Бироқ типратикан гўштини муттасил истеъмол қилиш сийдик чиқишини қийинлаштиради, айни пайтда совуқ мизож ва мизожи ҳўл кишиларга жинсий қувват бағишлиади.

Жигари қўёшда қуритилиб истеъмол қилинса, тана фалажини тузатади, истисқога шифо бахш этади.

*Териси куйдирилиб шароб билан ичилса,
тана фалажини тузатади ва сканжабин
билан истеъмол қилинса, бадандаги ҳар
хил гўштили шишларни қайтаради. Гўшти^{тишириб} ейилса, моховга шифо бўлади,
пайлар ва бўғимлардаги ҳар хил қаттиқ
чиқиқ ва тошмаларни йўқотади. Пўсти
куйдириб бөгланса, йирингли яраларни
тузатади, агар бу яраларда ҳаром этлар
бўлса, уни ейди ва захмларни қуритади,
чунки у тозаловчи ва қуритувчи
ҳисобланади.*

Қуритилган типратиканнинг гўшти бир муддат шимиб ейилса, мохов дардига шифо бўлади. Унинг кули суртилса, бадандаги сепкилли доғларни кетказади, қатронга аралаштириб суртилса, бош ва иякнинг туки тўкилган (темиратки мисол) жойларига соч ва соқол чиқишига ёрдам беради. Ана шу кул билан бош ювилса, бошдаги яралар тўкилиб кетади.

Типратикан гўштининг яна бир хосияти у бадандаги эски дардларни ва заҳарларни бартараф этади. Бироқ шуни ҳам эсда тутиш керакки, типратикан эти ҳаддан

зиёд истеъмол қилинса, меъда ва жигар мизожини бузади ҳамда одам руҳиятини ўзгартириб юборади. Бундай зарарни бартараф қилмоқ учун типратикан гүштини сувда обдан қайнатиб, пахта мойи ва ширин бодом ёғи ҳамда сирка билан ейиш лозим.

Ўтининг мизожи иссиқ ва қуруқ бўлиб, тозалаш ва қуритиш фазилатларига эга. Агар у кўзга суртилса, кўздаги холни йўқотади, баданга суртилса, ҳар хил заҳм ва яралар ёйилишининг олдини олади. Моховни даволашда ҳам фойдаси бор. Ҳомиладор аёл типратикан сийдигини асалари мумига аралаштириб ичса ёки тагдан кўтарса, ҳомиласини қорнидан туширади.

ЗОҒ

Бу қушнинг икки хили – ола зоғ ва қора зоғ бор. Табобат учун энг яхши ва фойдалиси – боласи.

Мизожи умуман иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Унинг шифобахш хусусиятлари: зоғнинг гўшти совуқ-мизож ва иссиқмизож одамлар ҳамда кексалар учун ёқимли, манийни кўпайтиради. Ундан холиса тайёрлаб, яъни, гўштини буғдой билан янчиб, туз ва ёғда обдан пишириб истеъмол қилса, пушти камарни – шаҳватни ошириб, қувват бағишилайди. Бунинг учун унинг гўштини аввал сувда қайнатиб, у сувни тўкиб ташлаб, кейин сирка билан пиширилса, бундай ҳолда мизожи иссиқ одамлар учун ҳам ёқимли таом ҳисобланади.

а) Ола зоғ. Унинг энг яхши ва шифобахши – боласи.

Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Унинг шифобахш хислатлари: гўшти кеч ҳазм бўлгувчи, егандан кейин кўнгилсизликлар келтиради. Энг яхиси, унинг гўштини емаслик. Борди-ю, ҳаёт тақозоси билан ейилса, шаҳватни сусайтиради. Агар кўзи ёнда олиб юрилса, уйқусизликка сабаб бўлади.

б) Қора зоғ ва зоғча.

Мизожи биринчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Унинг шифобахш хислатлари: гўштини еган одамнинг баданида тоза ва соғлом қон пайдо бўлади, эрлик шаҳватини ҳаракатга келтиради. Лекин мизожи иссиқ кишилар учун зарар қиласди. Бу зарарининг давоси сирка ичиш.

Ҳамма зоғларнинг сафроси тозаловчи ва аччиқ. Агар у кўзга тортилса, кўз олди қоронfilaшишига шифо бўлади, кўз холи ва мугузагини йўқотади. Хўroz ўти ва асалга аралаштириб кўзга тортилса, кўзнинг хиралашшига барҳам беради.

Барча зоғларнинг ахлати ҳам аччиқ ва тозаловчи ҳисобланади. Агар у олиб боғланса, теридаги оқ доғлар ва пестга шифо бағишлайди ва терининг бошқа доғларини йўқ қиласди. Унинг қуритилган гўштидан уч кунгача ҳар куни 0,6 граммдан еб турилса, теридаги оқ доғларни йўқ қиласди.

Унинг қуритилган қони суртилса, бавосилга шифо бўлади. Пати куйдириб суртилса, бош ва иякка тук чиқишига ёрдам беради.

ФУРРАК

Мусичадан каттароқ, сахро капитаридан кичикроқ, бўйнида холга ўхшаган белгилари бор, елка ва белларида ҳам холлар мавжуд, келишган бу қушни ғуррак дейишади.

Мизожи иккинчи даражада охирида иссиқ ва қуруқ.

Унинг шифобахш хусусиятлари: гўштини обдан қайнатиб, хил-хил пишириб ейилса, гавданинг бир томони – бошдан оёққача ишламай, шол бўлиб қолиши, қалтироқ, карахтлик ва бошқа совуқдан бўладиган асаб хасталикларига даво бўлади, бадандагайдо бўлган нуқсонларни бартараф этади, гализ бодларни таҳлил қиласди.

Түррак янги сўйилганда, қони, айниқса, юрагининг қони иссиқлигига кўзга томизилса, кўздаги холни йўқотишда зўр даво бўлади.

Ахлати сирка билан қориб хамир қилинса ва баданга қўйиб боғланса, шишларга малҳам бўлади ва уларни пишириб, сепкилли доғларни юздан кетказади. Лекин гўштини давомли ейиш уйқусизликка сабаб бўлади, ҳазми оғир, айниқса, кабоб қилиб ейилса. Унинг бундай зарарини ислоҳ қилмоқ учун шакар ейиш тавсия қилинади. Агар ёғда пишириб, сирка ва кашнич билан истеъмол қилинса зарари бўлмайди.

Уйқусида чўчиб тушадиган ва безовта ётадиган гўдакларга ғурракнинг ахлати едирилса шифо баҳш этади, бола бошқа чўчиб тушмайди, уйқуси бузилмайди.

Илон унинг овозидан қўрқиб қочади, шунингдек, турунига ҳам чидамайди.

КАКЛИК

Кўпроқ тоғ, ўрмон ва саҳроларда яшайдиган, хона-донларда эса қафасда сақланадиган бу парранда кўри-нишдан ҳам, шифобаҳшлик жиҳатидан ҳам беназир қушлардан ҳисобланади. Какликнинг гўштидан кўра юракларга завқ бағишловчи, ўзига нисбатан меҳр уйғутувчи овози одамга роҳат бағишлиайди.

Мизожи иссиқ ва иккинчи даражада қурук, лекин баъзи табиблар буни иссиғу совукда мўътадил дейишиади. Аввалги фикр тўғри. Унинг шифобаҳш хислатлари: гўшти энг ёқимли, яъни, ҳазм бўлиши осон гўштлардан, озуқалик кучи кўп, унинг истеъмолидан тоза қон ҳосил бўлади. Шифобаҳшлигига келсак, фалажлик, юз қийшайиши, мияга алоқадор совуқ хасталиклар, кўкрак ости аъзоларнинг, меъда ва бошқа қорин ичидаги аъзолар ва бошқа дардларга даво бўлади, сариқ сув касали ва ич қотишини бартараф этади, шаҳватни оширади ва бадани семиртиради. Бироқ ҳавонинг иссиқ кун-

ларида каклик гўштини ейиш мизожи иссиқ кишилар, шунингдек, ҳарорати баланд жойларда яшовчиларга зарар қиласди. Агар тоза шароб билан истеъмол қилинса, бош оғриғи, баданда қичима ҳосил қиласди. Ушбу зарарларни бартараф қилмоқ учун сканжабин ва нордон нарсалар истеъмол қилиш лозим.

*4,5 грамм мияси шароб билан ютилса,
сариқ қасаллигига даво бўлади. 2,25 грамм
жигари иссиқма-иссиқ ютилса, тутқаноққа
шифо бўлади.*

Какликнинг ўти кўзга тортилса, унга тушган ва кўришини хиралаштирган пардани, шунингдек, кўзнинг хира тортишига шифо бўлиб, иллатларни бартараф этади, шабкўрликни муолажалайди. Агар уни зайдун ёғига баробар вазнда аралаштириб, кўзнинг ташқарисидан боғланса, бошланғич даврда бўлса, кўзнинг гавҳарига тушган сувни бартараф қиласди. Агар уни тешилмаган марварид билан бирга эзиб, унинг вазнида мушк қўшиб кўзга тортилса, кўздаги холни, тутунга ўхшаган ва кўзни коронfilaштирадиган пардалар ҳамда кўздан ёш оқиш дардларига шифо бўлади. Унинг сафроси ҳар ойда бир марта бурунга томизилса ёки қуруғини эзиб пуркалса, зеҳнни оширади, хаёл pariшонлик ва унутиш касалига даво бўлиб, кўзни ўткир қиласди.

Қонини қотириб, майдалаб оқ шишага солиб, ўша миқдорда узун мурч қўшиб, асал билан аралаштириб кўзга тортилса, кўздаги хол ва кўз пиликларидаги қўтирини даф этади.

Тухуми ансул сиркаси билан пишириб ейилса, қорин ва ичаклардаги дардларга шифо бўлади. Шунингдек, йўтални бартараф этади. Унинг хоми кундур дараҳтининг елими билан ейилса, баданнинг этига эт қўшади.

ЖАЙРА

Баданида ўзини муҳофаза қилмоқ учун бир қарич-гача найзага ўхшаган тиканлари бўлган ушбу жонивор кўпроқ тўқай ва ўтлоқларда, сув ҳавзалари ва дарё ёқаларида яшайди.

Мизожи иккинчи даражанинг аввалида иссиқ ва қуруқ, унинг шифобахиш хислатлари: Жобир бинни Жаббон-ус-Сўфийнинг «Китоб ҳаввоси кабир» рисоласида айтилганидек, жайранинг гўшти пешоб тутилишини очишда шифо бўлади. Бунинг учун жайранинг калласи бўйнидан тичоқ билан кесилади, териси ажратилиб, гўшти майдалаш ёки туйшига осон бўлиши учун қуёшда яхшилаб қуритилади. Кейин туйиб ёки майдалаб, 9 ёки 13,5 грамми шаробда ивитилиб истеъмол қилинса, пешоб йўли очилиб, шу билан бу иллатдан халос бўлинади.

Гўшти ейилса, подаградан азият чекаётган беморлар шифо топишади. Агар баданга қайта-қайта боғлансанса ва қони суртилса, теридаги сепкилли доғларни йўқотади ва баданни кирлардан тозалайди.

Аёллар жайра гўштини тагдан кўтаришса, ҳайз келишини равонлаштиради. Унинг тиканларидан илон ва бошқа заҳарли жониворлар қўрқишиади ва унга яқин келишмайди.

Жайра билан типратиканнинг илонда қасоси бор, уни ўлдиришади. Шу боисдан ҳам илонлар жайрани кўришса қочиб қолишади.

Жайрани куйдириб, то эзилгунга қадар новшадил билан эзғилаб, кейин асал билан аралаштириб бош ва иякнинг соч тўкилган жойларига суртилса, қайтадан

соч-соқол ўсиб чиқади. Бошнинг сочи тўкилган жойларини то қизаргунча арман танакори билан ишқаб, кейин жайранинг ахлати зайдун ёғига аралаштириб суртилса, зудлик билан соч ўсиб чиқади.

Унинг ахлатини мўрт ёғи ва бошқа ёғлар билан аралаштириб баданнинг хоҳлаган жойига суртилса, тук йўқ жойларга тук чиқишига ёрдам беради. Пўстини кўйдириб, хардал ва қизил асал билан аралаштириб бошга суртилса, сочни узун қиласи, уни тўклишиш ва ёрилишидан сақлади, шунингдек, бош ва иякнинг соч ва соқол тўкилган жойларига қайта-қайта суртилса, янгидан тук ўсиб чиқади.

Жайранинг қурилган талоғи (қора жигари)ни туриб, шароб билан истеъмол қилинса, қора жигарнинг дардига шифо бўлади, чунончи, қора жигарида қаттиқ оғриқ бор кишилар жайра талоғини қовуриб ейишса, уч соатлардан кейин сув терига тушиб терлайди, ичидаги қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб, бир соатлардан кейин пешоби қистаб, 200 граммдан кўпроқ сияди ва оғриқ босилиб, ором олади.

Ўтини олиб аъло сифатли сурма билан яхшилаб қўшиб, кўзга тортилса, кўздаги холни дарҳол даф этади. Қурилган ўти қайта-қайта терига суркалса, янги пайдо бўлган песни йўқотади, олтингугуртга аралаштириб суркалса, эски песни даф этади. Қурилган ўтини майдалаб туйиб, шароб билан хамир қилиб, кулчалар ясаб, уларни қуритиб, ҳожат пайтида сирка билан юмшатиб эски бавосилга суртилса, дарҳол қонини кетказиб, соғлиқ бағишлиайди.

ПАНИРМОЯ

Бу сут эмизувчи ҳайвонлар боласининг ширдони бўлиб, туғилишга яқин қолганда онасининг қорнини ёриб ёки туғилиши билан ҳали ўт ейишга ултурмаган (кўзи, бузоқ, улоқ ва бошқа) ҳайвончаларнинг қорнидан ажратиб олинади. Меъдада суюқлик борми-йўқми, фарқи йўқ. Ана шу ширдонни панирмоя дейишади. Ҳар бир ҳайвоннинг

панирмояси ўзига хос хусусиятларга эга. Панирмояни ҳам хўллигида, ҳам қуритиб табобатда қўлланиш амалиётда синаб кўрилган ва ишонч ҳосил қилинган.

Ҳамма турдаги панирмояларнинг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, айрим табибларнинг фикрича, учинчи даражанинг аввалида иссиқ.

*Шифобахш хислатлари: истеъмол
қилинса, тутқаноқ дардига даво бўлади,
агар сирка, маска ёғ ёки асал билан
ейилса, мияда балгам йигилиши туфайли
бўлган тутқаноқни тузатади, айниқса,
қуён панирмояси бу борада самаралироқ
ҳисобланади. Унинг 1,75 грамми узум
сиркасига аралашибириб ичилса кифоя.
Чақалоқларга шундан озгина ичирилса,
тутқаноқ дардидан халос бўладилар.*

Панирмоянинг барча турларини истеъмол қилиш тана аъзоларининг ишламай қолиши, балғами томир тортишиши, бачадон бўғилиши каби дардларга шифо бахш этади. Боиси, бу қотиб қолган барча ахлатларни юмшатувчи ва айни пайтда суюқ ахлатларни қотирадиган ва қуюқлаштирувчи восита ҳисобланади. Хуллас, уни сиркада эзив истеъмол қилинса, меъдада қотиб қолган қонни таҳлил (суюлтиради) қиласди. Хоҳ ёлғиз ўзини, хоҳ бошқа даво бўлувчи воситалар билан қўшиб ейилсин, панирмоя меъда, қовуқ ва бошқа аъзоларда қотиб қолган қон ва сутни таҳлил қиласди, бурундан қон келишини тўхтатади, ҳомиладорликдан сақлайди, ич кетишни боғлайди, умуман, юракни бақувват қиласди, яхши кайфият бағишлиади. Аммо мизожи ўта иссиқ кишиларнинг асабини ортиқча ҳаракатга келтириб, ғазабини оширади.

Аёллар ҳайздан тоза бўлганларидан кейин буни тагдан қўтарсалар, ҳомиладор бўлишга ёрдам беради. Агар ун-

дан 7,25 грамм шароб билан истеъмол қилинса, таркибida тарёк қуввати борлиги боис заҳарли жониворлар, жумладан, илон чаққанига шифо бўлади ва бадандан ҳар қандай заҳарларни чиқариб юборади, эски ичкетарни тўхтатади, қорин оғриғи ва ичаклар яллиғланишига даво бўлади ва бачадондан рутубатларнинг мавридсиз келиши эскирган бўлса, ислоҳ қилади. Агар аёллар ҳайздан тоза бўлганидан кейин уч кунгача панирмояни истеъмол қиласалар, тутқаноқ ва томир тортишишдан халос бўлади.

Айтишларича, аёллар эркак қуённинг панирмояси ва моягини шаробга аралаштириб ейишса, ҳомиладор бўлишади ва ўғил туғишида, урғочисиникини еганлар қиз кўришади.

Қуён панирмоясидан бир ярим нўхат миқдорида истеъмол қилинса, узоқ давом этган иситмани даф қилади. Панирмоя гулхайри ёки зайдун ёғига аралаштириб баданга суртилса, ундаги тикан ва бошқа заҳарли нарсаларни чиқариб юборади. Бурун тешигига суртилса, бурундан қон келишини тўхтатади. Агар ҳарорати кўтарилиб, иситмалаган киши буни бош бармоғига осиб олса, ҳароратини тушириб, иситмасини даф этади.

Ёввойи эшак, тоғ эчкиси, кийик, қўй ва фил панирмоясидан бир нўхат миқдорида ейилса, манийни қўпайтиради, эрлик қувватни оширади.

ИТ

Итнинг инсонга содиқлиги ва садоқати ҳақида дунё халқлари томонидан кўп ибратли ривоят, ҳикоят ва ҳикматлар, мақол ва маталлар тўқилган. Одам Атодан Муҳаммад пайғамбаргача итнинг инсонга вафодорлиги ҳақида ибратли ҳикматлар айтилган, ҳатто «яхши ит ёмон йўлдошдан афзал», «ит вафо – хотин жафо» каби мақоллар тўқилиб, итларнинг хизмати, хислат ва фазилатлари ҳақида китоблар битилган, кинофильмлар яратилган.

Бу итоатли, қаноатли ва садоқатли жонивор инсонга ҳамроҳ, меҳрибон ва хизматига содиқ дастёргина эмас, соғлигини сақлаш, саломатлигини тиклаш, оғир дардлардан муҳофазалашда ҳам мададкор бўлади.

Унинг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, лекин йигирма кунлик боласининг мизожи иссиқ ва ҳўл бўлади.

Шифобахш хусусиятлари: итнинг гўштини пишириб, бошқа ёқимли таомлар билан бирга ақлдан озган ва меланхолия – дилгирлик дардига учраган кишилар истеъмол қилишса яхши шифо топишади. Биринчи марта туққан итнинг сути томизилса, кўз мижжасига чиққан бегона тукларни йўқотади, уни юлиб, ўрнига суртилса, бошқа тук чиқмайди.

Итнинг янги туғилган, ҳали қўзи очилмаган боласини то сувга аралашиб кетгунча сувда қайнатиб, кейин 400 грамм буғдой солиб, қозондаги сувни ўзига шимиб олгунча қайнатилади. Деярли сув қолмагач, буғдойни сузиб олиб, ним қоронғи жойда сақланётган бир ёшли товуққа ўша буғдойни едириб, товуқни кабоб қилиб, бошқа овқат аралаштирилмай, туғмайдиган хотинга та-новул қилдирилса, ўша аёлда ҳомиладор бўлиш қобилияти пайдо бўлади. Эмчагининг учида сут қотиб қолган аёлнинг эмчагини кучук бола сўрса, қотиб қолган сут эрийди ва сут келиши равонлашади.

Агар аёллар итнинг пешобини ичишса, ҳомиладорликнинг олдини олади. Биринчи марта туққан итнинг сути закарнинг оғзига томизилса, сўзакка шифо бўлади.

Жигарини қовуриб, кабоб қилиб ейилса, қутурган ит қопганга даво бўлади, борди-ю, ўша қутурган итнинг жигари ейилса, шифобахш таъсири яна ҳам яхши бўлади. Жигарининг кулини сиркага аралаштириб, қутурган

ит тишилаган жойга қайта-қайта боғланса, беморнинг саломатлигига яхши таъсир қиласди.

Биринчи марта болалаган итнинг сути ичилса, бадандаги заҳри қотилларни чиқариб юборади. Пешоби суртилса, сўгалларни қуритиб туширишга ёрдам беради. Ёғи суртилса, бўйин ва қўлтиқ остига чиқадиган тўнғиз яраларни бартарафа этади.

Ҳали кўзи очилмаган боласини молнинг тезагида кўйдириб, оқма яраларга сепилса, уни қурилади. Урғочи итнинг пешобини олиб, қатиқقا ўхшаб қуюқлашгунча идишга қўйиб қўйилса ва кейин сочга суртилса, сочни қоп-қора қилишда яхши бўёқ бўлади.

Итнинг суяги ва асаби (томири) одамнинг синган суяги ва узилган пайларига суртилса, уларни қайта улади ва ўз ҳолига келтиради.

Агар итнинг озиқ тиши осиб қўйилса, кечаси уйқу пайтида хуррак тортиш, гапиришнинг олдини олади, сариқقا шифо бўлади, агар чақалоқларга тақиб қўйилса, уларнинг тишлари ҳеч қандай оғриқсиз, нуқсонсиз чиқади. Қутурган итнинг сўгал тиши ўша итнинг терисига чиройли қилиб осиб қўйилса, одамни қутурган ит тишласа, ҳеч қандай зарари бўлмайди. Закарини қуритиб, сонга осиб олса, шаҳватни ҳаракатга келтиради. Қопонғич қора итнинг жунини осиб олса, тутқаноққа фойда бўлади.

Долчинни майдалаб туйиб, хамирга ўраб итга берилса, у севиниб, рақсга тушади.

Ит ўтидан ловия вазнида ютган одам ҳалок бўлади – ундан сақланмоқ учун мол ёғини долчин билан емоқ керак.

Қутурган ит қопганда, чораси қўрилмаса, ўша одам қутурган ит ҳолига тушади, яъни, сув ва оловдан қўрқиб, ҳар хил талвасага тушади. Бундай пайтда, ит тишилаган жойга қортиқ қўйиб, бор куч билан тортиш керак, токи ўша жойдан кўп қон чиқсан. Шундан кейин ўша жойга саримсоқ пиёзни майдалаб, сирка ва зайдун ёғи билан аралаштириб, лавлагини пиёз, индов билан пишириб, ёғеки саримсоқ пиёз ва майдаланган тузни токнинг кўйди-

рилган чўпининг қули билан қўшиб, ҳаммаси ўша жойга боғланса, яхши малҳам бўлади ва шифо баҳш этади. Бу тадбир қутурган ит тишлаган кунларнинг аввалида қўлла-нилса, заҳари баданга тарқаб кетмай уни чиқариб юбо-риш ва беморни соғломлаштириш имкони бўлади.

СУТ

Сутни чучук, аччик, шўр нарсалар, гўшт, товуқ тухуми, балиқ, пиёз турп, хўл мевалар, кўкатлар, донлар билан истеъмол қилиш мақбул эмас, шунингдек, сутнинг устидан ана шу озукаларни ейиш мумкин эмас. Акс ҳолда, кишини турли хасталикларга дучор қиласди.

Сутларнинг мизожи умуман мураккаб-ул-қувват, сувлилиги иссиқ, ёғли қисми гарчи иссиқликка мойил бўлса ҳам, мўтадилликка яқин, қатиғи эса совуқ ва қуруқ бўлади. Бир қатор табибларнинг таъбирларича, биринчи даражада иссиқ ва иккинчидаги хўл.

*Шифобахи хислатлари: ҳайвонларнинг
суги тозаловчи ва бадандан куйган
ахлатларни ҳайдовчи, қувват багишловчи
ва семиртирувчи ҳамда таносил аъзоларига
мослашувчи. Ваколат беришларича, агар
меъдаларида сафро моддаси бўлмаса, иссиқ
мизож ва қуруқ мизожли одамларга сут
мос келади.*

Агар янги соғилган сут томизилса, кўз оғриғини, қолаверса, кўз хасталикларини даф этади.

Ҳар қандай ҳайвон суги орқа авратга суртилса, ундағи шишлар ва дардларга таскин беради, ичак яллиғла-нишларини бартараф қиласди, қовуқ ости ва бачадон шишларини таҳлил қиласди. Агар ичилса, баданнинг асл рутубатларини тўхтатади, умрни узайтиради, баданни семиртириб, шаҳватни ҳаракатга келтиради, айниқса,

говмишнинг сутига шакар солиб ичилса, унинг таъсир кучи зўр бўлади. Танадаги барча заҳри қотиллар учун заҳарни қайтарувчи восита бўлади ва барча бадбўй ҳамда аъзоларни емирувчи дардларга даво бўлади. Агар сут суртилса, баданни хунук доғлардан тозалайди.

Сут ичиб турган, айниқса иссиқ мизож ва баданида гўшти кам, ориқ одамлар сутга шакарни аралаштириб ичишса, ранг-рўйини очади, этига эт қўшилади, агар ширгуруч пишириб истеъмол қилиб турса, соғлиғи яхши бўлади, тез семиради.

Панир суви баданга суртилса, сепкилга ўхшаш доғларни йўқотади, агар уни ичса ҳам шундай фойда беради, терини ҳар хил доғлардан тозалайди. Панир халила билан ейилса, қўтириб ва бадан қичишига шифо бўлади.

Ҳиндишонлик табиблар хотинлар сути ва эшак сутидан бошқа хом сутни ичиш турли хасталикларга сабаб бўлувчи омил дейишади. Сигирнинг янги соғилган, ҳали эмчак ҳоври кетмаган сутини жуда ҳам фойдали ва оби-ҳаёт кабидир дейдилар. Лекин эчкининг пиширилган сутини ҳаммасидан аъло сут деб баҳо беришади. Уни қайнатишнинг тартиби шундай: сутнинг тўртдан бир ҳажмида ширин сув аралаштириб, оловда бир маромда қайнатилади, сут таркибидаги сув буғланиб, соф сутнинг ўзи қолади. Сут совигандан кейин ичилади. Ҳар қандай сут пиширилганидан кейин 2-4 соат турса ичишга нолойик деб ҳисобланади. Демак, сутни қайнатиши билан шопириб, ҳоврини пасайтириб ичилгани соғлиқка фойдали.

Бузоғи ўлган ёки қорнидан ўлик тушган, ориқ ёки касалманд ва янги туқсан ҳайвонларнинг сути ичишга нораво ва ҳар хил хасталикларни келтириб чиқаришга сабабчи бўлади. Шунингдек, ҳарорати чиқиб, иситма кўтарилиган дастлабки кунларда сутни ичиш беморга ортиқча ташвиш келтиради, лекин иситманинг сўнгги кунларида фойдаси бор. Чунончи, қорин қабзияти, кўзнинг ачишиши, миянинг қуруқлиги, баданнинг сустлиги ва ориқлашиши, шунингдек, кексалик рутубатларини даф

этади, пешоб органлари ва таносил аъзолари фаолиятини яхшилади.

Сутга шунча миқдорда сув қўшиб қайнатилса ва ичилса, пешобни кўп келтиради, сийдик йўлларини то-залайди.

Ҳар бир ҳайвон сутининг ўзига хос фазилатлари, мизожи ва доривор хусусиятлари бор:

а) эшак сути. Унинг мизожи бошқа барча сутларга қа-раганда совуқроқ ва рутубатлироқ, яъни, иккинчи дара-жагача совуқ ва учинчидаги ҳўл. Энг яхвиси янги туққан эшакнинг сути. Агар ҳўтиги урғочи бўлса, яна ҳам яхши. У советмай ичилгани маъкул.

Шифобахш хусусиятлари: уни истеъмол қилиш ба-данга жуда ҳам совуқлик келтиради, рутубатни кўпайти-ради, фараҳлик бағишлади, ични бегона моддалардан тозалайди, тугуларни ёяди, иссиқ мизожли юракларни бакувват қилади, шунингдек, бадандаги мавжуд бош-қа моддаларда дарҳол ўзгариш юз беради, меъдасида сафро йўқ иссиқ мизож ва қуруқ мизож кишилар учун фойдали ва ёқимлидир.

Эшак сутини бурунга, қулоқ ва бошдан қўйиш ёки томизиш мияга намлик бахш этади, шунингдек, унинг қуруқлиги ва уйқусизликни даф этади, агар қуруқлик-дан бўлса, бош оғриғи ва мия хасталикларига саломат-лик бағишлади, бурундан қон келишини тўхтатади, иссиқлиқдан бўлган қулоқ ва кўз оғриқларига малҳам бўлади, кўзнинг ачишиши, сув оқиши, шилпиқлик тутунга ўхшаб тушган пардани ва бошқа шунга ўхшаган кўз хасталикларини тузатади, агар товуқ тухумининг оқига ва қизилгул ёғига аралаштириб оқизилса, кўзга тушган қизил холчалар, тутунга ўхшаш пардани дарҳол даф эта-ди. Агар пахтадан бўлган оппоқ матони ўша сутга боти-риб кўзга, бошга ва қулоққа қўйиб боғланса, юқорида айтилган хасталиклардан халос бўлишда қўл келади. Шу сут билан ғарғара қилинса ёки оғизга олиб, лунжда ай-лантирилса, томоқдан ҳар хил дардлар, тиш милкининг

шишлари ва ҳалқумдаги тилча ҳамда бодомча бездаги шишларни даволашда ёрдам беради, тишлар милкини мустаҳкамлайди, тиш оғриғини босади.

Каҳрабо ва дараҳтдан олинган сарық елимини майин эзиб, эшак сутида қориб бурунга қўйилса, қон келиши ни тўхтатади.

Агар эшак сути ичилса, кўкрак остидаги аъзолар қасалликлари, сил, ўпка захмлари, иссиқ ҳарорат ва иллатлар, иссиқлик ва қуруқлиқдан озиб кетиш, йўтал, нафас олишдаги қийинчиликлар, бадан қизиши, кўз хиралашишлари, қон қусиши каби қасалликларни даволашда шифо баҳш этади. Айниқса, каҳрабога бодом елими ва қатрони қўшиб истеъмол қилинса, қон қусиши дарҳол тўхтатади. Ични юмшатади, иссиқ истисқо, қора жигарнинг қотиши, қон қизиши ва сафрони йўқотишда шифо бўлади.

Эшак сутига ҳуқна қилинса, қонли иҷкетарни тўхтатади, ичаклар ва бачадон жароҳатларини тузатади. Буни чакка томизувчи най билан олатнинг тешигига томизилса, сўзакка даво бўлади, агар ошқовоқ ёғига аралаштирилиб томизилса, пешоб йўли захмларига шифо баҳш этади.

Сутни ичиш қатрондан бўлган яллиғланишларни бартараф қиласди.

Агар бу сут заъфарон билан қўшиб боғланса, ички ва ташки шишларни бартараф қиласди.

Иссиқ мизож ва ҳўл мизож, совукдан бош оғриғи бор, боши айланадиган, қулоғи гаранг кишиларга эшак сутини ичиш зарар қиласди. Айниқса, шундай сут ичиб ётилса, ҳиқичоқ тутади, бадбўй кекиришни келтириб чиқаради. Асалли гулқанд ейилса, буларнинг ҳаммасига дори бўлади.

Сутини хасталиклар муолажасига ичмоқ учун эшакни яхши ем-ҳашак билан боқиш лозим. Масалан, қон қусиши, сил, ўпка дардлари, ҳўл кашнич, хина барги, отқулоқ, тиканли дараҳт шохлари, баргизуб сувида ивитилган арпа ва бошқа озуқалар билан боқиш керак. Баданини тозаламоқ, шишларни қайтармоқ ва тугунларни оч-

моқ учун петрушка, арпабодиён, дармана, майдабаргли бўймардон, сувда ивитилган арпа ва петрушка уруғини аралаштириб бериш керак. Эшак сутининг ўрнига эчки ёки аёллар сутини истеъмол қиласа ҳам бўлади.

6) Сигир сути. Ёш ва соғлом сигирнинг сути энг яхши ва шифобахш сутлардан ҳисобланади.

Мизожи иссиқ ва совуқликда мўътадил ҳамда ҳўл.

Шифобахш хислатлари: сигирнинг янги соғилган, ҳали совимаган сути ичилса, мия жавҳарига куч бағишлайди, уни намли қиласи, баданинг асл рутубатларини сақлайди, хаёлпаришонлик, меланхолия ва восвос касалликларини даф этади, одамнинг ранг-рўйини очади ва бутун дардларини бартараф қиласи.

Сутни кетма-кет томизиш ва суртиш кўздаги иллатлар ва оғриқларга, ҳатто иложсиз дейилган дардларга ҳам шифо бўлади. Агар анзарутга аралаштириб суртилса, кўздаги говмижжани, тутунга ўхшаб кўзни қоронғи-лаштирадиган пардани, шунингдек, кўзнинг атрофидаги ортиқча гўштни ва бошқа иллатларни даволашда малҳам бўлади.

Янги соғилган сигир сути иссиқ ҳолида ичилса, юракни бақувват қиласи, ғам-ташвишни қувади, восвос, юрак ўйнаши, ўпка дарди ва сил хасталигини (савдосиз, балғамсиз бўлса) ҳароратсиз бўлса, шунингдек, ичаклар яллиғланишини даволашда шифо бўлади. Ични юмшатади, маний пайдо қиласи, шаҳват қувватини оширади, бадани семиртиради. Шакар билан яхшилаб пиширилган ширингуруч ични юмшатади, ахлатли қулунжга фойда қиласи.

Бир неча марта оловда тобланган темир ботирилиб совитилган сут ичилса, ҳароратни тушириб, иситмани боғлайди.

Сигир сутига тенг микдорда ширин сув қўшиб ичилса, пешобни шиддат билан келтиради ва пешоб йўлларини тозалайди, агар бироз (бир граммгача) темир кукуни ва 3,5 грамм новвот майдалаб қўшилса, таъсири

яна ҳам кучли бўлади. Сигир сутини ичиш ва баданга суртиш қўтириш, яллиғланиш, терига гул тушишига даво бағишлайди.

Бирор киши заҳар еган ё уни заҳарли жониворлар чаққан бўлса, қайта-қайта сут ичиб, қайт қилса, токи заҳар бадандан чиқиб кетса, ушбу омил унинг тарёки ҳисобланади.

Сигирнинг сутига шириңгуруч пишириб, давомли еб турилса, умрни узайтиради, рангу рўйни очиб, руҳиятни кўтаради. Агар сутнинг ўзи ёнғоқ мағзи ёки хурмо билан истеъмол қилинса, буйрак ва баданни семиртириб, одамнинг рухсорини очади, шаҳват ва манийсини кўпайтиради. Сигир сутидан бир марта ичиш миқдори 150 граммдан 300 граммгача.

Бироқ сигир сути ҳаддан ташқари кўп ичилса, буйрак ва қовуқда тош пайдо қиласди, баданда бит кўпайишига сабаб бўлади. Меъдада қайси модда кўп бўлса, ичилган сут ўша моддага айланади. Зарарини йўқотмоқ учун шакар ва асал ейиш керак. Агар сут асал ва шакар билан бирга истеъмол қилинса, меъдада сут қотиб қолмайди. Борди-ю, меъдада мол сути қотиб қолса, аъзоларнинг узилиши ва қалтироқ дардига сабаб бўлади, баданда совуқ тер пайдо бўлиб, одамни бехуш, ақлни бежо қиласди. Мабодо, томоқ дардига гирифтор қиласа, индов, сиркали асал даво бўлади, шунингдек, сиркани ялпиз билан аралаштириб истеъмол қилиб, қайт қилиш ёки 4,5 грамм панирмоя ейиш қотган сутни суюлтириб чиқариб юборади.

Ҳинд ҳакимларининг айтишларича, оқ сигирнинг сути сафрони, қизил молнинг сути балғамни, сариқ сигирнинг сути бадандан ҳар учала моддани ҳайдаб чиқарар экан.

в) Эчки сути. Мизожда бу энг мўътадил сут ҳисобланади. Унинг шифобахш хислатлари: ичилса, иситмаларни тўхтатади, ғарғара қилинса ёки оғизга олиб, лунж чайқалса, ҳалқумдаги тилчалар шиши, оғиз бўшлиғи ва тиш милкининг шишларини бартараф этади.

Агар бурунга ёки қулоққа томизилса, мияни намли қиласи, унинг қуруқлиги, уйқусизлик ва иссиқдан бўлган қулоқ оғриғига шифо бўлади. Ушбу сутга латтани намлаб, бошнинг олдинги қисмига боғланса, ана шундай хосиятга эга бўлади. Эчки сути бодом елими ё ювилган исирик уруғи билан ичилса, қон қусиш, йўтал ва сил ҳамда ўпка дарди, шунингдек, ички аъзолардан қон кетишига даво бўлади. Бундан бир марта ичиладиган сут микдори 110 граммдан 220 граммгача, айтилган елимлардан қай бири самарали бўлса, ўшанақасидан 1,75 граммдан 3,5 граммгача ютилса, юқорида тилга олинган хасталикларга даво бўлади ва кўкрак қафаси ичидаги аъзолар, юрак, юрак ўйноқиси, ғаш, восвос ва қўрқиш дардини даф қиласи. Башарти, сут янги бўлса, иссиқлигига ичилса, натижаси самарали бўлади. Боз устига, эчки ёш, семиз ва иллатсиз бўлса, айни муддао. Бу борада қизил эчкининг сути ҳаммасидан аълодир.

Эчки сути иссиқ ичилса, ични юмшатади, пешобни келтиради, ичак дардларини бартараф қиласи. Лекин мизожи совуқ ва ҳўл мизож одамларга эчки сутининг зарари бор, ҳиқичноқ ва кекириш пайдо қиласи.

Эчки сутидан сузма тайёрлаш чоғида зардоби ичилса, сафроли ичкетарни, сафроли хасталикларни, савдоли иллатларни, сариқ касаллигининг олдини олади ва баданга сув югуртиради, иссиқ мизожли одамларга даво бўлади. Шунингдек, эчки сути одамни оздириб юборадиган иситмани босиш ва эскидан давом этиб келаётган иссиқ ҳароратни бартараф этишда даво бўлади.

Агар эчки сутига зарпечак аралаштириб ичилса, бундай ҳолатда ичкетарнинг асорати барҳам топиб, ични боғлайди.

Райхон уруғини туйиб, эчки сутида пишириб боғланса, шишлар, пучаклар, чиқиқ ва тошмаларни пиширади ва ёриб малҳам бўлади.

Айтишларича, эчкининг сути ички аъзоларга зарар қиласмиш, бунинг олдини олишнинг энг яхши давоси қатиро ейиш эмиш.

г) Аёллар сути. Ибн Сино таъбири билан айтганда, энг яхши сут аёл сутидир. Айниқса тани-жони соғ ва мұтадил мизожли ёш аёлларнинг, агар қыз туққан бўлса, яна ҳам яхши, сути ҳар жиҳатдан фойдали ва шифобахш ҳисобланади.

Аёллар сутининг мизожи иккинчи даражада совуқ ва ҳўл, қызы туққанлариники яна ҳам совуқроқ бўлади мизожда.

Унинг шифобахш хислатлари: аёллар сутини ичиши мия ва ҳалқумни сернам қиласди, буруннинг тўйсилган йўлларини очади, сил, дик (ориқлатувчи иллат), кўйкрак қафаси ичидаги аъзолар қуруқлиги, ўпка захми, қуруқ ўйтал ва қон тупириши каби хасталикларга шифо бўлади.

Агар бурун ичига суртилса, миянинг қуруқлиги, мия пардаларининг иссиқлиги ва миянинг ўзи, қуруқликдан бошнинг иссиқ оғриғи, ақлнинг кирди-чиқдилиги, савдойи, жиннилик (девоналик, кўп сафро ва қон пайдо бўлиши, уйқусизлик ва шунга ўхшаш иллатларни даф этади. Шунингдек, латтани ўша сутга ботириб, кетма-кет пешонага босилса, латта исиши билан шу йўсинда бошқаси босилса ва бир неча марта тақрорланса, юқорида айтилган хасталикларни даволашда қўл келади.

Агар аёл сути кўзга томизилса, иссиқдан бўлган кўз ичидаги захмларга даво бўлади, шунингдек, киприкларнинг дағаллигини ислоҳ қиласди, майин қилиб эзилган анзарут билан аралаштириб томизилса, говмижжа, шилпиқлик, киприклар ва мижгонлар устидаги ортиқча осиқлик, гўшт ва бошқа шунга ўхшаган иллатларни даф этади. Агар аёллар сути қулоққа томизилса, иссиқдан содир бўлган қулоқ оғриғи, яллиғланиш ва шишларига даво бўлади.

Аёллар сутини бир кунда бир марта ичиш миқдори 50 граммдан 150 граммгача. Шарти шуки, бу сут совитилмай,

иссиқ пайти ичилганда шифобаҳш самараси яхши бўлади. Шу сутни аёл сийнасидан эмиб ичилганинг таъсири яна ҳам самарали бўлади. Чунки она сути латиф ва хосиятли бўлиши билан бирга, тез айнийди ва ичишга яроқсиз ҳолга келади. Шунинг учун оналар гўдакларини эмизишларидан олдин сийна учидаги сутни соғиб ташлашади. Аёллар сутининг ўрнига эшак сути ҳам раво бўлади.

Халқ орасида шундай ривоят бор, бу амалда ҳам си-наб кўрилган: агар ҳомиладор аёл сийнасининг учидан битнинг устига сут томизса-ю, у ўлса ёки сутнинг тагида қолса, ўша аёл қиз туғади, борди-ю, бит ўлмай тирик чиқса, демак, аёлнинг ҳомиласи ўғил бўлади.

МАРВАРИД

Ҳамма биладиган, қадрига етадиган қимматбаҳо гавҳар денгиз ва уммонларда яшайдиган чиғаноқ-са-даф қорнидан олинади. Марваридлар турли ҳажмларда бўлиб, энг кичиги кўкнор уруғидан ҳам майдароқ ва каттасининг ҳажми чумчук тухумига, ҳатто капитар тухумига teng оғирлиқда ҳам топилади. Айтишларича, унинг энг яхшиси соғ оппоқ сувлиси бўлиб, юмалоқ, ялтироқ бўлиб, баҳраний, хурмузий ва уммоний марварид ҳи-собланади. Ундан кейин шишаранглиси бўлиб, санаб ўтилганлар сифатига яқин туради. Бошқа шаклдагиси оппоқ сувли бўлиб, ярақлаши олдингилардан пастроқ-дир. Сувсиз сариқ ва қора жуда майда турлари бўлиб, айтарли қадри йўқ. Цейлон ороли ва бошқа оролларда чиғаноқлар бўлиб, оппоқ рангли марваридлар улар-нинг ичидан олинади.

У ҳайвонлар, ўсимликлар ва тошлар оралиғидаги бир мавжудот бўлиб, чиндан ҳам ҳайратомуз мўъжиза. Унинг тошга ўхшашлиги шундаки, денгиз тубида косасига кириб олганида унча-мунча куч синдира олмайди, тошга ўхшаб ярақлайди. Садафининг ичидан чиқиб, денгиз тубида ҳаракат қилиши ва майин гиёҳлар билан

тирикчилик ўтказиши унинг ҳайвонот дунёсига мансублигини исботласа, ўсимликка ўхшаб томир отиши, тошлар орасида ана шу томирларини ёйиб, денгиз остида ўзига хос ҳаёт тарзига эгалиги унинг ўсимликлар дунёсига ҳам мансублигини англаатади.

Ажабтовур хислатлари шундаки, бу маҳлуқот ҳайвонларга ўхшаб тирикчилик ташвишида ўзига озуқа ахтаради – овқатга эҳтиёж сезган пайтида оғзини, яъни, икки садафини очади, майда балиқлар, қурт-қумурсқалар, денгиз ости шилимшиқлари унинг оғзига киради, озуқасига айланади. Бу маҳлуқ катталашгани сайин томири мустаҳкамроқ бўлиб, садафи йириклишади, ярақлаб оппоқ бўлади. Марварид унинг ичидаги деярли юрагига яқин жойда пайдо бўлади. Айтишларича, у муайян бир миқдорга етгунча катталашаркан. Агар ғаввослар пайдо бўлган марваридни унинг қорнидан ўз вақтида олишмаса, вақт ўтиши билан марваридлар эриб, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетаркан. Денгизнинг таги соғ тупроқдан иборат бўлган жойларда энг яхши марварид камолга етади ва ҳар қанча тошлоқ бўлса, шунчалик яхши.

Шундай бир ривоят бор: найсон ёмгири, яъни, апрель ойида ёмгир ёққан пайтда садаф сув юзига қалқиб чиқиб, оғзини очади ва ёмгир томчилари унинг оғзига тушиб, шундан унинг қорнида марварид пайдо бўларкан. Бу шунчаки бир ривоят. Лекин садафнинг ичидаги марварид бўйлиши, ғаввослар ана шу марваридларни ийғомоқ учун денгиз тушибига тушишлари ҳақиқат.

Марварид мизожи иккинчи даражанинг охирида соувук ва қуруқ.

Унинг шифобахш хусусиятлари: завқ бағишлиловчи, суюлтирувчи, ботиний аъзоларга қувват бағишлиловчи, манбаи мия бўлган нафсоний қувватларни оширувчи, ман-

бай юрак бўлмиш ҳайвоний қувватни, манбаи жигар бўлган табиий қувватни, шунингдек, манбаи санаб ўтилган уч аъзо бўлмиш бадан руҳларига қувват баҳш этувчи ҳисобланади. Фараҳбахшилик хислатида марварид тиллага қараганда кучлироқ, барча аъзолар ва бадан қисмларини нуфузли қилувчиdir. Агар унинг эзилганини еса, қон қусиш ва ҳар қандай қон кетишини тўхтатади, восвос, турли жиннилиқ, оғиздаги қўланса ҳидлар, нафас қисиш, юрак ўйнаши дардларининг ҳаммаси, қўрқиши, мияда савдо моддасининг кўпайиши, юрак хасталиклари, иссиқ мизожли меъданинг сустлиги, шунингдек, жигар ва буйрак сустлиги хасталикларини даф этади, бадан аъзоларидағи тутилиш ва бўғилишни очади, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади, сариқ хасталиги ва пешобнинг куиши – сўзакни даф этади, қонли ичкетар ва сафроли ичкетарни тўхтатади, шунингдек, бавосил ва ҳайз қонини ҳам тўхтатади.

Марвариднинг суви кўзга суртилса, кўздаги холни йўқотади, кўзга қувват бағишлиайди, унинг соғлиғини муҳофаза қиласди. Агар тишларга суртилса, тишнинг милкини мустаҳкам қиласди ва кирини тозалайди. Аёллар марвариднинг суюғини тагдан кўтаришса, ҳомила-дор бўлишнинг олдини олади. Марвариднинг сувсизини суртса, юздаги сепкилга ўхшаган доғларни, мохов теридаги оқ доғлар, ва бошқаларни тозалайди. Лекин унинг сувини суртса, Арасту таъбири билан айтганда, бадандан песни даф қиласди.

Кукуни унга ўхшатиб сепилса, ташқи аъзолардан кетаётган қонни тўхтатади, захмларга пуркалса, уларни жиловлаб, саломатлик бағишлиайди. Агар уни еса ва суртса, илон ва чаён чақиши туфайли танага кирган заҳарларни бадандан ҳайдаб чиқаради.

Одам марваридни ўзи билан олиб юрса, юракни бақувват қиласди, уни оғизга солиб юриш моховга фойда қиласди, юракнинг ғам ва сустлигидан фориғ этади.

Марваридни ичга ютиш қадим табибларнинг таъбирича, ичакларга зарар етказади, ана шу зарарнинг

давоси маржон емоқдир. Бир кунда марвариддан бир маротаба ейиш миқдори 2,75 грамм. Бунинг ўрнига оқ садафни истеъмол қиласа ҳам равон бўлади. Огоҳлантириб қўймоқчимизки, марварид ёғга тегиши билан ёмон ҳид, кир ва рангли тутун ҳосил қиласи ва беҳуда кетади.

Уни ювишда гуруч пиширилган ёки ивитилган илик сувдан фойдаланилса, рангини тозалайди, мусаффо қилади. Марвариднинг ранги ё хислатлари ўзгарган бўлса, каптар ёки товуқقا едириб, бироз муддат ўтказиб, уни сўйиб, қорнидан марварид олинса, у олдингидек ярақлади.

Марваридни суюлтиришнинг тартиби қўйидагича: уни эзиб, шишага солиб, устидан тўлгунга қадар гуруч суви қўйилади, кейин шишанинг оғзи бекитилиб, 14-15 кун от гўнгига кўмиб қўйилса, марварид сиркага ўхшаб суюлади.

ЭЧКИ

Дунёнинг барча мамлакатларида уй ҳайвони сифатида боқиладиган эчкининг тоғ ва чўл-саҳроларда яшайдиган ёввойи турлари ҳам бор. Қўйдан кейин иккинчи ўринда турадиган ана шу ҳайвоннинг сути, гўшт-ёғи шунчаки озуқа эмас, табобатда бутун борлиғи шифобахш модда сифатида тавсия қилинади.

*Мизожи иссиқ ва ҳўл, лекин гўштининг
иссиқлиги қўйникига қарагандо озроқ,
тоғ эчкисининг мизожи уй эчкисиникидан
иссиқроқ ва енгилроқ, чўл-саҳрода
яшайдиганинг мизожи ҳам уй
эчкисиникига қарагандо иссиқроқ ва
енгилроқдир.*

Унинг шифобахш хусусиятлари: эчкининг гўшти иссиқ мизож одамлар, беморлар, соғлом совуқ мизож кишилар учун ёқимли ва фойдали, ундан жигарда ёқимли модда, шунингдек, соғ қон пайдо бўлади. Би-

роқ савдои мизож одамларга эчки гўштини емоқ зарарли. Бундай пайтда бодом, хурмо емоқ зарур, токи ўша зарарни даф қилсин. Эчки гўшти билан бирга ёки кетма-кет хўл мева, нордон ва аччиқ нарсалар, қатиқ ва айрон истеъмол қилиш ниҳоятда зарарлидир.

Олти ойликдан ошган улоқнинг гўшти рутубати зўр ва энг яхши гўштлардан бўлиб, ҳарорати баланд қон босими ни пасайтиради, ҳазми енгил, беморлар, шунингдек, хасталиқдан энди соғайиб турган кишиларга жуда мос келади.

Эчки гўштини лат еган ва шикастланган аъзоларга иссиқ ҳолда боғланса, шунингдек, терисига иссиқ ўралса, оғриқни босади, дардга таскин беради, ўша жойларда шиш пайдо бўлишининг олдини олади. Улоқ калласининг териси шилиниб, иссиқ пайтида одам бошига ўралса, мия пардаларининг шишганини ва миянинг ўзини, шунингдек, сусайган зеҳнни жойига келтириб, соғлиқ баҳш этади. Миясини олиб бошга боғланса, мияни ва қаттиқ аъзоларни юмшатади, рутубат билан таъминлайди.

Қотирилган ўтини эзиб, сурмага ўхшатиб кўзга тортилса, унга тушган ва кўз олдини қаронfilaштирадиган пардани даф этади.

Қора эчкининг жигарини майда тўғраб, унга янчилган мурч ва занжабилни сочиб, кабоб қилинса ва идишда қолган жигар селини олиб, кўзга тортилса, шабкўрликни даф этади. Унинг ярим куйган қумалоғини тоштуз билан аралаштириб тишларга суркалса, тишларнинг сарифини йўқотади ва унинг милкларидағи ёмон ҳидларни даф қиласди.

Таканинг турмуғини ёриб, ичига ҳар хил зировандларни жойлаштириб, устидан зира сепиб қуритиб, кейин унинг 4,5 грамми эзилган ҳолда иссиқ сув билан ичилса, қисқа нафас олиш, дамқисти, жигар дарди ва ҳиқичноқقا шифо бўлади. Агар бу давомли ейилса, шаҳватни беҳад кучайтиради. Ёки ўша турмуқни танакори ва кокути билан қуритиб, 4,5 грамми саримсоқ пиёзининг сиркаси билан истеъмол қилинса, қора жигар иллатига шифо бағишилайди.

Тўрт ёшли, қизил рангли такани узумга ранг кириб, мазаси ўзгарган, яъни, ёз фаслининг бошида сўйиб, қонининг аввали ва охирини ташлаб, ўрта қисмини идишга олиб, то қотгунча қўйиб, кейин уни пичоқ билан кесиб-кесиб, элак ёки сомон устида, соя жойда қуритиб олинади ва уни ядулло дейилади. Ана шу ядулло буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юбориша жуда зўр дори бўлади.

Унинг ёғидан гуруч ва тариқ уни билан кисел тайёрлаб ичилса, иссиқ мизож овқатлар ва аччиқ нарсалар туфайли ичакларнинг ичи яллиғланиши оқибатида юз берган ичкетарни тўхтатишда дори бўлади. Ёғида арпа унидан атала тайёрлаб, ҳуқна қилинса, ичаклар яллиғланшини бартараф қиласди.

Кўмалогини ўзининг пешобига аралаштириб суртилса, сарик сув хасталиги ва қора жигар шишига даво бўлади. Кўмалоги чақалоқлар пешоби билан қайнатиб суртилса, балгамли қулунж (колит), гализ бодлар ва зардобни даф этади.

Чарвиси боғланса, ҳар қандай дардларга малҳам бўлади. Ахлати суртилса, эски шишларни қайтаради. Агар қумалоғини куидириб, сиркага қориб суртилса, бош ва иякнинг соч тўкилган ғадир-будур жойларига қайтадан соч ва соқол чиқади. Унинг чала куйганини сиркага аралаштириб бошнинг сочи тўкилган жойларига суртилса, соч чиқади, тескари чиқсан тукларни қуритиб тўқади. Ва агар асал билан аралаштириб суртилса, қўтириб, оқдоғлар, терининг қаттиқ шишлари ва ширинчаларни муолажалаб, йўқолишига ёрдам беради. Банг уруғи билан эзиб, аралаштириб суртилса, аёллар сийнасининг учини, эркаклар турмуғини кичрайтириб юборади.

Унинг буйрагини тўғраб, унга майдаланган олтингу-гуртни сепиб, кабоб қилиб, ундан ажралган селни те-

ридаги оқ доғларга суртилса, уларни даф этади. Ёғини қуиб боғланса, захмларда гүшт пайдо қиласди.

Құмалоғини қуидириб, асалга аралаштириб суртилса, югурувчи яралар ва асалга үхшаш рутубатларига шифо бағишилайды. Агар күйган құмалоғини ейилса, бадандан заҳарли жониворларнинг захрини даф қиласди. Эчкининг қуруқ құмалоғи шароб ёки сирка билан пишириб суртилса, бадандаги жониворлар захрини үзига тортади.

Тоғ эчкисининг ўти жониворлар захрининг тарёки ҳисобланади. Ёғи заъфарон ёки құмалоғи билан аралаштириб боғланса, подаграга шифо бўлади.

Унинг шохи ва туёғини майдалаб, турп, асал ва толанжир билан қоришириб қўлланилса, темир ва бошқа барча қаттиқ нарсаларни юмшатади. Бу ивитиб қўйилса, ранги қоп-қора бўлиб, ёзиш учун айни муддао бўлади.

КАЛХАТ

Бу дарранда-паррандалар жумласидан бўлиб, гавда-си маҳобатли, ранги бургутникуга үхшаш, бироқ қизилга мойилроқ бўлиб, патлари найга үхшайди. Кўзи ниҳоятда ўткир, ўлжа ва ўлимсаларни олисдан кўради ва ҳидини ҳам зийраклик билан сезади. Шунингдек, жуда олис жойларга бемалол парвоз қиласди. Ухлаган чоғида битта кўзи очиқ туради – бу мизожи иссиқлигининг белгисидир. Қадимги олим ва донишмандларнинг кузатишли-рича, бу қуш минг йилгача яшаркан. Йилига бир дона тухум кўяди ва ундан фақат битта бола очади. Мизожи учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Шифобахш хусусиятлари: гўшти ейилса, аъзоларнинг чангак бўлиб тортилишига шифо бўлади. Қони ва ўтини сувга аралаштириб, етти марта қўзга тортилса ва кўз атрофига суртилса, кўздаги холни ҳамда кўзнинг гавҳа-рига зардоб тушишини даф этади, кўзнинг хиралashiши ва қўтирини тузатади.

Хоҳ ўти бўлсин, хоҳ мияси бўлсин, 0,25 грамм миқдорида шу вазнда қатрон ва зайдун ёғини аралаштириб, бурунга қўйилса, мохов ва жинниликни даф қилади.

Гўшти истеъмол қилинса, гализ бодларни таҳжил қилади, иловус деб аталган дардга ва ингичка ичак шишларига шифо бағишлади, бадандаги тугунларни очади, буйрак ва қовуқлардаги тошларни майдалаб тушириб юборади, шунингдек, балгани кўйчради.

Ёғини эритиб, ярим иссиқ ҳолида бир неча марта қулоққа томизилса, кўхна дардга шифо бағишлади, кар қулоқ очилади, унинг ёғи ейилса, йўтални даф этади.

Зарари: калхатнинг гўшти ва ёғини истеъмол қилгандан кейин танада ёмон моддалар ҳосил бўлади – бунинг давоси долчин ва сирка ичмоқдир.

Тухуми суртилса, уч кунда закарни бақувват қилади. Патларининг кулини суртса, кўтири, қичима ва захмларни даф этади. Ахлати суртилса, сепкилга ўхшаш доғларни йўқ қилади ва томоқдаги шишларни ҳар қанча кучли ва эски бўлса ҳам даф қилади.

ЧУМОЛИ

Болалиқдан кўравериб, катталардан уларнинг меҳнаткашлиги, беозорлиги ҳақида эшитавериб чумолиларга ўрганиб қолганмиз. Ҳажм жиҳатидан катта, ўртacha ва майдага бўлинадиган чумолиларнинг дунёда тури жуда кўп. Ҳатто қанотли, учадиганлари, оёқлари узун, югуриб юрадиганлари, ҳидига чидаб бўлмайдиган бадбўй ва заҳарлilari ҳам бор.

Чумолилар мизожи учинчи даражада иссиқ ва қурук. Унинг шифобахш хислатлари: айниқса катталарида ёпишқоқлик фазилати бор. Табиб Мехрёрус шундай де-

миш: «Чумолини зайдун ёғида қайнатинг-да, ўша ёғни қулоққа томизинг, карлик, қулоқдаги шовқин ва қулоқ ичидаги бодларни даф қилади».

Юз дона катта-катта чумолини 12,5 грамм оқ гул ёғига ёки тоғ савсани ёғига солиб, уч ҳафта қүёшга ташлаб қўйилса, кейин ўша ёғни закарга ва унинг атрофига суртилса, эркаклик хислатидан маҳрум бўлган кишининг шаҳватини ҳаракатга келтиради, номардни тамоман эркакка айлантиради, эрлик олатини қаттиқ ва катта қилади.

Катта чумолини сиркада эзиз суркаса, бўйин ва қўлтиқ остига чиқадиган ёмон яралар (чўчқабўйин)ни даволашда шифо бўлади. Сочни узиб, ўша жойга чумолини суртса, қайта соч чиқмайди ва уни такроран суртишга ҳожат қолмайди.

Баданни танқия музолажаси билан (мия ва бошқа аъзоларни зарарли мoddадан тозалаш) балгам мoddасидан тозалаб, катта-катта қора чумоли эзиз бояланса, песя шифо бўлади.

Чумолининг уруғи ҳар қандай ёғ билан аралаштириб суртилса, сочни тўқади, қайта соч чиқишига имкон бермайди, демишлар қадимги табиблар.

Лекин чумолининг зарари ҳам бор. Агар уни еса, ичакларда оғриқ пайдо бўлади, одамни ғамгин қилади, қоринда ел тўпланиб, қулдираш бошланади. Ушбу зарардан қутулмоқ чораси сифатида асал ва зира истеъмол қилиш айтилади.

Дашт чумолиси одамни чақса, куйиш, қичиш, беҳоллик ва шишлар пайдо бўлса, темир кукунини сирка билан ва сафро ёғи суртилса, бунга даво бўлади. Унинг уруғини еса, қориндаги бодларни шундай шиддат билан пастга қараб ҳайдайдики, уни тўхтатишнинг ҳеч иложи бўлмайди. Бундай пайтда қора зира истеъмол қилиш ягона чора саналади.

САССИҚПОПИШАК

Баҳор келганидан «тутпишди» деб хабар берадиган, форсийда сулаймон товуғи номи билан аталадиган ажабтовур чиройли, парлари турли рангда жилолана-диган, сарик, зангор ва қора холлар чиройига чирой қүшадиган, бошидаги тожи салобатини оширадиган бу қүшни айрим худудларда попишак, айримларида сас-сиқпопишак дейишади. Араблар ҳуджуд дейишса, руслар удод деб атайди. Хуллас, бу қүш ҳақида ҳар хил ри-воят ва ҳикоятлар бор.

Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Унинг шифобахш ҳусусиятлари: ўти ёки қони кўзга тортилса, кўздаги холни йўқ қиласди. Гўшти укроп билан сувда обдан пишириб ейилса, бадандаги тиқилмаларни очади, ичак буралиши ва қулуңжни даф қиласди: буйрак, ичак ва юрак ичиди қотиб қолган қонни юмшатади, таҳ-лил қиласди. Қуритиб, майда эзив, мусаллас шароби билан ичилса, шаҳватга қувват бағишлиайди.

*Унинг ўти ёки қони олиб бөгланса,
бошдаги ширинчалар, теридаги оқ дөгларни
даф этади, ўти уч кунгача қоронги жойда
бөгланса, юзнинг қийшайишини тўғри
қиласди, яъни, ўз ҳолига келтиради.*

«Рисолаи сайдийя» («Овчилик рисоласи»)нинг му-аллифи Ас-Саъиду-с-Самарқандийнинг айтишича, по-пишакни сўйиб, юраги иссиқ ҳолида ютилса, ҳофиза (хотира)га қувват бағишлиайди. Ва агар миясини кунжут ёғида пишириб, хотираси суст, тез унутувчи одамга бे-рилса, хотираси тикланиб, унуган нарсалари эсига ту-шади. Унинг кўзини ўзи билан олиб юрган кишилар ҳам бундай дардан фориғ бўладилар. Ҳатто мохов дардига дучор бўлган кишилар ҳам попишак кўзини осиб юрса-лар, дардлари ҳар қанча эски бўлса ҳам тузалишига таъ-

сир қиласи. Тилини ўзи билан олиб юрган кишиларнинг дўсти кўпаяди, одамлар орасида иззат-хурмати ошади, душманларининг тили боғланаб, ночор қолади.

Айтишларича, попишакни ўлдириб, эшикнинг тенасига осиб қўйилса, хонадон аъзоларини ёмон қўзлардан, болаларни тутқаноқдан сақларкан. Агар суяги осиб олинса, узундан-узоқ ҳароратли иситмага шифо бўлади. Тирноқ ва патларини сариқ рангдаги ипак матога ўраб, душманининг болиши тагига қўйиб қўйилса, гина-кудратлар унутилиб, ўртада дўстлик алоқалари ўрнатилади. Парини кўйдириб, тутуни олинса, бадандаги заҳмлар, сеҳрлар ва жиннилилкка даво бўлади, заарарли жониворлар, жумладан, чумоли ва бургалар қочишиади. Мияси каптарлар маконида тутатилса, уларга ҳеч қандай заха етмайди.

Попишак гўштини еса сеҳрни даф қиласи, олди боғланган деган гумонларни йўққа чиқаради.

Унинг қонини қуритиб, оқ гул билан аралаштириб ёки кунжутнинг тоза ёғига аралаштириб сочга суртилса, уни қоп-қора ва силлиқ қиласи.

ИНСОН

Табиатнинг буюк мўъжизаси, товонидан мияси қобиғидаги нейрон толаларигача сир-асрордан иборат, энг сўнгги нафас – жон қаерида жойлашиши, у танасидан қай тарзда чиқиб кетиши, иккинчи ҳаёти қай йўсинда кечиши фақат Аллоҳгагина аён бўлган Инсон баданининг таркибида фойдали нарсалар қатори заарарлилари ҳам кўп. Инсоннинг энг яхши, хушчақчақ ва ҳамма нарсага қизиқиб, интилиб, яратиб яшайдиган, юз-кўзлари чақнаб, қийинчиликлардан чўчимай, йўлида дуч келган муаммоларни, ҳатто соғлиғига чанг солган хасталикларни ҳам шижоат билан енгиб яшашга интиладиган даври бу – ўсмирикни ортда қолдириб, мустақил ҳаётга қадам қўйган, кучга тўлиб, ақл-идрохи етилган

ёшлик онлари ҳисобланади. Кимки ана шу ёшида ҳаёт қадрига етса, соғлиғини ўйласа, турмуш тарзига түғри амал қилса, фақат емоқ-ичмоқ әмас, жамият олдидаги бурчи, келажаккa дахлдорлиги, ўзидан яхши ном, ўчмас из қолдириш ҳақида ўйлайдиган маънан бой, қалбан пок, жисмонан соғлом, руҳан баркамол бўлса, бундай инсонлар дардга кам чалинишади, мазмунли ҳаёт кечиришади ва инсон деган буюк номни покиза сақлаб, унга муносиб бўлишади.

Унинг шифобахш хислатлари: агар қулоғидаги кирни еса, ични бодга тўлдиради ва одамни беҳуш қиласди. Эзиб боғланса, нимсар дардига шифо бўлади, унинг эзғилангани сурма каби кўзга тортилса, кўз оғриғи ва унга тушган холни даф этади. Чириган сувякларини майдалаб бадан гўштини ейдиган яраларга сепилса, соғайтиради. Бу борада айниқса бош суваги қувватлироқдир. Агар уни куйдириб, ҳар куни 4,5 граммдан шунча миқдордаги шакар билан уч кунгача истеъмол қилинса, тутқаноқ ва бод (радикулит) дардларига даво бўлади.

*Наҳорда ҳали овқат емаган кишининг
огиз суви қулоққа томизилса, қулоқдаги
қуртларни ўлдиради, ичида йигилиб
қолган ҳавони тарқатиб юборади. Агар
чаён ва қорақурт чаққан жойларга
суртилса, уларнинг заҳрини даф қиласди,
шунингдек, теридаги дөглар, сепкилли
дөглар, заҳм дөглари ва яралар, кўздаги
қонталаш нуқталарни ҳам йўқотади. Агар
одам илон оғзига тупурса, тупурган киши
сафро мизожли бўлса илон дарҳол ўлади.*

Чумчук ахлатини инсон оғзидан келган сувга қориб хамир қилинса ва шу хамир сўғаллар, тери доғларига боғланса, уларни даф этади. Агар баданнинг қон оқаёт-

ган жойига оғиз сувининг ўзи суртилса, уни дархол тўхтатади ва жароҳатларнинг оғзини бекитади. Асал билан аралаштириб суртилса, терини сепкил доғлари, яралар ва захмлардан тозалайди. Буғдойни эрта наҳорда, оч қоринга оғизда чайнаб, шишларга кулча қилиб боғланса, шишларни бартараф қиласди ва агар пучакларга боғланса, уларни пиширади.

Эрта наҳорда, оч қоринга тиш милкининг кирини йиғиб болалар терисидаги доғларга суртилса, уларни қуритади ва тўкиб юборади, сепкилли ва теридаги бошқа доғларга суртилса, уларни тозалайди.

Одамдан олинган тоза қон подагра, бўғма ва бод (радикулит) дардларига қарши суртилса, яхши шифо бўлади. Шу қон ичилса, ҳар қандай одамни жинни қиласди. Ҳайз қонини суртса, томирлардаги кучли оғриқларни босади, ёмон, давосиз дейилган яраларнинг оғзини бекитиб тузатади. Ҳайз қони шимдирилган латтани аёллар тагдан кўтаришса, ҳомиладор бўлишдан сақланадилар. Ҳайз латтасини куйдириб, тутунига ўзини тутса, безгакка даво бўлади.

Унинг пешоби, айниқса, болалар пешоби ёки одам ўзининг пешобини исча, эски йўтални даф қиласди, нафас олишдаги қийинчиликка барҳам беради, талоқ иллатлари истисқо, сариқ хасталиги, сийдик тутилиши, хўл кўтириб, бедаво қичима ва теридаги доғларга даво бўлади. Агар у нўхат ёки асал билан ичилса, сариқни даф этиди. Агар томизилса, кўз оғриғига даво бўлади, агар мис товоқда асалга аралаштириб узоқ қайнатиб, совигандан кейин томизилса, кўздаги холни йўқотади. Шунингдек, пешобни мис идишда қайнатиб, тузини олиб, майдалаб кўзга сочилса, тезлик билан унга тушган холни йўқ қиласди, сепкилга ўхшаш доғларга суртилса ҳам шундай нафи бўлади.

Болалар ахлатини бадандаги ҳар хил яралар, чипқон ва чиқиқларга суртилса, уларни тезда пишириб, ичидаги маддаларини оқизади ва аъзолардаги ёмон ҳидлар-

ни йўқотади. Агар уни куйдириб, тишлар милкига бо- силса, уларнинг ёмон ҳидларини йўқотади.

Агар теридаги оқ доғлар ва пес доғлари бир нарса- дан қўрқиш оқибатида пайдо бўлган бўлса, бола ахла- тини икки кун кетма-кет суртиб, қуёшда ўтиrsa, ушбу иллатлардан халос бўлиши муқаррар. Оёқнинг болди- ларига суртилса, яра ва захмларни дарҳол даф этади.

Инсон сочи куйдириб ейилса, ҳаво етишмаслик, овоз олиниши, истисқо ва одамни ўлдирадиган заҳарларга даво бўлади, буйрак ва қовуқ тошларини майдалаб ту- шириб юборади ва шунингдек, соч оқаришининг олди- ни олади. Агар ана шу куйдирилган инсон сочини эзиб, сурмага ўхшатиб кўзга тортилса, кўздаги хонни йўқота- ди. Инсоннинг куйдирилган сочини бамисоли гард май- далаб, қизилгул ёғида қориб, қулоқقا томизилса, қу- лоқ дардини босади. Майдаланган соч кулини гўштни емирадиган яраларга, асоратли ва баданга тарқайди- ган захмларга сочилса, ҳаммасига шифо бўлади. Кули- ни сутга қориб, хамири боғланса, бадандаги сакровчи шишларни тўхтатади ва йўқотади.

Ҳомиладор аёл туқсан пайтда чақалоқ билан кет- ма-кет тушадиган эшни ким еса, мохов дардига мубтало бўлади.

FO3

Аслида сувда ҳаёт кечирадиган «сувтовуқ»лар – ўр- даклар жинсидан бўлса-да, жуссаси улардан катта, қу- руқликда яшайди. Фозлар хонаки ва ёввойи бўлади. Хо- надон ғозлар учмайди.

Мизожи иккинчи даражада иссиқ. Унинг шифобахш хислатлари: гўшти озуқаликда кеч ҳазм бўлувчи, лекин ҳазм бўлса, этга эт қўшади, шаҳватни ҳаракатга келтира- ди. У зира, занжабил, мурч ва бошқа таомга маза кири- тадиган, хушхўр қиласиган иссиқ мизожли зираворлар билан пиширилса яхши бўлади. Агар ҳазм бўлиши оғир-

лик қилса, бундай пайтда анор суви ичиб юборилса, ҳаммаси жойига тушади. Жигари совуқ мизож ва дардлари совуқлиқдан бўлган bemorларга ғоз гўштини ейиш айни муддао бўлади, боиси, гўшти мизожда анча иссиқ. Унинг ана шу ёмон хислатларини бартараф этмоқ учун ғозни сўйгандан кейин уч-тўрт соат ерга кўмиб қўйиб, кейин тупроқ остидан олиб, тозалаб пиширилса, заҳмат келтирадиган таъми камайиб, ейишли бўлади.

Агар унинг гўшти обдан пишириб истеъмол қилинса, буйрак чарвисини кўпайтиради, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади, чурра (дабба) тушиши оқибатида қорин пардасининг йиртилган жойларини аввалги ҳолига келтиради, шунингдек, устидан қўйиб боғланса ҳам, қориннинг пардаси йиртилган жойига даво бўлади.

Унинг тошхалтаси – меъдаси емоқ учун яхши, бироқ кеч ҳазм бўлади, агар ҳазм бўлса, озуқалик кучи жуда кўп. Жигари ҳам ширин, ҳам ёқимли. Меъдада узоқ турмай, ичакларга ўтади.

Ғознинг сонлари хуш ҳазм ва озуқа сифатида жуда яхши.

Бошининг мағзи, яъни, мияси суртилса, орқа аврат шишларини таҳлил қиласди. Агар ёғи суртилса, томирларнинг таранг тортишиши, беҳаракат ҳолга тушишини бартараф этади, мушаклар тортишишига сиҳат бағишлайди, бадандаги аъзоларнинг чангак бўлишига, агар балғам ошишидан бўлса, даво бўлади, совуқдан пайдо бўлган шишларни таҳлил қиласди, орқа авратнинг қаттиқ қотишини юмшатади, пўст ташлаш иллатига шифо бўлади, шунингдек, бошнинг соч тўкилган ғадир-будур жойларига қайта соч чиқишига кафолат беради. Бадан аъзоларининг чангак бўлишига қарши ейилса ҳам фой-

даси бор. Қулоқ ичига сув кетган бўлса ва бошқа ҳаралатлар сувни чиқаришга ёрдам бермаса, ғознинг ёғи томизилса кифоя, қулоқ ичидаги сув чиқиб кетади.

Боқила уни ғоз ёғи билан хамир қилиб боғланса, сийнадаги шишларни бартараф этади.

Тухумининг сариғи чала пишириб ейилса, ақлга-акл қўшади, ҳофиза қувватини мустаҳкамлайди, хаёлпаришонликка барҳам беради ва қуруқ йўтални бартараф қиласди.

Думғазаси сув ва туз билан пишириб ейилса, ичак дардини бартараф қиласди, буйрак ва қовуқ тошларини майдалаб тушириб юборади.

Тухумининг пўсти майнин туйиб ейилса, қон қусишига қарши яхши даво бўлади. Ахлати ейилса, эски йўталга муолажа бўлади.

ЎРДАК

Одамларга ўрдакни тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Ғозларга ўхшаб ўрдакнинг ҳам хонакиси ва ёввойиси мавжуд. Ёввойи ўрдак хонакиси каби ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшайди. Фарқи шундаки, хонакиси учмайди. Ҳар икки хилининг гўшти ва тухуми озуқа тарзида истеъмол қилинади. Лекин табобатда қандай дардларга даволигини ҳамма билавермайди.

Хонаки ўрдакнинг мизожи барча хонадонларда боқиласидиган паррандаларникига қараганда иссиқроқ.

Унинг шифобахш хислатлари: гўшти тўйимли, кеч ҳазм бўлади ва танадан ҳар хил бодларни ҳайдайди, бироқ оғир ҳазм бўлишидан қоринни димлайди. Сонининг гўшти энг мазали бўлиб, баданнинг этига эт қўшади, буйрак ёғини кўпайтиради, яъни, буйракни катталаштиради, шуни ҳам айтиб қўйиш жоизки, буйрак тўлишса, унда тош пайдо бўлмайди, шаҳват қувватини оширади, лекин қуюқ қон пайдо қиласди, тезда ундан ёмон ҳидчиқади, қон босими баланд одамларда бош оғриқ пайдо бўлади, агар истеъмол қилинган ўрдак гўшти ҳазм

бўлса, маний моддаларини кўпайтиради, шаҳват ва бошқа қувватларни ошириб, баданга қандайдир роҳат, юракка қувват, хуш кайфият бағишлиайди. Унинг жигарини, айниқса, сонлари (оёқлари)ни еган кишида соғлом ва соғ қон пайдо бўлади, юрак ўйнашини босади, овозни ёқимли қиласди.

Агар гўшти туз билан туйиб боғланса, сўгални қуришиб туширади.

Ёғи энг яхши ёғлардан ҳисобланади. Мизожи иссиқ ва ёқимли, шишларни қайтаради ва тез таъсир қиласди.

Бош мияси олиб боғланса, орқа авратнинг шишларини қайтаради. Агар у боқила уни билан қориб ҳамир қилинса ва ташқаридан юракнинг остига боғланса, юракнинг ҳансирашини босади, аёл сийнасига қўйиб боғланса, унинг шишларига шифо бўлади, совуқдан ҳосил бўлган шишларга боғланса, уларнинг оғриғини пасайтиради. Агар ейилса, юқорида айтилган дардларга шифо бўлади, йўтал, кўкрак қафаси тагидаги аъзо қуруқлиги, овознинг дағаллиги, ичакларнинг жизиллаши ва бошқа дардларни даф қиласди. Шунингдек, уни суртиш ва эритилганини ёғга қўшиб ҳуқна қилиш юқоридаги хасталикларга фойда қиласди.

Унинг тухуми гализ, ҳазми оғир ва озуқа сифатида тўйимлилиги айтарли даражада эмас, товуқнинг тухумига нисбатан паст. Аммо баданнинг ориқлигини ислоҳ қилиш, йўтал ва кўкрак ичидаги аъзолар дардига яхши даво, агар у қаҳрабонинг түйилганига аralаштириб ейилса, ичдан қон келиш ва ич кетишини тамоман тўхтатади. Унинг қовурилгани газакўт ва зайдун ёғига аralаштириб гўдакларга берилса, тез тилга кириб, гапира бошлайди.

Тухумининг пўсти марварид, шакар ва новшадир билан бирга майдаланиб, кўзга пуркалса, кўзга тушган холни йўқотишда яхши даво бўлади. Пар-қанотларининг кулини бўйин ва қўлтиқ остига чиқадиган чўчқабўйин деб аталувчи ярага қўйиб боғланса, пишириб, маддасини чиқариб таҳлил қиласди.

Ўрдакнинг тошхалтаси – меъдаси қийин ҳазм бўлади ва нохуш ҳид ҳосил қилишдан йироқ, агар ҳазм бўлса, меъда ва бошқа ички аъзоларга қувват бағишлайди.

Таъкидлаганимиздек, ўрдак гўшти оғир ҳазм бўлади, қон босими бор кишиларда бош оғриқ пайдо қиласди. Агар уни сирка, занжабил, сканжабин ва иссиқ мизожли дориворлар – газакўт, петрушка ва пудина билан бирга пишириб ейилса ёқимли бўлади.

Агар ўрдакнинг гўшти қовуриладиган бўлса, унинг орасига юқорида айтилган зираворлар, шунингдек, пиёз, мурчни жойлаштириб, зайдун ёғига ва бошқа ёғларга қориштириб пиширилса, таъми ширин, тўйимли бўлади. Унинг ичига кашнич, петрушка, газакўт, пиёз, бир-икки дона қуруқ саримсоқ тикиб, сувига нўхат, кўкпииёз ва долчин солиб шўрва пиширилса, ичимли, шифобахш бўлади. Ҳар ҳолда гўшти эзилиб пишгунча яхшилаб қайнатиб, ҳовури чиқариб юборилса, ўрдак гўштидаги ботқоқ ва лойқа ҳиди кетиб, емишли бўлади. Унинг ёғи бўғимлар дардига шифо бўлади.

Ўрдак гўштида нохуш ҳид борлигидан сўйгандан кеинин уни патини узмай икки-уч соат ерга кўмид қўйилса, кейин кавлаб олиб, патини узиб, ичидаги кераксиз лаш-лушлари олиб ташланиб, гўштини икки-уч марта қайнатиб, ўша сувни тўкиб ташлаб, уч-тўрт дона пиёзни варак-варақ тўғраб, бошқа кўкат ва зираворлар солиб пиширилса, кўнгил тортадиган даражада мазали бўлади.

МОЛ

Хонадонимизнинг қут-баракаси, факат суту қатиғи ёки гўшти эмас, ёғию айрони, маскасию қурути билан ҳам эҳтиёжларимизни қондирадиган, факат озуқа эмас, дардимизга кўп жихатдан шифо бўладиган бу тўртоёкли жониворнинг хосияти кўп. Ҳатто йилига биттадан бузоқ туғиб, оила бюджетимизга даромад келтиради. Биз оддий қилиб «мол» деб атаётганимиз сигир, бузоқ, ғунаҗин, хўкиз, буқадан иборат.

*Бир ёшдан ошган гунажин гўштининг
мизожи иссиқ ва қуруқ, лекин иссиқлиги
туя гўштиникига қарагандা камроқ ва
қуруқликда эчкининг гўштига қарагандা
қуруқроқ бўлади.*

Унинг шифобахш хусусиятлари: гўшти бадҳазм, ғализ ва унинг истеъмоли боис танада қуюқ савдоли қон пайдо бўлади, саратон, мохов, қора жигар шишини, фил касаллиги (оёқ болдиrlарининг йўғонлашиши ва маҳобатли бўлиши), тери пўстининг оқ доғлари, қўтириларининг пайдо бўлишига олиб келади, шунингдек, давомли ейиш баданнинг барча бўғимларига зарар қиласи, радикулит иллатини баттар кучайтиради, аёлларнинг ҳайз кўриш ва туғишлигини муддатидан олдин юз беришига олиб келади, баданда қўтирил ва қичима иллатини пайдо қиласи, унинг истеъмолидан баданда пайдо бўладиган нохуш ҳолат ва ҳидлар юрак ва мияга ўтиб, кўнгилсизликни келтириб чиқаради. Насронийлар мол гўштининг устидан май ичишлари боис, уларда тез ҳазм бўлади ва қувватларини оширишга ёрдам беради. Лекин май ичмайдиган кишилар мол гўштини емаганлари маъқул, шундай қилсалар баданлари зарарли савдоли моддалардан пок бўлади. Шунингдек, гўштни ҳазм қиласман

деб шароб ичиш, оқмайдиган, қамишзор ва ботқоқ сувини ичишдан тийилмоқ лозим. Баданда қизиш, лоҳаслик ва бўшашиш юз берган ҳолларда сирка ичилса ёхуд мол гўштини пишириш чоғида масаллиқлар ичига озроқ сирка қўшиб юборилса, ҳазмини енгиллаштирадиган савдо хилти пайдо бўлишига ёрдами тегади.

Мол гўштининг таъми ширин, жисмоний меҳнат ва гимнастика билан машғул бўладиган, шунингдек, дабба (чурра)си бор кишиларга мос келади ва хуш ёқади, уларнинг баданларини семиртириб, бақувват қилади, суюқ сафрони қотиради, лекин қонни кўпиртириб, бадбўй қилади. Бу ҳайвон гўшти баҳорда истеъмол қилингани маъқул.

Бироқ қари, ориқ ва касалманд молларнинг гўшти энг яроқсиз, ортиқча ташвишлар туғдиради.

Унинг гўштидан сирка билан шўрва пишириб, истеъмол қилинса, меъда ва жигарга модда оқишининг олдини олади. Гўштидан ёғи ажратилиб, гўштининг ўзидан сирка билан шўрва қайнатиб ичилса, сафроли моддаларнинг меъда, жигар ва томирларга тушишига, унинг баданга ёйилишига йўл қўймайди, сариқ ва сафронинг равон бўлишини даф этади, сафроли ичкетарни тўхтатади.

Совуқ мизож ва меъдаси суст кишилар мол гўштини емоқчи бўлсалар, обдан пишириб, сирка, саримсоқ пиёз, асал ва бошқа хурмодан ташқари ширинликлар аралаштириб еганлари маъқул. Мол гўштининг устидан хардал истеъмол қилиш кўп фойдали, лекин совуқ сув ичиш жуда ёмон, фақат ҳазм бўлиб, меъда бўшаганидан кейин совуқ сув ичса бўлади.

Ёғсиз мол гўштини қовурган пайтда ажралиб чиққан сувни олиб қулоққа томизилса, қулоқдаги қуртларни ўлдиради, агар оловда куйган жойларга суртилса, терининг пўрсилдоқ бўлиши, шишлар пайдо бўлишининг олдини олади.

Гўштини истеъмол қилишдан етадиган заарнинг олдини олиш, даф этмоқ учун мурч, долчин, занжабилни

обдан пишириш ислоҳ қиласи. Уни пишириш чоғида қозонга бироз қовун пўчоғи ташлаб юборилса, эзилиб ва ширин бўлиб пишади, бузоқнинг гўшидан етадиган зарарни ҳаммом қилиш, риёзат ёки жисмоний машқлар билан машғул бўлишни осонлаштиради. Калласи пишириб ейилса, ҳароратни даф этади, шаҳват кучини оширади, қуёш чиқмасдан миясини олиб, пес доғига суртилса, уни теридан йўқотади.

Шохининг мизожи иккинчи даражада совуқ ва биринчидаги қуруқ. Эркак молнинг шохини қуритиб, эгов билан қириб, айниқса, уч томонидан қириб, 4,5 грамми совуқ сув билан ичилса, бурундан қон келишини тўхтатади. Бурнининг суюги ва куйдирилган шохи дардларга таскин бераб, тишларга жило беришда қўл келади. Агар унинг 9 грамми асал билан ейилса, қориндаги гижжаларни тушириб юборади. Ҳар куни куйдирилган шохидан 2 граммдан сирка асал билан истеъмол қилиб турилса, буни одатий тусга айлантириб, давомли истеъмол қилса, қора жигардаги катта шишларни қайтаради, шаҳват қувватини оширади. Агар унинг куйдирилгани йирингли яраларга сепилса, уларнинг кўпайишига йўл қўймайди.

*Хўқизнинг шохи куйдирилган жойдан
газанда жониворлар ва заҳарли маҳлуқлар
қочиб кетади. Агар унинг чап шохидан
узук ясаб, чап қўл бармоқларига тақиб
олинса, тутқаноқ ва болалардаги
шайтонлаш иллатини даф этади.*

Ўтининг мизожи деярли тўртинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Эзилган қуруғи сурма каби кўзга тортилса, кўзни холдан тозалайди. Хўқизнинг ўтини асалга аралаштириб, бир неча марта яланса, томоқ оғриғи, баданнинг қичиши ва нори фарси деб аталадиган ярани даволашда шифо бўлади. Янги сўйилган хўқиз ўтини бироз

асалга аралаштириб қулоққа томизилса, унинг оғриғини босади ва йириңг оқишини тұхтатади. Лекин унинг ўтини асал билан ейиш яхши самара бермайды. Унинг ўти баданга суртилса, барча захмларни даф этади. Агар уни аёллар сутига аралаштириб қулоққа томизилса, оқаёттан йириңгни тұхтатади, агар пиёз суви билан томизилса, қулоқнинг жаранглашини йўқотади, шунингдек, қулоқ ичидағи шанғиллаш ва бошқа шовқинларни йўқ қиласди.

Хўқиз ўтини асалга аралаштириб, у билан ғарғара қилинса ёки малҳамларга қўшиб боғланса, карбанкул деб аталағидан ярага малҳам бўлади ва унинг ёрилишига йўл қўймайды. Ёлғиз ўзи заҳарли жониворлар чаққан жойларга суртилса, оғриқни босади ва зарарини даф қиласди. Баъзи кишилар заҳарланган пайтларида унинг ярим граммини мисвоқ елеми ёки асал билан истеъмол қилишади. Асалга аралаштириб суртилса, хабиса захмларига шифо бўлади, шунингдек, сўзак ва фарж дардига, зақар ва турмуқ терисидаги дардларга даво бағишлиайди ва ўша аъзолардаги шишларни йўқотади.

Агар ҳўқиз ўтини нотурин (қизил танакор) ва туйилган бўр оҳаги билан хамир қориб, пес додги, ҳўл қўтириб, бош кепаги, сепкилли додглар ва теридағи бошқа додгларга қўйиб боғланса, ҳаммасига сухат бағишлиайди ва ҳаммасини даф қиласди.

Хўқиз ўтини жавдар қиймасига аралаштириб, пахта ёки тоза латтага суртиб, аёллар тагидан күтаришса, тутилган ҳайзни равон юрдиради ва бачадонни бегона моддалардан поклайди. Ана шу ўтни эрта баҳорда мевали дараҳт танасига суртилса, шу дараҳтда зарарли қуртлар кўпаймайди ва мевасини қурт емайди.

Хўқиз қони жуда иссиқ ва қуруқ. Агар ундан арпа унига хамир қориб, қаттиқ шишларга қўйиб боғланса,

уларни юмшатиб, тузатади. Бордию хўқиз қонини ҳайз қонига аралаштириб суртилса, подагра дардини, шунингдек, бўғимлар дардига даво бўлади. Томоқ бўғилганда дарҳол хўқиз қонидан 6 грамм ичилса, томоқнинг бўғилишига даво бўлиб, уни очади.

Агар хўқизнинг пешоби суртилса, одам юзидағи майдо доғларни йўқотади ва агар уни сиркага аралаштириб тишга суртилса ёки у билан оғиз чайилса, тиш оғриқларини босади. Пешобни исириқ уруғи билан бирга қайнатиб, ҳосил бўлган суюқлик билан қарахт бўлган аъзолар ювилса, уларни ҳаракатга келтиради, шифо бағишлайди.

Арпабодиён уруғини бир кеча-кундуз бузоқ пешобига ивитиб қўйиб, кейин уни қуритиб, майда туйиб, таъб кўтаришига қараб ҳар куни тановул қилинса, сариқ сув касалига шифо бағишлайди.

Хўқиз турмуғини қуритиб, кейин эгов билан тарошлаб, эзғиланганини ёки унинг ёғини истеъмол қилса, йўтал, ўпканинг дардларига, меъда захмлари ва пешобнинг қизиши – сўзакка яхши даво бўлади. Шунингдек, хўқиз ёғи хенозар (чўчқа яра), яра ва ҳар хил жароҳатларга суртилса фойдаси бор.

ТОВУҚ ТУХУМИ

Бу ўринда хонадонда боқиладиган товуқ тухуми на зарда тутилмоқда. Энг яхвиси ҳажми катта, шу кунгиси. Гап шундаки, тухум қанча кўп туриб қолса, унга ҳаво ҳарорати таъсир қилиб, сифати, куч-куввати ва шифобахш хусусиятлари камаяди. Айниқса, ҳавонинг иссиқ кунларида тез палағда бўлиб, истеъмол учун яроқсиз бўлиб қолади. Шу боисдан ҳам ёз ойларида тухум тузга кўмиб қўйилса, сифати бузилмай туради.

Тухум сариғининг мизожи барча мизождаги кишиларга мос келади ва ёқимли бўлиб, иссиқликка бироз мойиллиги бор. Оқининг мизожи иккинчи дарражада совуқ ва ҳўл бўлиб, ташқари пўсти иккинчи дарражада совуқ ва қуруқ.

Шифобахш хислатлари: унинг сарифи чала қовуриб ёки чала пишириб ейилса, баданда аъло моддалар пайдо бўлади, озукалик қуввати кўп, ундан ахлат кам ҳосил бўлади, юрак, мия ва баданга куч бағишлайди, шаҳват қувватини оширади, кўкрак қафаси ичига иссиқ назлалар тушишини ман қилади ва кўкрак ости аъзоларнинг сустлигини ислоҳ қилади, шунингдек, ана шу аъзоларнинг увишиши ва бўшашишини бартараф қилади, қон қусиши, ичакларнинг дағаллашиши, ичак ва меъда нуксонларини йўқотиб, буйрак ҳамда қовуқ дардларига шифо бағишлайди, кўп қон кетиши туфайли аҳволи оғирлашган кишиларнинг соғлигига ижобий таъсир қилади. Савдомизож одамларга тухум истеъмоли ҳар жиҳатдан мос келади, хуш ёқади.

Товуқнинг тухумини ёриб, саригини чинни ёки сопол идишига олиб, кейин уни сув солинган мис ёки бошқа идишига қўйиб, то чала пишгунча оловга қўйиб, кавлаб турилиши керак. Бу тухум саригини шифо учун пиширишнинг энг яхши усули ҳисобланади. Бундай усулда пиширилган тухум сариги шунчаки тез ҳазм бўлиб, озукалик қуввати кучли бўлибгина қолмай, ҳалқум дарди, йўтади ва қон қусишининг олдини олишда даво, шаҳват қувватини оширишда аъло восита ҳисобланади.

Тухум сарифи хомлигича ютилса, илон чаққанга даво бўлади, овозни очади, шунингдек, ичакнинг куйиб ачишишини бартараф этади. Бироқ тухум сарифини ортиқча ейиш меъдага зарар қилади, буйракда тош, терида оқ ва сепкилли доғлар пайдо қилади.

Чала пишганини чақалоқларга сут ўрнига бериш мумкин.

Товук тухумини узоқ қайнатиб, қотиб пишгач ейилса, айниңса, мизожида рутубат күп пайдо бўладиган одамларда ҳазм бўлиши қийинлашади ва қулунж (колит) иллатини ҳосил қиласди. Иссиқ мизожли кишилар еса, айрим иллатлардан халос бўлишади.

Чала пишган тухумни майдалаб туйилган зифир уруғи билан қўшиб ейиш, бронхлар қисқарувчанлиги бузилиши (бронхиал астма) натижасида нафас қисиши ва бўғилиш хуружлари билан ўтадиган аллергик хасталикларда яхши фойда қиласди. Озроқ туз, мустақо ва анзарут билан истеъмол қилинса, баданни семиртиради, татум ва майиз уруғи, шунингдек, узум билан ейилса, сафроли ич кетишни тўхтатади.

Товук тухуми сиркада пишириб ейилса, ични тўхтатди, меъдага ножоиз моддалар тушишига йўл қўймайди.

Хом тухум қизилгул ёғи ва мойчечакнинг туйилгани билан аралаштириб, малҳам ҳолида пешонага суртилса, назлалар тушишини тўхтатади, қўзнинг лўқиллаб оғришига даво бўлади, бавосил ва орқа авратнинг шиши, шунингдек, ана шу аъзоларнинг лўқиллаб оғришини қайтаради. Агар у асалга аралаштириб суртилса, теридаги майда доғлар ва қора доғларни даф этади. Агар фақат ўзи суртилса, баданнинг қуи қисмидаги аъзоларнинг ёрилиши ва дарз кетиши дардларига малҳам бўлиб, соғлиқ бағишлийди. Тухумнинг сариғини ийлаб, бўз ёки зифир поясидан тўқилган матога малҳамга ўхшатиб суркаб, уни оловда иситиб, бадандаги шиш ва чиқиқларга боғланса, уларни тезда пишириб ёради ва тузалишига ёрдам беради.

5-6 дона тухум сариғи қора зира ва мойчечак гули билан бирга туйиб, аралаштириб, сув тегмаган матога суртиб, иссиқ қилиб белга ёпиштирилса, бел оғриғига малҳам бўлади ва белга қувват бағишлийди. Агар тухум сариғини ўртаси тешилган матога суртиб, кейин иситиб шиш ва чиқиқларга ёпиштирилса, уларни пишириб ёради.

Тухумнинг сариғини оқи билан бирга ейиш иссиқ мизожли кишиларга ёқимли ва фойдали. Тухум сариғининг ёғи бошга суртилса, сочни ўстиради, балғам кўпайиши оқибатида ҳаракати сустлашган ва тортишган аъзолар фаолиятини яхшилашга ёрдам беради.

Товуқ тухумининг ёғи қўйидаги тартибда олинади:

*Бир нешта тухум сувда қайнатилади.
Кейин уларнинг сариги ажратилиб, темир тунука устига ёйилиб оловга қўйилади.
Тухум сариги куйиб, ёғи ажралади. Агар ёғи ажралмаса, бирор нарса аралаштирилиб кўпиклатилади, шундан кейин ёғи ажралиб, пастдаги идишига сизади.*

Агар товуқ тухумининг оқи ейилса, баданда хом, кераксиз моддаларни пайдо қиласи, кеч ҳазм бўлади. У арпа унига аралаштириб истеъмол қилинса, қон қусиш ва баданнинг турли қисмларидан қон кетишини тўхтатишга ёрдам беради. Агар унинг хоми қўйиб боғланса, кўз оғриғига шифо бўлади, орқа аврат қизишининг олдини олади, ички аъзолардаги яраларни бартараф этади, олов ва қайноқ сувдан куйган жароҳатларга малҳам бўлади, куйган жойларда чандик, пўрсилдоқ шишлар пайдо бўлишининг олдини олади, юзга тортиб боғланса, қуёшда юз қорайишининг олдини олади. Агар мозу билан бирга туйиб, пешона ва бошга боғланса, бош мия пардаларидан сизиб келадиган бурун қонининг олдини олади, мустақо билан аралаштириб пешонага боғланса, назланинг кўзга оқиб тушишига йўл қўймайди.

Тухумнинг оқи баданнинг қаерига боғланса, суртилса, теридаги яра-чақалар ва ёриқларни битиради, иссиқ шишларга суртилса, уларни тезда бартараф қиласи. Агар камфора ва банг (курт тўқар) уруғи билан аралаштириб суртилса, иссиқ ҳароратли кўзни совук мизожга айлантиради ва унинг иссиқдан кувишининг

олдини олади. Тухум оқини сариқ йүнғичқа (беда) суви билан аралаштириб ҳуқна қилинса, ичак дардларига даво бўлади, уларнинг ички деворларида пайдо бўлган қичишларга барҳам беради, шунингдек, сафроли ичкетарни тұхтатади. Товуқ тухумининг оқи қизилгул ёғига аралаштириб орқа аврат тешигига суртилса ёки аёллар тагдан кўтаришса, орқа аврат ва бачадоннинг лўқиллаб оғришига шифо бўлади.

Товуқ тухумининг пўсти то оҳак даражасига етгунча куйдириб, кейин асалга аралаштириб кўзга тортилса, кўздаги холни даф этади. Буни фақат қорайгунча куйдириб, майдалаб найча орқали бурунга пуфланса, бурундан келадиган қонни тұхтатади.

Тухум пўчоғини куйдирмай түйиб, ундан 7 грамм ейилса, шаҳват қувватини оширади. Унинг түйилганини асал ва сирка билан қориб, хамир қилиб суркалса, шишларни қайтаради. Ана шу аралашма эски ва янги жароҳатларга ҳам малҳам бўлади, яраларнинг оғзини бекитиб, қон оқишини тұхтатади.

Тухумнинг ички томондан пўчоғига ёпишган парданни олиб, каптар боласининг қонига ийлаб, бокиралигини йўқотган қизлар тагдан кўтарсалар, қайтадан қизлик пардаси пайдо бўлади – бу халқ табобатининг сирли мўъжизаларидан.

ЧИГИРТКА

Қанотлилар оиласига мансуб бу жониворнинг хили ва тури кўп бўлиб, чўл ва саҳроларда, дәхқончилик қилинадиган ҳудудларда яшайди. Жумладан, Ўрта Осиё заминида ҳам чигиртканинг турли оиласлари мавжуд.

Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Унинг шифобахш хусусиятлари: чигирткани ейишдан шаҳват қуввати ортади, баданни қуюқлашган ахлатлардан тозалайди, ўпкадаги бир қатор хасталикларни даволайди. Ўн икки дона чигиртканинг боши, оёғи ва қанотини узиб,

3,5 грамм миртнинг туйилган меваси ёки унинг қуритилиб туйилган барги билан ейилса, истисқони даф этади. Шунингдек, моховга ҳам фойдаси бор. Чигиртка оёқлари билан туйиб суртилса, буқоқ, теридаги сепкилга ўхшаш доғлар ва қўтирни йўқотишга ёрдам беради, айниқса уни кўйдириб, сиркага қориб баданга суртилса, таъсири кучлироқ бўлади. Қанотсиз, семиз чигиртка қовуриб ейилса, чаён чаққан кишини оғриқлардан халос қиласди. Бўйни узун гиёҳ рангли навини ипга боғлаб бўйинга осиб олса, одамни безовта этадиган ҳарорат кўтарилишини даф этади. Агар тузланган чигиртка ейилса, баданда носоғлом моддаларни пайдо қиласди, терида қўтириш ва қичима иллати пайдо бўлишига сабаб бўлади. Энг ёмони, бадандаги соғлом моддаларни кўйдиради. Бундай пайтларда сканжабин, нордон анор, семиз ўт уруғининг ширасини истеъмол қилинса, зарарини бартараф этади.

Чигиртка ўтда кўйдирилса, шу атрофдаги чигирткалар қочиб қолади, қочмаса, тутуннинг ҳидига ҳаммаси қирилади.

ҚОН

Барча ҳайвонлар қонининг мизожи иссиқ ва ҳўл. Унинг шифобахш хислатлари: аксари жонзотларнинг қони кўзга тортилса, кўздаги холларни йўқотади, суртилса, шишлиарни қайтаради.

*Агар ҳайвон ва қушлар қони қовуриб
ейилса, ичкетарни тўхтатади, бадандаги
зарарли моддалар ва заҳарларни ҳайдайди.*

Янги қанот чиқарган капитар боласининг қони кўзга тортилса, шабкўрга даво бўлади.

Қон қорин, кўкрак қафаси аъзоларида, ичаклар ва томирларда қотиб қолса, одамда ёмон кайфият ҳосил

бўлади ва нохуш ҳодисалар содир бўлади, яъни, ба-дан қақшаб, одам ўзини беҳол ҳис қилади, оёқ-қўллар увишиб, танада сустлашиш кучаяди ва айрим ҳолларда bemор ўзидан кетиб, кўз олди қоронғилашади, ҳатто томирлар тортишиб, оёқ-қўллар ишламай қолади. Бу ҳолат худди меъдада сут қотиб қолганда, панирмоя ичириб, bemорни даволашга ўхшаб кетади. Шу боисдан ҳам юқорида айтилган аъзоларда қон ивиши ёки қотиши юз берган ҳолларда bemорга 9 грамм панирмояни 25 грамм аччиқ сиркага аралаштириб ёки мойчечак сувини турш сканжабин билан ичириш яхши фойда беради. Петрушка уруғи қайнатилган сув асал суви билан ичилса ҳам, қотган қонларни юмшатиб, юриштиришга ёрдам беради.

МИЯ

Гап ҳайвонларнинг бош мияси ҳақида бормоқда.

Мизожи совуқ ва ҳўлдир.

Унинг шифобахш хислатлари: кеч ҳазм бўлади, тарёқча қуввати бор. Агар ейилса, маний пайдо қилади, мияга қувват бағишлайди.

*Агар суртилса, миянинг қуруқлигини
йўқотади, миядаги шишилар ва унинг
пардаларидағи иллатларни бартараф
этади, бадан терисининг ёрилган
жойларини даволашда малҳам бўлади.*

Бироқ ҳайвонлар миясини ейиш меъдага зарар қиласади. Бундай пайтда ялпиз, сирка ва хамиртуриш истеъмол қилинса, меъдага етган захаларни бартараф қиласади.

КАЛЛА

Бу ўринда ҳайвонларнинг калласи ва мияси назарда тутилмоқда. Ёш ва семиз қўйининг калласи энг яхши ва фойдали калла ҳисобланади.

Ҳайвонлар калласининг мизожи танасининг бошқа қисмларига нисбатан совуқроқ ва ҳўлроқлиги билан фарқ қиласди. Бундай ҳолат қайси ҳайвонларга тааллук-лилиги кайфиятга қараб турли-туман (иссик, совуқ, ҳўл, қуруқ) бўлади.

Шифобахш хислатлари: калла гўжтигининг озуқа қуввати кўп бўлса-да, ҳазм бўлиши оғир. Шу боисдан ҳам калла гўжтини мизожи заиф одамлар ва серрутубат ҳамда об-ҳавоси сернам ҳудудлар аҳолиси емаганлари маъқул. Сабаби, уларга фойдадан кўра зарари кўпроқ. Калла гўжти устидан узум ейиш мумкин эмас, зарар қиласди.

Қўзичноқнинг бош ёки почаси, қўйининг почаси сувда қайнатилиб, шу сув бошга оз-оздан ва давомли қуйиб турилса, бош оғриғи, қуруқликдан бўлса, дардга таскин беради, миянинг ҳўллигини таъминлаш ва унинг бузилган мизожини муолажалашга дори бўлади, ҳатто уйқусизлик ва паришонхотирликни бартараф этади. Агар шўрваси билан ҳуқна қилинса, ичаклар, буйраклар ва асабларни рутубат билан таъминлайди, шаҳват қуввати бағишлайди ва ички шишларни юмшатади.

МАСКА

Молнинг сутидан олинган маска энг яхши ва ҳазми енгил озуқалардан ҳисобланади.

Мизожи биринчидаражада иссиқ ва хўл. Агар кўпроқ туриб қолса, узоқ сақланса, иссиқроқ бўлади, бироқ ҳўллиги озаяди.

Унинг шифобахш хислатлари: масканинг истеъмоли ични юмшатади, ҳар хил яра ва йиғилиб қолган кераксиз моддаларни пиширади ҳамда танадан чиқариб юборишга тайёрлайди, одамга эт қўшади, аъзоларда пайдо бўлган тиқилмаларни очади, ҳалқумдаги дағаллик ва нафас йўлларидағи иллатларни ислоҳ қиласди, қуруқ йўтални бартараф этади, ички ва ташқи шишларни қайтаради ва ортиқча моддаларни бадандан ҳайдайди, агар маска асал билан ейилса, кўкрак қафаси ичидағи парда шишлари ва ўпка шишларига шифо бўлади, кўкрак қафаси ичидағи кераксиз моддаларни пиширади ва ташқарига чиқариб юборишга тайёрлайди ҳамда даф этади. Агар маска шакар билан ейилса, баданни семиртиради, ейиш билан бирга ўзини баданга суртиб турилса, терини юмшатиб, янада семиришга ёрдам беради. Агар аччиқ бодом мағзи билан ейилса, ўпканинг ичидағи ортиқча ва кераксиз моддаларни ҳайдайди. Қизилгул шарбати билан истеъмол қилинса, исҳол қилиш қобилиятини оширади, товуқнинг чала пишган тухумининг сариғи билан қўшиб ейилса, ахлатнинг куйишини ислоҳ қиласди.

70 грамм мол маскаси 35 грамм шакар билан ейилса, сийишдаги қийинчиликларни бартараф қиласди. Баданга суртилса, унга озуқа бўлади ва бундай озуқа маскани ичга ютиш асносидаги озуқа эмас, балки терига таъсири орқали баданга ҳаловат бағишлийди. Ташқаридан суртиш бадандаги шишлар, қулоқ орқасидаги, қўймич ва оғиздаги шишларни пиширади, шунингдек, бадандаги ва гўдаклар бошига чиқадиган яраларга муолажа, илон заҳри ва мингоёқ чаққанига малҳам бўлади.

Агар қиздирилган маска болалар тишининг милкига суртилса, тиш чиқишини тезлаштиради. Янги олинган маска баданинг қуруқлигига ва дағаллигига шифо бўлиб, терини юмшатади, ҳар хил тошма ва чиқиқлардан асрайди. Маска жавдарга аралаштириб суртилса, мия пардаларидағи иллатларни очади, асабларни юмшатади, ичак жароҳатлари, теридағи доғлар, қуруқ ширинча ва қўтирга даво бўлади. Айниқса, маскани суртишдан олдин бемор баданини совуқ сувда ювса, кейин масканни суртиб, пахталик тўн ёки кўрпага ўралиб, баданидан жиққа тер чиққунча қимирламай ётса, ушбу иллатлардан ўша куниёқ халос бўлади.

*Эски маска билан туйилган савринжон
хамир қилиб боғланса, бавосил донасини
ажратиб туширади – бунда маска қанча
узоқ сақланган бўлса, унинг шифобахш
қуввати шунчалик кучли бўлади. Агар
ушбу маска совуқ сувда бир юз бир
марта ҳеч бўлмаса, қирқ бир бор ювилган
бўлса, ушбу амалиётда тез таъсир қиласиди
ва танани турли захмлар ва йиринглардан
поклаш, яраларнинг оғзини очиш, ундаги
маддаларни оқизиши, яра-чандиклар ўрнида
соглом гўшт пайдо бўлишида жуда зўр
малҳам бўлади. Шунингдек, баданинг
ўтда куйган жойлари ва бавосилга даво
саналади.*

Бироқ маскани ортиқча ейиш модданинг фаолиятини сусайтиради, иштаҳани бўғади, ични бузади. Бундай ҳолатда ични яхшилаш, иштаҳани очиш ва меъда ҳазмини яхшиламоқ учун шакар, оқ қанд ва туз истеъмол қилиш лозим.

Бир кунда янги олинган маскадан бир марта ейила-диган миқдори 100 граммдан ошмаслиги керак.

Агар маска топилмаса, унинг ўрнига янги соғилган сутни бешдан бир қисми буғланиб чиқиб кетгунча қайнатиб ичиш тавсия қилинади. Чунки юқорида шифобахш восита сифатида тавсия қилинган маска ҳам сиғирнинг янги соғилган сутидан олинади.

САРИЁФ

Истеъмолда машхур, озуқа сифатида фойдаланилайдиган сариёф ҳайвонлар сути ва қатиғидан олинади. Энг яхшиси ҳам, энг кўп ишлатиладигани ҳам сигир сутидан олинади ва ҳазм учун енгил, саломатликка фойдали. Ундан кейин қўй сутидан олингани туради, лекин мол ёғига қараганда ғализроқ, ҳазм бўлиши қийинроқ.

*Мизожига келсак, ҳамма навлари биринчи
даражада иссиқ ва ҳўл. Қанчалик узоқ
сақланса, рутубати шунча ортади ва
қуруқлик ҳосил бўлади. Агар икки йиллик
бўлса, мизожи биринчи даражада қуруққа
айланади.*

Унинг шифобахш хислатлари: сариёф шифобахшда маскага нисбатан кучлироқ ва фойдалироқ. Агар уни еса ва боғласа, шишларни қайтаради, бадандаги нуқсонларни очади, заҳарларга қарши тарёклик хусусияти бор, афъо илонининг таъсири юракка уришига йўл кўймайди. Бу борада табиб Бағдодий шундай демиш: «Бир кишини энг заҳарли афъо илони чаққанди, молнинг эски ёғидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди, ўшани еди, унга ҳеч қандай заха етмади». Мана шунинг ўзи сигир сутидан олингандан ва узоқ сақланган сариёф қанчалар шифобахш неъмат эканининг исботидир.

Агар 25 грамм сариёф 200 грамм анор суви билан ютилса, қон аралаш ич кетишга шифо бўлади. Шу ёғни еса, терини юмшоқ, юзни покиза, мияни бего-

на моддалардан тозалайди, күкрак қафаси ичидаги аъзоларни кераксиз моддалардан поклайди, баданни семиртиради, ҳалқум ва бурун ичидаги қуруқликни даф этади, қуруқ йўтал, бадандаги сариқ ва қора жигар иллатларига шифо бахш этади, шунингдек, буйрак ва қовуқ тошларини майдалаб тушириб юборади. Бу ёғ айрим кишиларнинг ичини қотиради, айримларникини юмшатади.

Агар уни шакар ва аччиқ бодомга аралаштириб оч қоринга, эрта наҳорда ялаб ейилса, эски қуруқ йўтални бартараф қиласди, күкрак қафасининг ички аъзоларини юмшатади. Унинг 25 граммини 125 грамм шакар билан ейилса, сийдик тутилишини бартараф этади. Шу миқдордаги сариёғни иссиқ сув билан еб, қайт қилинса, афъо илонининг танадаги заҳарини чиқариб юборади.

*Бу ёғ итузум суви билан кўзга тортилса,
унинг лўқиллаб оғришини тўхтатади
ва шишларини қайтаради. Ёлгиз ўзи
суртилса, кўзнинг жимирилашини йўқотади,
агар зайдун ёғига аралаштирилиб
суртилса, кўз тиликларидаги қўтирни
бартараф этишда малҳам бўлади, агар
қулоққа томизилса, оғриққа таскин беради
ва бурунга қуийлса, томоқ дардига шифо
бўлади.*

Сариёғни кул суви билан аралаштириб, шу таркиб билан ҳуқна қилинса, ич кетишини тўхтатади ва ичак деворларидаги захмларни даф этади.

Агар бу ёғни хонаки товуқ ёғига аралаштириб, пахта ёки тоза латтани унда намлаб, аёллар тагдан кўтарсалар, бачадон дардларига шифо бахш этади ва уни кераксиз моддалардан поклайди, бироқ орқа авратдан кўтарилиса, унинг ёрилишига соғлиқ бағишлиайди ва ундан қон кетишини тўхтатади.

Ана шу ёғни иситиб, мингоёқ, катта чаён ва бошқа заҳарли жониворлар чаққан жойга суртилса, қуйилса ёки томизилса, шифо бағишлайди. Бу ёғ илитиб қулоққа томизилса, қулоққа кириб олган ҳар қандай жонзот бўлса, ҳайдаб чиқаради ва ўлдиради.

Узоқ вақт сақланган мол ёғи ёки қўй ёғи савринжонга аралаштириб суркалса, бавосилни даф қилади, агар унинг ўзи суртилса, моховга қарши яхши малҳам бўлади. Агар юзга етти кеча сурункали сариёғ суртиб ётилса, юз пўстини ҳар хил чиқиқ ва тошмалардан тозалайди, хушрўй қилади ва чиройни очади. Шунингдек, маска ҳам шу усулда суртилса, шундай фойда беради.

Бу ёғ такрор суртилса, шишларни, айниқса, аёллар ва болалар аъзоларидағи шишларни бартараф этади, чипқон, тошма ва ҳар хил чиқиқларни пиширади, қайтаради ва изларини йўқотади. Латта ёки тоза пахтани сариёғга ботириб, чуқур яралар ичига тиқилса, уларнинг оғзини кенгайтиради ва йиринглардан тозалайди.

Хинанинг қуритилган баргини туйиб, эзиб, эски сариёғ билан хамир қилиб эски қўтирга боғланса ва моховга суртилса, соғлиқ бағишлайди. Ана шу ёғни совуқ сувда бир юзу бир марта ювиб, эски қўтириб, бавосил, жароҳат ва захмларга суртилса, уларни бартараф этади.

Ана шу фазилатлари қатори, сариёғ ботиний ҳўл иллатлар учун заарлидир. Иссиқ мизож одамлар ва қора жигаридаги иллати бор кишиларда сафро моддаси пайдо қилади, у таркибида кучли хилт мавжуд бўлган моддага айланади, заиф меъдалар фаолиятини сусайтиради ва балғам мизож одамларнинг ҳазм органлари – меъда, ичаклар, жигар ва қора жигарини сусайтиради. Бундай кишилар заарни бартараф этмоқ учун туруш нарсалар истеъмол қилишлари, совуқ мизожлилар эса ширин таъм, осон ҳазм бўладиган нарсалар истеъмол қилиши лозим. Бир кунда бир марта ейиладиган сариёғ миқдори 50 граммни ташкил этади.

Эски сариёғнинг поклаш ва таҳлил қилиш қуввати шу хилдаги янги ёғникига қараганда бирмунча кўпроқдир. Шунингдек, ўртача ҳолатдаги баданларга таъсир қучи салмоқли. Айниқса, қулоқ остидаги шишларга яхши фойда қиласди.

Мабодо, сариёғнинг сифати бузилган бўлса, истеъмолга яроқли қилиш учун айрон буғланиб чиқиб кетгунча сариёғни қатиқ айронида қайнатмоқ лозим. Лекин эҳтиёт бўлмоқ керакки, ёғ доғ бўлмасин. Ёки уни оловга қўйиб қайнатгач, унга оз-оздан буғдой уни ташлаб туриш, лекин ёғ доғ бўлиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Шундан кейин уни тозалаб, истеъмол қилса бўлади. Агар маска ва сариёғга бироз туз солинса, тезда айнишининг олдини олади.

СОЧ

Жун сочга нисбатан майин ва жингалаклиги билан фарқ қиласди. Биз соч деганда асосан инсон сочини тушунамиз. Лекин шундай ҳайвонлар мавжудки, уларда ҳам жун, ҳам соч бор. Масалан, эчкини, айниқса, така ва серкани олайлик. Қўй ва қўзиларда эса фақат жун мавжуд. Инсонда эса фақат соч-соқол бор. Тиббиётда эса соч деганда фақат инсон сочи назарда тутилади.

Инсон сочининг мизожи совуқ ва қуруқ.

Унинг шифобахш хусусиятлари: агар у куйдириб сочилса ёки асал билан аралаштириб суртилса, захм ва яраларни оғритмасдан қуритади, битишида яхши даво бўлади ҳамда зайдун ёғи ва сув билан аралаштириб суртилса, ўтда куйган жойларга шифо бўлади. Сиркага қориб суртилганда эса, сўгалларни қуритиб туширади ёки таҳлил қиласди, майда тошма ва қадоқларни йўқотади, шунингдек, захмлар ва қутурган ит қопганга шифо бўлади. Шароб, зайдун ёғи ёки сувга қориб суртилса, бошдаги шишларни қайтаради ва жароҳатларини тузатади.

Агар күйдирилган соч қўрғошинли шлакка аралаштириб кўзга тортилса, кўзнинг қичиши ва қўтирига шифо бағишлиайди ва анча равshan тортиради. Одам сочини кўйдирмай эзиб, асал билан қориб суртилса, ёш болалар оғзининг пишиши (куйиши)га даво бўлади. Бошнинг сочи тўйиб сочилса, орқа авратнинг (кўтанинг) чиқишини қайтаради, у бошقا чиқмайди. Унинг туйилгани қизилгул ёғига аралаштирилиб, қулоққа томизилса даво бўлади.

Бош сочини кўйдириб, туруни бурунга тортилса, мияга иллат тушган тутқаноққа шифо бахш этади, унинг турунидан барча жонзотлар қочади.

Агар аёллар уни тагдан кўтаришса, бачадондан кўп ва равон суюқлик кетиши олдини олади ва аёллардаги тутқаноққа шифо бўлади.

Чақалоқларнинг сочини қаттиқ бўлишидан олдин қайчилаб, осиб қўйилса, подагра иллати, яъни, қўл ва оёқларнинг бармоқларида дард ва шишлар, шунингдек, чаён чаққанига шифо бўлади.

*Одам сочини кўйдириши тартиби
қўйидағи: сочни совун билан яхшилаб
ювилади, тароқлаб қўртиллади, кейин қайчи
билан майдалаб қирқилади ва сополми,
сопол идииши ёки тунукага солиниб, оловга
қўйилади ва то эзгилашга мойил бўлгунга
қадар оловда куйдирилади.*

Сочнинг ёғини бошга суртилса, янгидан соч ўсиб чиқади, шунингдек, бошнинг сочи йўқ жойлари ва иякда янгидан соч чиқишига ёрдам қиласди. Эркаклик хислатидан маҳрум бўлган кишилар сочнинг ёғини суртслар, уларнинг эрлик қувватлари тикланади.

АСАЛ

Аслида бу неъматни таърифлаб, қандай дардларга даволигини тушунтириб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ. Қадимги юонон ва миср табиблари, хитой ва ҳинд олимларидан тортиб, шарқнинг буюк қомусий олими ва табиби ибн Синогача асалнинг шифобахшлиги ҳақида ўз гапларини айтмислар. Ҳатто Мұхаммад Алайҳиссалом ҳам асални энг аъло даво сифатида умматларига тавсия қилганлар. Биз ҳам ўтганлар, буюк алломаю табиблар ўғитларига амал қилган ҳолда асалнинг фазилатларию инсонга шифолиги ҳақида тушунча беришни лозим кўрдик. Яхши нарсаларни билиб қўйиш, хотирдан кўтарилимаглиги учун такрорлаш фойдадан холи эмас.

Унинг энг яхшиси хушбўй, таъми ширин, ранги оқиши, қиёми йўғон ва ҳиди димоқни қитиқлайдигани, аниқроги, баҳор фаслида, ҳавоси мусаффо, тоз ва тоз олди ҳамда чўлу саҳроларда ўсадиган гиёҳлар гулидан мисқоллаб йигилган, ҳалқ орасида «май ойи асали» номи билан машхур бўлгани асл ҳисобланади.

Шифобахш табиий асалнинг ўзига хос белгилари ва фазилатлари бор. Бундай асалга бармоғингизни ёки қошиқни ботириб кўтарсангиз, ипга ўхшаб чўзилади, таркибида асалари муми, яъни, уясининг муми мутлақо бўлмайди, Бундай шифобахш асалнинг ранги қизил тоб бўлиб, ҳиди димоқقا гуппиллаб урилади. Оқиши, яъни, новвотранги ҳам ана шундай фазилатларга эга. Юқорида айтганимиздек, шифобахш ва тўйимлилик жиҳатидан баҳорги асал ҳаммасидан аъло ҳисобланади. Одамлар «Асал қанча узоқ сақланса, шифобахш қуввати шунчалик ортади» дейишади. Балки, бу гапда жон бордир. Лекин асални сақлаш қоидалари ҳам бор. Шириналик

ва шифобахш хусусиятлари жиҳатидан кузда олинган асал баҳоргидан пастроқ бўлса ҳам фойдаси бор. Бироқ қишида олинган асал саломатлик учун унчалик мақбул эмас. Борди-ю, таъми аччиқ ёки тахир, эскириб, ранги ўзгарган, таъми бузилган бўлса, бундай асални истеъмол қилишдан тийилиш керак. Сабаби, соғлиққа заар қилади. Ҳатто эскирган, таъми бузилган асални кўп еган киши ақлдан озиши мумкин.

Янги асалнинг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва биринчидан қуруқ. Олти ой, бир йил сақланган асал мизожи иккинчи даражада қуруқ бўлади. Эскириб, таъми тундлашганининг мизожи то учинчи даражагача иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ бўлади. Хом асалнинг иссиқлиги, тозаловчанлиги ва тезлиги даволашда ортиқча бўлади. Сувда қайнатилган асал, агар қайнаш жараёнида қайласи олинган бўлса, озуқа сифатида иссиқлиги, тозаловчанлик ва аччиқлик хусусиятлари озрок қолади. Асални қиём ҳолига келтирмоқ учун унга сув аралаштириб, паст ёнаётган оловда қайнатиб, кўпиги, яъни, қайласи олиб турилади, шундан кейин оловдан олинади. Бу соф асал ҳисобланади. Лекин қаттиқ қайнашига эҳтиёт бўлмоқ лозим, агар қаттиқ қайнаса, асалнинг таркиби нозик бўлганигидан, қуруқ ва аччиқ бўлади. Агар сув кўшмасдан қайнатилса, қайласи ажралмайди. Шунинг учун ҳам шифобахш, таъми ширин, озуқалик кучи ошмоғи учун албатта қайнатиш ва сақлаш хусусиятларига амал қилмоқ шарт.

Унинг шифобахш хислатлари: асал ейилса, баданни кераксиз ва зарарли моддалардан тозалайди, иллатлар ва яралар оғзини очади, ёпишқоқ балғам ва рутубатларни йўқ қилади, шунингдек, уларни баданнинг чуқур ва узоқ қисмларидан тортади, миядаги кераксиз моддаларни ҳайдайди, аъзоларнинг суст ва нотавонлиги, истиско, сариқ касаллиги, қора жигар иллатлари, сиийшдаги қийинчилклар, ҳар хил бодлар, ингичка ичак

дардлари ва шишларини даф этади, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади.

Табобат жабҳасининг бобокалонлари таъкидлаганлари идеқ, шу муолажадан шифо топишга ишонган кишилар эрталаб оч қоринга асални ёмғир сувига қўшиб ичсалар, ниятларига етадилар. Ҳаким Жолинус шундай демиши: Баданда ва бошқа жойлардаги дардлардан қутлишда ҳеч нарса асалчалик шифо бўлолмайди». Чиндан ҳам асал минг бир дардга даво бир мўъжизали неъмат сифатида табобатда қўлланиб келинади. Гарчи ҳиди ёқимли, таъми ширин, озуқалик қуввати кучли, ҳазми осон бўлгани учун асални ҳамма одамлар истеъмол қилиши одатий бир таомилга айланган бўлса-да, аслида асалнинг истеъмолидан одамлар ўзларида хушнудлик, енгиллик, хуш кайфият сезганлари, қайси бир аъзосидаги иллат ва нохушликка таъсирини англағанларидан иложи борича тоза асалдан еб туришга интилганлар.

Аслида асал шунчаки ёқимли, хуштаъм, ҳазми енгил озуқа бўлибгина қолмай, инсоннинг бутун вужудига сингишиб, бошидан товонига қадар аъзолар фаолиятини яхшилаш, баданни ҳар хил иллатлар ва кераксиз оптика моддалардан тозалаш, томирлар, ҳужайралар ва бошқа аъзолар қувватини барқарорлаштириша бебаҳо неъмат сифатида куч бағишилаганидан одамзод ҳамиша асалга бошқача меҳр, иштаҳа ва иштиёқ билан интилган.

Кимлардир асл асалнинг ўзини ейишни, кимлардир сувини ичишни, яна кимлардир бошқа егуликлар билан бирга тановул қилишни хуш кўради. Ҳар қалай асални мизожига мос озуқалар билан, иштаҳанинг тортишига қараб, энг яхвиси, меъёри билан истеъмол қилингани ҳам соғлиққа, ҳам ҳаёт тарзига фойдали бўлади.

Агар мустако (мастика) билан ейилса, рутубат ва оптика заарали моддаларни миядан тортиб, ташқарига ҳайдайди, тананинг бир томони ишламай қолиш (фалаж), юзнинг қийшайиши, аъзоларнинг нотавон ва

мадорсиз бўлиб қолиши, карахтлик ва бошқа шунга ўхшаш дардларга, агар буларнинг сабабчиси совуқ мизожли моддалар тўпланиши бўлса, шифо баҳш этади, иштаҳани очади, бодлар ва ёпишқоқ моддаларни даф этади, кулунж ва бадан иллатларини очади, меъда, таом иштаҳаси ва шаҳватга куч бағишлайди. Агар асал кундир елими билан ейилса, кўкрак қафаси ичидаги аъзоларни кераксиз ва зарарли моддалардан тозалайди, истисқо сариқ хасталиги ва қора жигар дардларидан халос қиласди, буйрак ва қовуқ тошларини майдалаб тушириб юборади. Шунингдек, пешоб чиқишидаги қийинчиликлар, хилма-хил бодлар, ингичка ичаклардаги оғриқ ва бадандаги заҳарларни ҳайдайди. Айниқса асал ёмғир сувига аралаштириб ичилса, бадан аъзоларига сув югутиради, бўшашибан шаҳватга қувват қўшади, пешобни келтиради, ичаклар ва қовуқдаги захмларни йўқ қиласди, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади, сийишдаги қийинчиликларни бартараф қиласди, чанқашга таскин беради.

*Ушбу маркибни еб, қайт қилинса, меъданни
ҳар хил ҷўқиндилардан тозалайди, шу
маркиб билан гаргара қилинса, ҳалқум ва
бодомча безларни йиринг ва бошқа бегона
моддалардан тозалайди.*

Асални сиркага аралаштириб оғиз бўшлиғининг ички деворларига такроран ва давомли равища суртилса, ёки оғизда тутиб турилса, тишлар милкини мустаҳкамлайди, агар гўшти ейилган бўлса, соғлом гўштундиришга ёрдам беради, шунингдек, тишни ўз ўрнида мустаҳкам сақланишига имкон яратади ва уларни кирдан тозалаб, оппоқ қиласди, айниқса, ҳар ойда учтўрт марта панжа билан тишларга суртилса, тишларни олдинги жойларида туриши, оқариб, соғлом тортишига хизмат қиласди.

Баъзилар асални ширин бўлгани учун сустлаштирувчи (бўшашибтирувчи) деб билишган. Бу унчалик тўғри эмас. Тўғри, асалнинг ширинлиги рутубатли бўлиб, бўшашибтирувчи ҳисобланади. Лекин асал мизожда иссиқ ва қуруқ эканини унумаслик керак. Шундай экан, у қатъий бўшашибтирувчи бўлмайди.

Асалнинг ўзини ёки пиёз суви билан кўзга тортилса, кўзни равшан қиласди, қичиш, қўтири, сув оқиши, кўздаги хол ва гавҳарига бегона сув тушиши каби ҳолатларни бартараф қиласди.

Агар асални анзарут ва тоштуз билан аралаштириб, қулоққа томизилса, унинг пардасидаги бодлар ва қулоқ даранглашини йўқотади, қулоқ ичидан йиринг келиши ва рутубатларини бартараф этади, унинг совуқдан пайдо бўлган ёриқларига малҳам бўлади ва қулоқнинг оғирлигини даф қиласди.

*Асални сигирнинг янги олинган ўтига
қўшиб ёки молнинг, эчки ёхуд аёл сутига
ёки товуқ тухумининг оқига аралаштириб
қулоққа томизилса, юқорида айтилган
қулоқ хасталикларига шифо бўлади. Агар
асални қизилгул ёғига аралаштириб ялаб
ейилса, совуқ моддалар туфайли пайдо
бўлган йўтални даф этади.*

Асални баргизуб сувида эритиб, ўша сув билан илиқ ҳолида ҳуқна қилинса, ичаклардаги захмлар ва унинг шишларига даво бўлади. Ҳар гал ҳаммом қилгандан кейин, бадан совимасидан асал боғланса, закарни катта ва кучли қиласди. Аёллар асални ҳайз ёшида тагдан кўтарсалар, уларнинг бачадонларидағи иллатларга шифо бахш этади.

Асални бүғдорни уни билан қориб баданга боғланса, шишларни қайтаради, чипқон ва тошмаларни пиширади, сирка ва туз билан аралаштириб боғланса, шишлар-

ни йўқотади, сепкилли доғларни даф этади, туз билан қориб боғланса, баданда лат ейиш ва кучли зарба туфайли пайдо бўлган қонталашларни йўқ қиласди, арпа уни билан хамир қилиб боғланса, баданда қайнаб чиқадиган терларни ислоҳ қиласди, анзарут билан аралаштириб боғланса, захмларни ифлосликлардан тозалайди ва уларнинг ҳаром гўштларини кемириб, йўқотади, товуқ ахлати ёки жавдарга қўшиб боғланса, тери юзидағи оқ доғлар ва песга шифо бўлади.

Асал укроп билан қайнатиб боғланса, бадандаги кучли зарба доғлари ва теридаги оқ доғларни йўқ қиласди. Қизилгул ёғига аралаштириб суртилса, рутубати асалга ўхшаган захмлар ва кўпи ширин балғам туфайли пайдо бўлган яраларга шифо бағишлиайди ва баданни бақувват қиласди. Агар ёлғиз ўзи суртилса, бит ва сиркани йўқотади. Уни ўлган жасадларга суртиш, мурдани бузилиш ва ҳидланишдан сақлайди, шунингдек, гўшт ва чарвиларга суртилса, уларнинг сифати, таъми бузилмайди, асл ҳоли сақланади.

Асал зира сувига қўшиб ичилса, замбуруғ заҳрига, қутурган ит тишлаганига даво бўлади. Агар қизилгул ёғига аралаштириб истеъмол қилинса, бадандан заҳарли жонзотлар заҳрини ҳайдайди. Агар асални еб қайт қилиб ташланса, заҳар еган одамни хавф-хатардан қутқарди. Асалнинг хислатларидан яна бири шундаки, аёл киши уни сув билан шарбат қилиб, оч қоринга наҳорда ичса, агар ҳомиладор бўлса, ичакларида кучли оғриқ пайдо бўлиб, ҳомиласи тушади.

Хуллас, совуқ мизож ва балғам мизож одамлар учун асал яшаш жойи ва совуқ худудларда фойдали бўлиб, иссиқ мизож ва мизожи қуруқ одамлар агар асални иссиқ фаслларда ейишса, зарар қиласди. Иссиқ мизожли кишиларда бош оғриғи пайдо қиласди. Агар улар кўпроқ еб қўйсалар, мизож жиҳатидан иссиқ ва қуруқ бўлган сафро хилтига дучор бўладилар. Оқибатда иссиқ мизожли кишиларнинг миясида ноҳушлик пайдо бўлиб,

қайт қиласылар, сафроли дардга чалинадилар, күпроқ чанқоқлик ҳолати бошланади. Ушбу азиятлардан халос бўлишнинг чораси турли анор, лимон суви, сирка, кашнич ва нордон мевалар истеъмол қилиш.

Бир кунда асални бир марта ейиш миқдори 68 грамм.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, асалари аччиқ шувоқ ва шунга ўхшаш гиёхларга ўтирган ва уларнинг гулидан нектар олган бўлса, бундай асал таъми аччиқ бўлиб, меъда, жигар хасталиклари бор кишиларга иллатларни очишда ва асалари кокутига ўтирган бўлса, бундай асални истеъмол қилган иссиқ мизож, совуқ мизож ва совуқ балғамли одамларга фойдалидир.

Айтмишлар: кузги асални ҳидлаганда акса келтирса, терлатса ва беҳушлик келтирса, ақлни беко қилса, бундай асални истеъмол қилмаслик керак. Билмай шундай асални еган кишилар дарҳол қусишилари, тузланган балиқни истеъмол қилиб, иchlари тоза бўлгунча қайта-қайта қусишилари ва меъдалари тоза бўлгач, ширинтоб олма ва олмуруд ейишлари тавсия қилинади.

Гап шундаки, бозорларимизда сотиладиган асалнинг таъми, хили ва сифатини кўпчилик фарқ қилмайди, буннинг устига инсоф-диёнатни унуглан олибсотарлар асал таркибиغا ҳар хил нарсаларни аралаштириб, ҳатто куз ва қишида олинган асални ёлғон айтиб, мўмай даромад дардида «Тоза асал, май асали» деб пуллайдилар. Фарқига бормай, дардга шифо умидида катта пулга сошиб олинган асал гоҳо ҳузур ўрнига ташвиш келтиради, дардга дард кўшади.

Донолар, қадимги табиблар, шарқ табобати алломалари «Асал минг дардга даво» деб уни шифо ўрнида меҳнаткаш асаларилар баҳорнинг шифобахш гул ва гиёҳларидан мисқоллаб йиққан ва уяларида асалга айлантирган чин маънодаги тоза асални тавсия қилганлар. Биз ҳам уларнинг нуқтаи назарларига амал қилиб, асални даво деб тавсия қилдик.

ИПАК

Биз бу ўринда ипак қуртини боқиши туфайли заҳматли меҳнатлар эвазига майда қуртлардан бунёд бўлган пиллани назарда тутяпмиз. Ўша пиллакорларнинг жонсараклиги билан етиштирилган пилла то ичидаги қурти капалак бўлиб учиб чиққунга қадар қуёшга ёйиб қуритилади. Пилла ичидаги қуртлар ўлса ёки капалак бўлиб чиқиб кетса, қолган оппоқ хонаси тиббиёт тилида хом ипак дейилади.

Хом ипак мизожи биринчи даражада иссиқ ва қуруқ, лекин бир қатор табиблар унинг мизожини ҳўллигу қуруқликда мўътадил деб биладилар.

Унинг шифобахш хусусиятлари: хом ипакни ейиш юракнинг қувватини оширади, қолаверса, у кўп фазилатли дорилардан ҳисобланади. Айрим табиблар таъбирларича, мизожи иссиқлигу қуруқликда мўътадил бўлганлиги боис, руҳий рутубатни латофатли қиласди ва ўзига тортади. Яна бир хислати – руҳни равшан айлаб, хушбахтилик ва хушчақчақликка чорлайди.

Ипакнинг қувват бағишлиовчилик фазилати фақат руҳга ва инсон танаси ҳолатига тааллуқли бўлибигина қолмай, балки, барча ҳолатларда барча руҳларни юмшатувчи, яъни, бадандаги ҳамма руҳлар қувватини оширувчи, ҳатто жигар қувватлари бўлган табиий, мия қуввати бўлмиш нафсоний, юрак қуввати ва руҳи ҳисобланмиш ҳайвоний руҳни, яъни, баданга жон баҳш этувчи ҳам дейиладиган руҳни ҳам бақувват қиласди. Шунингдек, ҳофиза қуввати, зеҳн, ақл-фаросат ва пушти камар (шаххват)га куч-қувват бағишлиайди, юрак ўйнаш

дардига малҳам бўлади, меъда ва ўпка иллатларини ислоҳ қилиб, баданни яйратади, этга эт қўшади.

Ҳарир, яъни, майин қирмизи шоҳи матони бурун қонига хўллаб, қуритиб, кейин уни куйдириб, унинг кули найча орқали буруннинг ичига пуфланса, бурундан қон келишини тўхтатади. Ипакдан шароб ҳам тайёрлашади. Уни шундай бажаришади: хом ипакни қайчи билан майдалаб сувда пиширишади, кейин унга оппоқ шакар солиб, то қиём бўлгунча қайнатилади. Ипак шаробини ичиш баданинг қайси қисмида иллатлар мавжуд бўлса, уларни очади, юракни бақувват қиласи ва рухсорни чиройли қиласи.

Агар хом ипак куйдирилса, гарчи куйдирилганни ейилганда қувват бағишлиш жиҳатидан хом ипакка қараганда кам қувват бўлса-да, аммо кўздаги яра, қўтирил, шиллиқлиқ ва сув оқишни муолажалашда анча фойдалироқ.

Хом ипакдан бир кунда бир маротаба истеъмол қилиш миқдори 3,5 граммдан 10,5 граммгача бўлиб, озёки кўп ейиш саломатлик ва баданинг ҳолатига боғлиқ.

Ипакдан тўқилган матолардан тикилган кийимларнинг мизожи иссиқ ва латиф. Шоҳи либослар бадани мулойим, ёқимли ва келишган қиласи, семиртиради, айни пайтда кийган кишига хушкайфият, руҳий кўтаринклиқ бағишлийди. Лекин баданинг терисини нафислаштиради. Бадан терисини юпқалаштириб юбормаслиги учун ипакдан тўқилаётган матолар арқоfigа пахтадан олинган иплардан ишлатиш яхши бўлади.

Ушбу либос ҳақида Ҳаким Муҳаммад бинни Закарё шундай демишлар: «Ипак либос зиғирпоядан бўлган кийимларга нисбатан иссиқроқдир, боиси башара салобати, лекин зиғирпоядан бўлган кийим хислати бунинг аксидир». Аралашган ипак матоси мизожда иссиқ ва ёқимли бўлиб, бундай матодан тикилган кийимлар катта ёшли кишилар учун бичимли ва фойдалидир, шунингдек, бундай кийимлар салқин ҳавода совуқ мизож одамлар ҳамда аёллар учун жуда мос келади, қонни

иссиққа айлантиради. Аммо қонни иссиққа айлантирмаслиги учун ипак матоларни түқиш пайтида пахталиiplарни қўшиш лозим.

Ипак матолардан тикилган кийимларнинг хосиятларидан бири шундаки, баданда бит ва сирка пайдо бўлишига йўл қўймайди.

АСАЛ АРИНИНГ МУМИ

Табобатда минг йиллар давомида қўлланиб келинаётган ушбу восита асалари уяси бўлиб, одамлар ҳам озуқа, ҳам шифо учун истеъмол қиласиган асал айнан ана шу уяларда жамланади. Унинг уч хили бор. 1. Асаларилар қанча йўл босиб, гул ва гиёхлар бағридан саралаб ийққан ва авайлаб олиб келган нектарини ана шу уяларда жамлаб асалга айлантиради. Асали олинган уялар ҳам инсон соғлиги, бошқа эҳтиёжлар учун аскотади. Биз асалари уяси деб айтаётганимиз, табобатда асалари муми номини олган ушбу неъмат қизил-сариқ рангга мойил бўлиб, юмшоқ, ёғли ва хушбўйлиги билан ҳам эътиборни тортади. Қолаверса, унинг янгисидан асалнинг ҳиди келади. 2. Бу ўша асал қиёмага етадиган хоналар устидаги пардалар бўлиб, уларда асал бўлмайди. Бу яхшию ёмонликда ўртачадир. 3. Буниси таслит номи билан машҳур бўлиб, ранги қора, асаларилар унинг уясини бало-қазолардан асровчи модда сифатида, тиббиёт тили билан айтганда, инфекциялардан муҳофаза қилгандек, уясидаги асалдонлар деворларига суркайди. Бошқа мумларга қараганда муолажа учун буниси унчалик самарали эмас. Буни прополис дейишади.

Асалари мумининг мизожи иккинчи дараҷада иссиқ ва ҳўллиқда мўътадилдир. Қуввати бир йилгача муқарар пар бўлади.

Шифобахш хислатлари: унинг умумий хусусияти бадандаги қуюқ моддалар ва шишларни таҳлил қилувчи, кераксиз моддаларни пиширувчи ва бадандан

чиқарып ҳайдашга тайёрловчи ҳамда асабларни юмшатувчи ҳисобланади. Шунингдек, малҳамлардаги ислоҳ қилувчилик ва сақловчилик хислатларига эга.

Унинг икки граммини буғдой донасиға ўхшатиб кесиб-кесиб, кунжут ёғида ивитиб ичилса, ички захмлар (жумладан, меъда ва ўпка захмларини, ичакларнинг яллиғланиши ва эски ичкетар)га шифо бўлади. Шунингдек, бадандаги заҳарларни даф этади, кўкрак ичидаги аъзолар дарди, йўтал ва сил касаллигига даво бўлади, баданнинг турли жойларида қотиб қолган сутни таҳлил қиласи ва шифо бағишлайди. Томоқ оғриғи ва ҳалқум тилчиқларини бартараф этиб, овозни мусаффо қиласи.

*Агар асалари мумини куйдирив беморга
тутуни ҳидлатилса, ҳарорати бор
беморларни терлатади, ваболи ҳавонинг
мурдор ҳидларини даф этади, бурунни
ёмон ҳидлардан тозалайди, қўланса ҳидлар
азиятидан халос қиласи.*

Асалари мумини қизилгул ёғида ёки зайдун ёғида ёритиб, у билан ҳуқна қилинса, ичаклар яллиғланишига бафоят фойдалидир. Бинафша ёғига аралаштириб суртилса, кўкрак қафаси ичидаги аъзолар дағаллиги ва баданнинг бошқа дағалликларини даф қиласи, шишларни пиширади, яллиғланиш ва қўтирга қарши дори бўлади ва захмлар оғзини кенгайтириб, йиринг ва ифлос моддаларни чиқиб кетишига шароит яратади, заҳарли ўқлар захмини даф этади.

Гулсафсар ёки оқ гул ёғида тайёрланган мум ёғи юзга суртилса, ранг-рўйини қизил ва мусаффо қиласи, юздағи сепкил доғларини йўқотади, асабларни юмшатади. Агар ушбу мумёғни сариқ ёки қизил мумдан гулсафсар ёки қизилгул ёғи аралашмасидан таркиб топган бўлиб, уч ҳафта қуёшга ташлаб қўйиб, кейин суртилса, қулоқ

остидаги шишларни бартараф қиласы да шишларга моддалар үйілишини тұхтатады.

Асалари мумининг үзидан кулча ясаб, аёллар сийнасында қойиб боғланса, сутни сийна учыда қотиб қолиши олдини олади да агар қотган асаблар да шишларга боғланса, уларни таҳлил қиласы да юмшатады.

*Мумни майды-майды бүлакчаларга
бүлиб, туйилган занжабил томирини
аралаштириб, халтачага солиб, кунжут
ёгіда иситиб, иссиқма-иссиқ болғанда,
шиши да бодларни таҳлил да оғриқларни
бартараф қиласы да. Лекин мумни еса
ишишаны бүгәди да бадандаги ақзоларда
иллатлар пайдо қиласы да. Бунинг эң яхши
давоси нон ейшишdir. Бир кунда бир марта
истеъмол қилинадиган мумининг миқдори
1,75 граммдан ошмаслиги лозим. Асалари
мумининг үрнігінде бокила (жүхори) үнини
еса ҳам даво бўлади.*

Асалари мумини шифо учун аввал оқартириб, кейин истеъмол қилинади. Мумни оқартириш асноси қойидағы: мумни эзғилаб совуқ сувга солинади да уннинг сув тағига чўккан қуйқумлари олиб ташланади, бу бир неча марта такрорланади. Шундан кейин уни тоза сопол қозонга солиб, устидан дарёning шўр сувини қўйиб (агар дарёning суви зарур даражада шўр бўлмаса, туз аралаштирилади) бироз арман танакори қўшилади да то эриганига қадар оловга қўйилиб, кейин оловдан олиб, бошқа кичикроқ сопол қозоннинг тагини намлаб уни катта қозон ичига солинади, шунда кичик қозондаги мум аста-секин томчилай бошлайди, томчилаш тұхтагач, кичик қозон охиста күтариб олинади да катта қозондаги мум совигандан кейин ажратиб олинади. Ва яна сопол қозонда катта қозонга солинади да бу амали-

ёт бир неча марта такрорланади. Йиғилган мумни ийлаб, юмалоқлаб ипга тортиб, бир неча күн қүёшга осиб қийлади ва вақти-вақти билан совуқ сув пуркаб турилади. Шундан кейин бир неча тун ой ёриғида осиқли турса, мум оқаради. Ана шундан сўнг оқарган мумни юқорида айтилган хасталикларни даволашда фойдаланилади.

Мумни оқартиришнинг бошқа йўли ҳам бор – мумни идишга солиб унинг устидан қайнаган сув қуйилади-да, мум оқаргунча муттасил қайнатилади. Асрлар давомида табобатда ишлатилган асалари мумини оқартиришнинг ана шу амалиётидан фойдаланилган.

ПИШЛОҚ

Пишлоқни саноат асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган замонларда қўйидаги тартибда тайёрланарди: сутга панирмоя аралаштирилса, қатиқقا ўхшаб қуюқлашарди. Шундан кейин унга туз солиб, ҳажми катта бўлмаган халталарга қўйиб оғзини маҳкам боғлаб, тош ёки бошқа нарсалар тагига бостирилади. Бир муддат шу ҳолда туриб, сув ва зардоби оқиб кетиб, пишлоққа айланади. Агар тузлироқ қилмоқчи бўлинса, устидан туз сепиб, таъмини шўртоп қилиб, истеъмолга ҳозирланади.

Янги тайёрланган пишлоқнинг мизожи иккинчи дараҷада совуқ ва ҳўл. Унинг шифобахш хусусиятлари: пишлоқ истеъмоли меъда, ичаклар ва буйракларни бақувват қиласи (буйрак бақувват бўлса, унда тош пайдо бўлмайди), ични юмшатади, гарчи пишлоқ кеч ҳазм бўлса-да, бадандада ёқимли моддалар ҳосил қиласи ва ҳазм бўлиши билан танадаги аъзоларга тезда сингишади. Агар пишлоқ ёнғоқ мағзи билан қўшиб ейилса, баданга роҳат бағишлаб, этига эт қўшади ва терини юмшоқ қиласи.

Пишлоқни пишириб, кабоб қилиб ейилса, сафроли ичкетарни тўхтатади, юпқа қилиб қўзга боғланса, кўздаги қонли нуқталарни ва кўз оғриғини даф этади.

Агар пишлоқни сувда қайнатиб, ўша сувни эмизикли боласи бор аёл ичса, сути кўпаяди, бошқа кишилар исалар, ичаклардаги яра ва захмларнинг шишишига йўл қўймайди.

Пишлоқ, совуқ мизожли кишиларга зарар қиласди, уларнинг иштаҳаларини бўғади, ундан кейин ейилган овқатларнинг ҳазми қийинлашади, йўғон ичакда қулунж (колит), ингичка ичакда оғриқ ва шишлар пайдо бўлиши ва кўз олди қоронгилашиш иллатларига боис бўлади. Бундай ҳолатларда асал, ялтиз ва кокути ейилса, зарарни ислоҳ қиласди.

Тузли пишлоқ (бринза)нинг мизожи иккинчи дараҗада иссиқ ва қуруқ. Анча туриб қолганининг мизожи ҳам шундай. Агар пишлоқнинг бу нави, яъни, тузлангани ейилса, балғамни титиб юборади. Иштаҳани очади ва ичакларга қувват бағишлияди, бадандаги кераксиз рутубатларни қуритади. Агар уни асал билан қориб хамири боғланса, бадандаги пучакларни ёради ва бармоқлардаги милкакка шифо бағишлияди. Агар зайдун ёғи билан қўшиб боғланса, қотиб қолган (қуриб) бўғимларни даволайди, ёмон, йирингли яраларга шифо бағишлияди. Агар ёмғир сувига чайиб кетма-кет боғланса, бўғимлар мағзидаги зарарли моддаларни тортиб, ҳеч қандай оғриқсиз ташқарига чиқариб ташлияди. Агар нашатирли спирт билан эзғилаб, баданга боғланса, сепкилли доғларни йўқ қиласди, теридаги қўтирга шифо бўлади. Агар кийик ўти билан бирга туйиб боғланса, нишли жоноворларнинг заҳарини бадандан даф этади.

Бироқ бундай пишлоқни истеъмол қилиш, баданда сафроли моддалар пайдо қиласди, ташналик келтиради, тери яллиғланиши ва қўтирга сабаб бўлади. Мизожи иссиқ бўлганлигидан совуқ мизожли одамларга за-

пар қиласы, боиси, уларнинг баданларининг қаршилик күрсатиш қобилияти нисбатан суст, шунингдек, ички аъзоларида иллати бор кишилар учун ҳам заарлидир, баданни ориқлатиб юборади, буйрак, қовуқ ва бошқа аъзоларда тош пайдо қиласы. Ушбу заарлар юз бермаслиги учун пишлоқни ёнғоқ мағзи билан ейиш лозим ёки ундан кейин ёнғоқ мағзи емоқ керак. Шунда ҳеч қандай зарар етмайди.

Анча эскирган пишлоқни истеъмол қилган кишида кўнгилсиз ҳоллар юз беради – ич кетиб, қусиш, кўнгил айнаб, бош оғриши, қорин ва ичакларда заҳарланиш юз бериши мумкин. Бундай ҳолат иссиқ мизожли одамларда юз берса, сувли мевалар ва туруш нарсалар истеъмол қилиш лозим.

Зардоби оқизилмаган пишлоқ истеъмол қилинса, уйқуни келтиради, мадорни қуришиб, этни қочирадиган сил, меъданинг қизиши каби хасталикларга даво бўлади, теридан нам қочиши ва қотишини ислоҳ қиласи, восвос касалини даф этади, сафROLИ хасталиклар ва қон қизишининг олдини олади, Бироқ совуқ мизож одамларга тўғри келмайди, совуқ ва ҳўл хасталикларни келтириб чиқаради, буйрак ва қовуқда тош пайдо қиласы.

БИТЛАР

Инсон бадани ва инсондан ташқари жойларда пайдо бўладиган бу жонзотни табобатга нима алоқаси борлигини ҳамма ҳам билавермайди. Қолаверса, ёшлар унчалик тушунчага эга эмаслар. Шуларни эътиборга олиб, битларнинг турлари, яшаш тарзи ва табобатдаги ўрнига тўхталишни лозим кўрдик. Битлар асосан икки турдан иборат: бири қора ва соч рангидаги бўлиб, оёқлари кўп, соч толаларининг тубида, баданнинг турли қисмларида жойлашиб олиб, ҳаёт кечиради ва кўпаяди. Бу турининг урғочилари эркакларига қараганда йирикроқ бўлади. Араблар айнан ана шу хилини камқом деб аташади. Ик-

кинчи тури инсон баданининг бошқа қисмида яшайди ва арабчада қамл деб аталади, Табобатда инсон баданида пайдо бўладиган, олти оёқ-қўли бор мана шу туридан фойдаланилади. Битлар асосан бадандаги кераксиз, мурдор моддалар, кир ва ифлосликлардан пайдо бўлади. Айниқса, тозалик ва гигиенага эътибор берилмайдиган, болалар кир-чир юрадиган, либослар узоқ вақт алмаштирилмай, болаларнинг боши ўз вақтида тозаланиб турилмайдиган хонадонларда пайдо бўлади ва кўпаяди. Халқда «Бит бир кечада етти болишдан ўтади», деган гап бор. Бу юқумли касалга ўхшаб, битнинг тез кўпайиши ва тарқалишини билдиради.

*Бит қон сўрувчилар оиласига мансуб
бўлиб, баданида бити кўп одамлар кўп
безовта бўлишади, ҳатто уйқуларида ҳам
ҳаловат бўлмайди, Азбаройи қонларини
кўп сўрганидан битлаган кишилар ориқлаб
кетишади. Фақат тозалик, покизалик
унинг олдини олади ва одамни бит
балосидан муҳофазалаиди.*

Энди табобатдаги шифобахш хусусиятларига келсак, олти дона тирик битни боқиланинг тешигига жойлаштириб, биргаликда ичкари киритилса, сурункали ҳароратли иситмани даф этади. Бир дона бит закарнинг тешигига (оғзига) киритилса, тутилган пешобнинг йўлини очади.

Тирик битни тутиб олса-ю, ташлаб юборилса, хотир-паришонликни келтиради, шу боисдан уни дарҳол ўлдириб, кейин ташлаш лозим.

Янги туғилган чақалоқлар баданига зиранинг суви билан бит суртилса, бутун умри давомида ўша боланинг баданида бит пайдо бўлмайди.

Агар баданда бит кўпайиб кетса, ундан қутулмоқ учун кийимни симобга ботириб олиш ёки симобни баданга

суртиш энг түғри тадбир. Шундай қилинса, бир зумда бадандаги битлар гумдон бўлади.

Битнинг ўзиға хос хусусиятларидан бири шуки, одамнинг ўлими яқинлашганда битлар уни тарк этишади. Кўп битларни (тириклай) йиғиб, улардан елим тайёрланса, бошқа барча елимларга қараганда кучлироқ ва ёпишқоқроқ бўлади.

ПЕШОБ

Инсон пешоби ва унинг табобатдаги ўрни назарда тутилмоқда.

Мизожи иссиқ ва қуруқ.

Шифобахи хусусиятлари: аслида ҳар қандай ҳайвоннинг пешобини қайнатиб, қуюқлаштириб боғланса ёки ичилса, яра ва захмларни (хавф-хатарли яраларни) ва эски яраларни қуритиб, сиҳат багишлайди. Лекин ҳалқ табобатида муолажа воситаси сифатида асосан инсон пешобидан фойдаланилган. Фақат шарқ табобати эмас, минг йиллар давомида магрибу машриқ ҳакимлари ва табиблари жуда кўп дардларга шифо воситаси сифатида инсон пешобини қўллашган. Ҳатто илмий тиббиётда «Сийдик терапияси» деган атама ҳам таркиб топиб, бугунги кунда ҳам жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида, айниқса, ноанъанавий тиббиётда даволашнинг шу усули қўлланилади.

Инсон пешоби билан давомли равишда ювиб турилса, яра ва чуқур захмлар, терининг доғлари, сувли захмлар кўпаядиган, яъни, югурувчи яралар, қўтирилган, яллиғла-

ниш, бош кепаги, қадоқлар, бош яраси, бошдаги сувли тошмалар ҳамда бошқа чиқиқ ва захмларга шифо бағишилайди. Шунингдек, ёмон яраларнинг кўпайишига йўл кўймайди. Инсон пешобини қизил танақор билан аралаштириб, кейин у билан ювилса ёки суртилса, бошнинг сочи тўкилган темираткига ўхшаган жойларига соч чиқади ва теридаги песларни тери доғларини йўқотади ҳамда пўст ташлаш иллатидан халос қиласди.

Агар одам ўз пешобини ёки болалар сийдигини исча, рутубатли ҳавонинг зарарини бартараф қиласди ва заҳарли махлуқларнинг чақиши, ичилган заҳарни синдириб, зарарсизлантиради. Агар илон чаққан бўлса, ҳар куни икки ҳовуч ўз пешобидан ёки болалар пешобидан давомли ичиб турилса, заҳарининг таъсирини батамом йўқ қиласди.

Ҳар куни эрта наҳорда, оч қоринга ўзининг пешобидан икки кафтдан ичиб турилса, қора жигарни шу даражада тозалайдики, унинг қаердалигини билиб ҳам бўлмайди. Ёки ҳар куни ўз пешобини ўша миқдорда унинг ярми миқдоридаги бодринг суви билан ичилса, талоқни (қора жигар) тозалайди, агар хаста бўлса, ичишдан олдин бироз юриб, толиқиб, кейин ичилса, таъсири самарали бўлади.

Пешоб билан орқа авратни ювса, унинг шишини йўқ қиласди. Агар у билан ҳуқна қилинса, ичакларнинг дардини бартараф этади.

Пешобни анор пўсти билан илитиб қулоқقا томизилса, унинг қуртини ўлдиради. Пешоб кўзга суртилса, муттасил сув оқиши, кўз оғриғи ва хиралигини даф қиласди. Агар заҳм пайдо бўлиши натижасида кўзга хол тушган бўлса, пешобни мис товоқда асал билан қайнатиб кўзга суртилса, дарддан халос қиласди.

Токнинг кулини пешобга қориб хамир қилиб, қон кетаётган жойга боғланса, қайси аъзода бўлмасин, қон кетишини тўхтатади.

Вояга етмаган болаларнинг пешоби ичилса, нафас олишдаги қийинчиликлар, тўғри нафас олиш (тўғри нафас олиш – бемор ётган жойида нафас ололмайди, фақат ўтирган ҳолда бошини баландга кўтариб, ёки тик турган ҳолатда нафас олади)га даво бўлади.

Пешобни сугал ва чивиқларга суртилса, уларни куритиб, тўкиб юборади.

Одам пешобининг бошқа хислатлари китобнинг «Инсон» бобида айтилганлиги боис батафсил тўхталиб ўтирмаймиз.

Энди айрим жониворлар пешобининг шифобахш хислатлари ҳақида. Сигирнинг пешоби жуда ҳам тозаловчи хислатга эга бўлиб, суртилса, болалардаги заҳм ва яра-чақаларга яхши шифо бўлади, агар шу пешоб билан ювилса, илдизсиз заҳмларни бартараф қиласи. Ҳўқизнинг пешобини ташқаридан баданга суртилса, соvuқдан бўлган меъда дардига шифо бўлади, бавосилини даф этади. Агар сиркага аралаштириб суртилса, ёки у билан оғиз чайилса, тиш оғриғини қолдиради, агар ҳардалнинг туийлганидан ҳўқиз пешобига бир миқдор солиб аралаштириб ичилса, аъзолар караҳтлигини ёйиб юборади.

Чўчқа пешоби кўзга суртилса, ундаги холни йўқ қиласи. Агар ичилса, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдаб тушириб юборади.

Тяянинг пешоби ичилса, жигар шишини таҳлил қиласи, унинг иллатларини очади, истисқони даф этади, талоқ қаттиқ бўлса юмшатади ва шаҳватга қувват бағишлайди, ички аъзоларнинг совуқ туфайли пайдо бўлган дардларига шифо бағишлайди, агар қулоқقا томизилса, унинг заҳм ва жароҳатларига малҳам бўлади.

ТУЯ

Туя бошқа ҳайвонларга нисбатан фақат жисми ва вазни эмас, зийраклиги билан ҳам фарқ қиласи. Агар уни кимдир, нимадир ранжитса, қасос олмагунча тинчи майди, уни илон ёхуд бошқа заҳарли жонзотлар чақса, уларнинг заҳрига қарши шифо бўладиган гиёҳни, агар ўша атрофда бўлса, албатта топиб, ўзини даволайди.

Туяниң табобат учун энг яхшиси бир ёшли ва семизидир.

Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва учинчи даражанинг аввалида қуруқ.

*Шифобахш хислатлари: унинг гўштини
еиш эрлик қувватини беради ва бадан
аъзоларини мустаҳкам қиласи, эркаклар
олатини шиддатли ҳаракатга келтиради,
сурункали иситма ҳарорати, радикулит,
эски қўймич дарди, сарик хасталиги ва
пешоб куйиши (сўзак)га даво бўлади.*

*Гўштини куйдирib, сирка ёки шароб билан
аралаштириб теридаги дозларга суртилса,
шифо бағишилайди.*

Туяни сўйган пайтда ўпкаси иссиқма-иссиқ суртилса, сепкилли доғларни йўқ қиласи. Жигари кўзга тортилса, кўзни хиралаштиришга олиб келувчи кўзнинг гавҳарига тушадиган зардобни даф этади ва кўзга қувват бағишиб, равshan тортиради.

Ёғи суртилса бавосилга фойда қиласи. Буни қўйиб сақлананаётган жойга илон йўламайди, қочади.

Агар ўпкаси давомли тарзда ейилса, одамни кўр қиласи. Илик ёғини аёллар ҳайздан пок бўлганларидан кейин жунга суртиб уч кунгача кетма-кет тагдан кўтарсалар, ҳомиладор бўлишларига ёрдам беради.

Қуруқ қумалоғини сувда ивитиб, ўша сув бурунга томизилса ёки ивиган қумалоғи бурун кавагига тиқилса, қон келишини тұхтатади, агар түа қумалоғи бошқа шифобахш воситалар билан құшиб истеъмол қилинса, тутқаноқ дардига шифо бўлади. Агар унинг хўл қумалоғи (янгисини) боғланса, ханозер (чўчқабўйин) ва ба-дандаги сувли чечакларга дори бўлади. Ва агар у суртилса, сўгал ва чипқонларни қуритиб, тўкиб юборади.

Агар туюнинг ўркачини еса, бачадонни ҳар хил заарали моддалардан тозалайди, бавосил қонини тұхтатади ва терининг ёрилган жойларига малҳам бўлади.

Ҳали ўт-ўлан емаган боласининг ширдони (меъдаси) ейилса, шаҳватни бақувват қиласи, эрлик олатини ҳаракатга келтиради, агар маний ахлати қотиб қолган бўлса, юмшатади ва агар суюқ бўлса, қуолтиради, баданни се-миритиради.

Маст бўлган пайтида оғзидан чиқаётган оппоқ қўпик ичилса, одам жинни бўлади.

Ялпизнинг суви туюнинг бурнига томизилса, мастлиги тарқайди.

*Туюнинг сути истисқо учун дори бўлади,
шу боисдан қадимги табиблар түя сутини
ишишини тавсия қилганлар. Айниқса,
суги пешобига қўшиб ичилса, таъсири
кучлироқ бўлади. Агар пешобининг ўзи
ичилса ҳам ушибу иллатларни бартараф
этади, сийдик чиқишини равонлаштиради,
бадандаги зардобларни ҳайдайди, ийтал,
шамоллаш, жигар шиши, истисқо, сариқ
дарди, жигар иллатларининг очилишига
даво бўлади, шаҳватни бақувват қиласи,
мастликни тезда тарқатади. Агар уни еса
бурун тешигининг битганини дарҳол очиб,
ташвишини бартараф қиласи.*

Түяning пешобини исириқ билан бирга қайнатиб оз-оздан, давомли қуиib турилса, подагра, яъни, қўл ва оёқлар панжаларининг шиши ва оғрифини, фалаж (баданинг ярми шол бўлиши)ни даволашда малҳам бўлади, тортишиб қолган томирларни бўшаштиради, шишларни йўқ қиласди.

Түяning юмшоқ жуни майдалаб сочилса, захмларни тозалайди ва уларнинг оғзини очиб, сиҳат бағишлайди. Агар уни куйдириб, кули сочилса, жароҳатлардан оқаётган қонни тўхтатади, агар куйдирилганинг кули бурун тешигига юборилса, бурундан қон келишини ман қиласди. Туя жуни чап сонга боғланса, пешобнинг беихтиёр равон келишини ислоҳ қиласди.

Агар туя терига ивитилган буғдой донасини ҳар қандай парранда еса, бехуш бўлиб йиқиласди, оғзидан келадиган қўпикка қориб берилса ҳам шундай ҳолатга тушади.

Гўшти оғир ҳазм бўлади, шу боис жигарда ҳазм бўлиши ҳам оғир кечади ва уни истеъмол қилган кишиларда савдоли қон ҳосил бўлади. Бундай ҳолларда уни туз ва укроп билан обдан пишириб, зайдун ёғида қайнатиб мурч ва қора зира сочиб, бироз хардал суртиб ейилса, зарарли иллатлари бартараф этиласди. Туя гўштини еган иссиқ мизожли кишилар устидан сирка, қатиқ ва кавар сирка ичиб юборсалар, ҳазми осонлашади ва танага сингишади. Совуқ мизожли кишиларнинг бўғимларида иллат бўлса, туя гўштини занжабил мураббоси билан ейишса зарар қилмайди, яхши ҳазм бўлади.

ЭЧКИЭМАР

Судралиб юрувчилар оиласига мансуб бу жонзот кўп жиҳатлари билан калтакесак ва калписага ўхшаб кетади. Фақат жуссаси катталиги билан улардан фарқ қиласди. Боз устига, анча зийрак, ҳаракатлари шиддатли. Эчкиэмар асосан қум саҳроларда, дашт-биёбонларда яшайди. Унинг дарё ва кўлларда ҳаёт кечирадиган зотлари ҳам бор.

Гўштининг мизожи учинчи даражада иссиқ ва қуруқ, лекин айримлар уни иккинчи даражада дейишади. Ахлатининг мизожи жуда иссиқ ва қуруқ.

Унинг шифобахш хусусиятлари: гўштини еган кишилар фалаж, юзининг бир томонга қийшайиб қолиши, қалтироқ, караҳтлик, тортишиш, подагра, бўғимлар дардлари ва совуқ мизож хасталиклардан шифо топадилар. Баданни иссиқ қиласи, шаҳват қувватини оширади, олатни ҳаракатга келтиради. Бу асал, ясмиқ, қайнатилган сув, хурмо шарбати, майиз шароби, чала пишган товуқ тухумининг сариғи билан тановул қилинса, манийни шу даражада оширадики, кишининг жинсий алоқага бўлган мойиллиги ошиб, ҳаракатга келади.

*Тузланган гўштини майда эзиб, чала
пишган товуқ тухумининг сариги билан
ейилса ёки тузланган гўштига долчин
ва товуқ тухумининг сариги қўшиб
ейилса, баданга қувват багишилаб, эрлик
ҳафсаласини оширади. Хуллас, бу борада
ундан ўтадиган гўшт йўқ.*

Ҳаким Мехрёрис бундай дейди: «Унинг қони халила-га қўшиб суртилса, теридаги оқ доғларни ва песни даф қиласди».

Эчкиэмар гўшти боғланса, баданга кирган ўқ ва тиканлар, шунингдек, заҳарли жониворлар чаққанда та-нада қолган заҳарлар ҳам танадан чиқиб кетади.

Гўштини зайдун ёғида эзғилаб, пишунга қадар қайнатиб, кейин ўша ёғ баданга суртилса, теридаги доғлар, қалтироқ ва қичима дардлари ислоҳ бўлади, ияқ ва бошнинг сочи тўкилган жойларига қайтадан соч чиқади. Ўша ёғ кўзга тортилса, кўздаги холни йўқ қиласди. Шу ёғ суртилса, теридаги доғлар, юздаги сепкиллар ва тери қуриши дардларига шифо бағишлиайди, баданни семиртиради.

Агар қуритилган гүштининг кули терига сепилса ёки суртилса, томирлар ва бўғимларни бехуш қиласи.

Унинг гўсти, айниқса, совуқ мизож ва хўл мизож одамларга жуда фойдалидир, лекин иссиқ мизож ва қуруқ мизож кишиларга зарар қиласи. Ҳаким Исоқнинг айтишича, бошга зарар қилганда дарҳол асал ейилса, зарари ислоҳ бўлади.

Эчкиэмар гўштидан бир кунда бир марта ейиш миқдори 4,5 граммдан 13,5 граммгача. Шуни ҳам унутмаслик керакки, эчкиэмар гўштини истеъмол қилганда беморнинг ёши, табиати, яшаётган жойининг об-ҳавоси ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун албатта табиб ва ҳакимларнинг маслаҳат ва тавсияларини олиш шарт.

АЙРОН

Ўрта Осиёда, айниқса, унинг ёзи иссиқ минтақаларида айронни чанқов босар, ични тозаловчи, овқат ҳазм қилувчи ичимлик сифатида қадрлашади ва ичишади. Деярли барча соғиладиган ҳайвонлар сутидан айрон қилиш мумкин бўлса-да, энг кўп айрон сигир қатиғидан тайёрланади. Айроннинг турлари кўп: қатиқни човлаб, қайнатиб совитилган сувга аралаштиrsa ҳам айрон бўлади. Лекин энг яхиси, ичимлиси ва чанқоқни босадигани кувида пишилиб, ёғи олинган, сепаратордан чиқарилиб, халтага қўйилиб, зардоби оқизилгани ҳисобланади. Айрон хомлигича халтага қўйилиб, осиб кўйилса ёки тошнинг тагига бостириб қўйилса суви, яъни, зардоби кетиб, қуюқлашади, бунисини сузма дейишади. Ана шу суzmага озгина туз қўшиб, қайнатиб совитилган сувдан оз-оздан аралаштириб суюқлаштирилса, айни чанқоқни босадиган айрон бўлади. Қишлоқ жойларда айронни пишириб, бироз туз аралаштириб халтага қўйиб қўйилади, суви кетиб, қуюқлашгач, ундан қурут қилишади. Айрон йўқ пайтда ана шу қурутни эзиб, қурутоб қилинса жуда ҳам чанқоқbosди ҳамда шифобахш ичимлик бўлади.

Айроннинг мизожи иккинчи даражада совуқ ва ҳўл, аммо қуруқлигига қараганда ҳўллиги кўпроқ.

Шифобахш хусусиятлар: айрон ичилса, қон босими кўтарилиши ва ошишини пасайтиради, иссиқ мизожли кишиларнинг эрлик қувватини оширади, пушти камарини ҳаракатга келтиради, иштаҳасини очади, баданини семиртиради, одамни ориқлатиб юборадиган ҳолатларни бартараф этади. Иссиқ мижозни ва ҳароратни пасайтиради, сабаби иссиқлик бўлган меъда ва жигар қизишини пасайтиради, шунингдек, чанқоқни босади. Агар айронга темир кукуни, халила, балила ва омиладан иборат аралашма қўшилиб ичилса, меъдага қувват бағишлайди, агар оловда қиздирилган темир унда совитилса ёки қизиган тош резалари унда совитилиб, ўша айронда ичилса, қон ва сафро исҳолини боғлади. Гуруч ёки қовурилган арпа уни айронда пишириб ичилса, иссиқдан бўладиган ичкетарни даволайди ва яхши озуқа бўлади. Айни пайтда баданни семиртиришга ёрдам беради.

*Нафас олиши носоғлом, сил билан оғриган
кишилар учун 75 грамм айронга 45 грамм
қотган нонни ботириб ейиш кифоя, ундан
кўпти ортиқчалик қиласди.*

Қайт қилиш ва иссиқдан азият чекаётган кишиларга қўйидаги дастур тавсия қилинади: мол сутидан ивитилган қатиқнинг ёғи охиригача ажратилиб, айрон халтада ёки сирли идишда беш-олти соат туриб, таъми ширин, бироз турушроқ бўлиши керак. Шундан кейин уни эринимасдан човлаб, аралаштириш лозим, токи қатиқ пиртаклари қолмасин ва хушхўр бўлсин. Юпқа кесилган нондан 35 грамм олиб майдалаб 105 грамм айронга солиб, қўйиб қўйилади ва айрон нонга сингишиб, нон юмшагандан кейин тановул қилинса, иштаҳа очилиб, одамга қандайдир ҳузур бағишлайди ва танаси яйраб,

вужудида енгиллик ҳис этади. Борди-ю, күнгли бироз күпроқ истеъмол қилишни тусаса, мана бу тартибда күпайтирилади: иккинчи куни айрон 17,5 граммга оширилиб, нон 3,5 граммга камайтирилади. Шу тариқа айрон миқдори оширилиб, нон истеъмолдан чиққунгача шу тартиб давом этади. Бемор айроннинг ўзини ичишга одатлангунча режимга амал қилинади. Беморда айроннинг ҳажмини камайтириш истаги туғилса, аста-секин айрон озайтирилиб, нон миқдори ошириб борилади ва биринчи кундаги миқдорга етказилади.

Айрим табиблар эҳтиёткорлик нуқтаи назаридан миқдорни 35 грамм айрон, 3,5 грамм нондан бошлаб, бир кунлик айрон истеъмоли 105 граммга етгунча бир меъёрда ошириб боради-да, агар bemor айронни 105 граммдан ортиқ ичишни истаса, ҳар куни оширилган миқдорда қўшишни буюради. Агар bemor илгаридан айрон ичиб юрган бўлса, бундай bemorларга ичиладиган айрон миқдорини бу тартибда чегаралашга ҳожат бўлмайди. Фақат ичилаётган айрон туфайли меъдасида бадбўй ҳид пайдо бўлмаса, танасига ёқиб, овқат ҳазм қилишига ёрдам берса, кайфиятини чоғ қилса, бундай чегаралашнинг нима ҳожати бор.

Лекин айрон ҳаммага ҳам шундай хуш ёқиб, юқорида айтилганидек фойда қилавермайди. Айниқса, меъдада нохуш ҳоллар – ёқимсиз ҳид пайдо бўлган, бошқа сабаблар туфайли айронга нисбатан хоҳиш пасайган пайтларда айронни ичмаган маъқул.

Тўғри, йилнинг ёз ойларида, ҳарорат кўтарилганда айрон яхши ичимлик ҳисобланади. Айниқса, мастава, гўжа, угра оши ва бошқа суюқ овқатларга турли кўкатлар солиб, айронлаб ичилса, танага роҳат бағишлади, кайфиятни чоғ қилади, руҳиятни кўтаради. Бироқ организмда, биринчи галда ҳазм органларида айронни қабул қилиш, ҳазм қилиш фаолиятида ўзгаришлар юз берган, унинг истеъмолидан фойда ўрнига зарар кела-

диган бўлса, бундай пайтларда айрон ичишдан тийилган маъқул.

Иссиқ пайтларда семиз ўт уруғини туйиб, уни уч матораба айронга ботириб олиб, қуриганидан сўнг истеъмол қилинса, чанқоқни ва совуқ сув ичишга бўлган эҳтиёжни қондиради.

Зарари: у меъдада бадбўй ҳид пайдо қиласди, яъни, зарарли хилт кўпайган пайтда ичилган айрон ёмон ҳидлар қўпайишига, киши кайфиятини бузиб, овқат ҳазм бўлишини издан чиқаришга сабаб бўлади. Ана шундай ноқулайликлардан қутулмоқ учун ичилган айронни қайт қилиб ташлаш, беҳили сканжабин (сирка асал) ичмоқ маъқулдир. Агар меъдада айрон сарминжонга ўхшаб туруш бўлиб қолса, бош айланади ва беҳушлик рўй беради. Бундан халос бўлмоқ учун ҳам қайт қилиш, иссиқ мизожли таомлар истеъмол қилиш лозим. Қисқаси, айронни қачон, қай миқдорда ичиш, мизожга қараб, истеъмол қилинаётган овқатлар таркибини ҳисобга олиб ичсангиз, сизга фойда қиласди.

ҚУЁН

Бизнинг диёримизда хонаки ва ёввойи ҳолда яшайди. Қуённинг сахро, тоғ ва ўрмонларда яшайдиган турлари ҳам бор.

Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада ҳўл. Шифобахш хислатларига келсак, гўшти майдаланган долчин, мурч, кийик ўти, хардал ва сирка билан укропнинг эзилган уруғини қўшиб димлама қилиниб истеъмол қилинса, шайтонлаш, тананинг бир томони ишламай қолиши, бадан аъзоларининг сусайиши, юз қийшайиши, этнинг учиши ва қалтирашига шифо бўлади. Бундан ташқари, баданнинг совуқдан увишишидан ҳосил бўладиган хасталиклар, асаб иллатлари, бўғинлар зирқирашига ҳам шифо бўлади. Ухлаганда жойга сийиб қўйишни бартараф этишда ҳам қўл келади. Унинг қай-

ласи юқорида айтилган хасталиклардан халос бўлишда айниқса фойдали.

Куённинг ҳали ўт емаган боласининг ширдони (меъдасининг бир қисми) да панирмоя (ёш ҳайвонлар қорнидан олинадиган модда) мавжуд бўлиб, ана шу панирмоядан чақалоқларга озгина едирилса, уни уйқусида чўчиб тушшиш ва шайтонлаш азобидан халос этади. Болага ушбу моддани ошқозонида она сути, умуман, овқат йўқ пайтида едириш керак. Борди-ю, эмган сути ҳали ҳазм бўлмаган бўлса, сутни қотириб, бошқа хасталикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Аёллар ҳайздан покланганидан кейин уч кун ўтказиб панирмоядан 2,5 грамм истеъмол қилса, ҳомиладор бўлишнинг олдини олади, 9 граммини есалар, бачадонидан рутубатларнинг кўп кетишини тўхтатади.

Панирмоядан бир грамм атрофида мой билан ичилса, кайфиятни яхшилаб, белнинг зимиллаб оғришини бартараф этади. Нўхат суви билан 3,5 грамм ичилса, пешоб тутилишига сабаб бўлган ичакда қотиб қолган қонни юриштириб пешоб чиқишини яхшилайди.

Болаларга қуён панирмоясидан 0,2 граммдан 2,5 граммгacha ичирилса, улардаги тутқаноқни даф этади ва меъдада қотиб қолган сутни эритиб юборади; заҳарли илон чақсан бўлса, захрининг таъсирини синдиради, шунингдек, одам қандай заҳри қотил ичган бўлса, унга қарши тарёк вазифасини бажаради. Сайрга чиқсан ёки дам олиш чоғида одам шу миқдордаги панирмояни зайдун ёғи билан аралаштириб иссиқма-иссиқ ичиб юборса, ётганда нафас олишга қийналадиган ёки юриш чоғида нафаси бўғиладиган, ҳаво етишмовчилигидан

қийналадиган кишиларга шифо бахш этади. Унинг ўтини ичган одам шундай қаттиқ ухлайдики, сирка ичирилмагунга қадар уйғонмайди.

Кимки қүённинг миясини сирка ва зайдун ёғида қовуриб еса, қалтироқ касалидан қутулади. Гўдаклар милкига суртилса, тишлари тезда чиқади. Қүён мияси сирка ва зайдун ёғида қовурилиб баданга суртилса, бундай одамларга чақадиган ҳашаротлар яқинлашмайди. Етти кунгача ҳар куни қүён миясидан икки дона арпа дони миқдорида янги соғилган сут билан ичилса, бу одамнинг сочи оқармайди.

Бош миясининг кулинин айиқ ёғи, асал суви, анзур пиёзининг суви билан аралаштириб бошнинг сочи тўкилган жойларига суртилса, қайтадан соч ўсиб чиқади. Қүён мияси сувда қайнатилиб, ана шу сувга кириб ўтирган бемор подагра, шунингдек, бўғимлар хасталигидан қутулади. Сийдиги кўзга суртилса, кўзни равшан қилади. Қони иссиқма-иссиқ баданга суртилса, бадандаги оқ ва бошқа доғларни кетказади. Шунингдек, бошдаги сутга ўхшаш рутубатлари сизиб чиқадиган томирларига шифо бахш этади. Қүён қони қовурилиб истеъмол қилинса, ичаклардаги захмларни тузатади ва сурункали ичкетарни тўхтатади.

Яна айтадиларки, қүённинг ёш боласини сўйиб, қони латтага олиниб, қуритилиб қўйилса ва зарур бўлганда тутқаноғи бор болага шу қондан онасининг сутига қўшиб ичирилса, бола бу дарддан халос бўлади.

Кўйдирилган жуни эзғиланиб қон оқаётган жойга боғланса, қон кетишни дархол тўхтатади.

Қўённинг мизожи иссиқ бўлганидан унинг гўшт-ёғини иссиқ мизожли одамлар истеъмол қилишса, улар учун зарарлидир. Бундай кишилар сирка ва хушхўр анор сувини ичсалар зарарини кесади. Шунингдек, қўён гўштини сув буғида укроп билан пишириб истеъмол қилинса зарари бўлмайди. Бўғим касалликларига ҳеч нарса қўён гўштичалик даво бўлмайди.

КИЙИК

Табиатнинг мўъжизаси бўлмиш бу беозор ва ёқимтой жониворни айниқса болалар яхши кўришади. Яшаш жойи тоғу тош, чўлу саҳро бўлган охудаги ёқимтойлик, кўзларидағи мунг ва нигоҳларидағи маъюслик инсонга қандайдир рух, меҳр-муҳаббат ва самимиilik бағишладиди. Биз охуни ана шу фазилатлари боис яхши кўрамиз, эркалагимиз, эъзозлагимиз келади. Лекин унга нисбатан шафқатсизлик қиласиз, ўрмон ва қўриқхоналар, тоғу саҳроларда ваҳший ҳайвонлардан азият чекиб, уларга ем бўлгани етмаганидек, бизнинг ҳам ўлжамизга айланади.

Кийикни ширин гўшти, чиройли шохлари учун овлайдиган, уларга нисбатан раҳмсизлик қиласиган кишилар ана шу беозор, инсон мададига муҳтож жонивор бизнинг соғлигимиз, саломатлигимиз учун қанчалар зарурлигини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Билганларида балки бунчалик бешафқат бўлишмасмиди, камайиб кетишига сабабчи бўлишаётгани ҳақида ўйлаб кўришармиди? Тўғри, табиатда неки бор инсонга аталмиш. Лекин ҳамма нарсанинг, жумладан, табиат бойликлари, ноз-неъматларидан фойдаланишининг ҳам чек-чегараси бор. «Бирни кессанг, ўнни эк», деган мақол бежиз эмас. Табиат неъматларидан баҳраманд бўлганда, уни эҳтиётлаш, кўпайтириш ҳақида ҳам қайғуриш инсон вазифаси эканлигини унутмаслик керак.

Бундан 30-40 йиллар олдин Марказий Осиё тоғлари, чўл-саҳроларида кийиклар гала-гала бўлиб юради, улар ўтлайдиган далалар, сув ичадиган булоқлар бор эди. Одамлар уларга озор етказмай, четдан томоша қилишарди. Табиблар она-сонда беморларга кийик гўшти, сути ва шохини шифо сифатида буюришарди. Мана энди кийик «Қизил китоб»га кириб, асосан қўриқхона ва ҳайвонот боғларида қолди.

Ушбу узоқдан-узоқ далолатдан мақсадимиз одамларда инсон саломатлиги учун жуда фойдали бўлган

кийикларга нисбатан меҳр уйғотиш, уларни (кийикларни) қирилиб, йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолиш. Ахир ҳайвонлар ичидагүшти инсон мизожига яқин бўлган кийиклар кейинги авлод учун ҳам, қолаверса, она табиат мувозанати учун ҳам жуда-жуда зарур.

Мана қулоқ солинг, «Тұхфаи Ҳусайнний» («Ҳусайн тұхфасы») китобининг муаллифи ҳаким Сайид Ҳасрат нима дейди:

*Совуқ мизожлар наф топар тездә,
Тез ҳазм бўлар гўшти ейилган кезда.
Кимда бўлса, лавҳа, фалаж, хафақон,
Сариқ дардига ҳам наф этар ҳар он.
Кимда бўлса агар савдои мизож,
Охунинг гўштидан емагани соз.*

Фақат шугина эмас, охунинг сути, жигари, ўти, ҳатто шохи ҳам кўп дардларга даво эканини қадимги табиблар, ҳакиму алломалар амалда исботлашган. «Махзан ал-адвийя» («Даволар хазинаси») муаллифи «Гўштидан ейилса фалаж, аъзоларнинг сустлашиши, совуқдан юз берган асаб иллатлари, совуқ хафақон ва сариқ хасталигига қарши наф қиласи» деса, «Мажмуаи ҳикоят ва тиб» китобида:

*Сен охунинг ўтидан сувга томиз, нўш айлагин,
Шу тариқа сен йўталдан сийнани бўш айлагин, –*

дэйилади. Бошқа бир табиб кўз хасталикларида оху ўтини суркашни тавсия қиласи. Ана шуларнинг ўзи оху инсон саломатлиги билан машғул бўлган табиблар эътиборида бўлганини кўрсатади.

Кийикнинг мизожига келсак, иккинчи даражада охирда иссиқ ва ҳўл.

Шифобахш фазилатлари: кийикнинг гўшти тез ва осон ҳазм бўлади. Лекин кўп истеъмол қилинса, савдо ни кўзғайди, сийдик йўлини очади ва жинсий қувватни

оширади. Ҳаво исиган, кийиклар ташналик туфайли тоғу тошлардан дарё ва сойларга тушиб келган пайтларда овлаш тавсия қилинмайды. Сабаби, ҳавф-хатардан чүчиган, қочиш оқибатида зўриққан кийик гўшти одамга фойда бермайди, аксинча зарар қиласди. Куз ва қиш ойларида ҳаво ёқимли, сув сероб пайтларда бу жони-ворнинг гўшти мазали, емишли ва шифобахш бўлади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, кийикнинг гўштини узоқ сақлаб бўлмайди, таъми ўзгариб, хушхўрлиги йўқолади. Шунинг учун кийик гўштини тоза сувда бироз укроп ташлаб, паст оловда қайнатиб, истеъмол қилгандан кейин анжир ва қанд шарбати ичиб юборилса, ҳазми осон бўлади, танага яхши сингади.

Шохини кўйдирив, сирка билан қориб, бадандаги оқ ва қора доғларга суртиб, қуёшда ўтириб терласа, бу иллатларни даф қиласди. Ўша кул сиркага аралаштирилиб, оғиз чайилса, тиш оғриқларини босади, милкни мустаҳкамлайди. Агар кўйдирилган шох тутуни ҳовли ва хонадонларга ёйилса, чақадиган ҳашаротлар шу атрофдан қочиб қолишади.

Яна бир хислати – ҳомиладор аёллар кийик шохини ўзлари билан олиб юришса, яъни, хонадонида саклашса, туғишилари осонлашаркан.

Кийик ҳар қандай илоннинг кушандаси. У бурнини илон инининг тешигига қўйиб, уни чиқмоққа чорлайди. Бурнидан чиққан ҳовур бамисоли оҳанрабо илонни кўзғатади ва ташқарига чиқишга чорлайди. Илонни еганидан кейин кийикнинг кўзлари чақнаб, кўзининг атрофида қотиб қолган ашклар ҳар қандай ҳайвоний заҳарларни даф этишда кучли тарёқ вазифасини ўтайди. Шу боисдан кийик кўзлари атрофида қотиб қолган ёшларини «тарёки гови кухий», яъни, тоғ молининг тарёки дейишади.

Биз она табиат мўъжизаси, тоғ ва саҳролар гўзали деб билганимиз кийик қаҳри келиб одамни шохи билан сузиб, мажруҳ қиласа, оқибати нохуш бўлишини, афусски, кўпчилик билмайди.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида	3	Зоғ	69
Чиғаноқ.....	4	Фуррак.....	70
Эшак	5	Каклик.....	71
Қалдирғоч.....	7	Жайра.....	73
Каптар	9	Панирмоя.....	74
Ўргимчак	11	Ит	76
Чувалчанг.....	13	Сут	79
Қўршапалак.....	15	Марварид.....	87
Лайлак	17	Эчки	90
Қўрсичқон.....	18	Калхат.....	93
Чўқقا	19	Чумоли	94
Гўнгўнғиз.....	21	Сассиқпопишак.....	96
Айик.....	22	Инсон	97
Алокузанг.....	24	Ғоз	100
Пашша	26	Мол	105
Товуқ.....	27	Товуқ тухуми	109
Ипак қурти	31	Чигиртка	113
Бўри	33	Қон	114
Қизил ва қора ари	36	Мия	115
Калписа	36	Калла	116
Илон	38	Маска	117
Тошибақа	41	Сариёғ	119
Бедана.....	44	Соч	122
Балиқ.....	45	Асал	124
Мушук	49	Ипак	131
Садаф	51	Асал арининг муми	133
Қўй.....	53	Пишлоқ	136
Қурбақа	55	Битлар	138
Товус	57	Пешоб	140
Чумчук.....	58	Туя	143
Чаён	61	Эчкиэмар	145
Бургут	64	Айрон	147
Зулук	65	Қуён	150
Типратикан	67	Кийик.....	153

Илмий-оммабон нашр

ҲОМИДЖОН ЗОҲИДОВ

ШИФО ҲАЗИНАСИ (Жонзотлар шарофати) I китоб

Муҳаррир
Ҳасанбой ТЕШАБОЕВ

Мусаҳҳих
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадиий муҳаррир
Үйғун СОЛИХОВ

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Нигора УМАРҚУЛОВА

Лицензия рақами: AI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2015 йил 30 сентябрда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоғи 5.0 Шартли босма табоғи 8,4

Гарнитура «Segoe». Офсет қофоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 183.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-30-52;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru

**«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази
«Саломатлик кутубхонаси» рукнида
куйидаги янги китобларни нашрга тайёрлади:**

**Мантэк Чия
«НЕЙГУН – ОРГАНИЗМНИ ЁШАРТИРИШ САНЪАТИ»
84x108, 1/32, юмшоқ муқова**

«Нейгун – организмни ёшартириш санъати» китоби Мантэк Чианинг жамоатчилик томонидан жуда илик кутиб олинган амалий қўлланмасидир.

Хитойлик мутахассис Мантэк Чия ва унинг рафиқаси Маниван Чия ҳозиргача қўпчиликка маҳфий бўлиб келган ушбу азалий анъянани тарғиб этувчи дастлабки вакиллар ҳисобланади.

Бу китобда руҳий-куvvat машқлар мажмуи имкониятларига янгича қарашга имкон берувчи амалий жиҳатлар келтирилган.

Мазкур ноанъанавий тиббий қўлланмада бутун организмни ёшартириб, унинг ҳаёт қобилияти ошишига олиб келувчи сукя илигини ёшартириш усуллари ҳақида жуда аниқ ва батафсил маълумотлар келтирилади. Шунингдек, эзотерик машқнинг мashaқатли йўлида зарур бўладиган қувватнинг шиддатли ғайрати ва шижоати ҳақида ҳам тушунча беради.

**Мантэк Чия
«ЦИГУН ЭЛИКСИРИ: ЕРНИНГ ОЛТИН МАЛҲАМИ»
84x108, 1/32, юмшоқ муқова**

Мантэк Чия Дао универсал тизими асосчиси ҳисобланади. Ҳаётга Даосча ёндашув унга болаликдан таниш эди. Қадимий билимларни ўрганиш жараёнида уларни бошқа фанлар билан сайқаллаш устоз Чиага Борлик Даоси халқаро тизими ни яратишга имкон берди. Айни пайтда бу таълимот бутун дунёда ўргатилмоқда.

Нектар деб ҳам аталувчи Олтин Эликсир – бу ҳаёт фаввотаси, тириклик сувидир. У сўлак, бошқа гормонал суюқликлар ва ташқи субстанциялар аралашмасини ўзида мужассамлаштиради. Улар аралашшар экан, эликсирга айланади. Даослар эликсир олий руҳиятда асосий ўзгартирувчи модда ва у ҳар қандай касалликдан холос этишга қодир деб ҳисоблашади.

**Мантэк Чиа
«ЎЗ-ЎЗИНИ ЦИ МАССАЖ ҚИЛИШ»
84x108, 1/32, юмшоқ муқова**

Қадим замонлардан то ҳозирга қадар дао устозлари ҳайратомуз даражада навқирон ва соғлом кўринади. Уларнинг ташқи кўриниши ва фаоллигига қараб, асл ёшини айтганда, 20-30 йилга адашиш ҳеч гап эмас.

Бундай яшовчанлик қобилиятини сақлашнинг усулларидан бири Ўз-ўзини даосча массаж қилиш ёрдамида ёша-ришдан иборат. Бу усулни қўллаб сезги аъзолари (кўз, кулок, тил, тиш, тери қатлами)ни ва ички аъзоларни мустаҳкамлаш ҳамда ёшартириш учун даослар ички қувват ёки Цидан фойдаланишган.

Ёшартирувчи ва соғломлаштирувчи дао техникаси тарихи қарийб беш минг йилни ўз ичига олади, аммо яқин вақтларгача устоз танлаган саноқли шогирдларга ўргатилган, холос.

Кўплаб машхур устозлардан таҳсил олган Мантэк Чиа мисқоллаб йиғилган билимларни яхлит ва мантиқан тугал усулга бирлаштира олди.

Даосча ёшартирувчи массаж билан кунига 5-10 дақиқадан шуғуланиб, ўз саломатлигингизни, хусусан, гавда тузилишингиз, кўриш қобилиятингиз, бурун бўшликлари ҳолатини сезиларли даражада яхшилашингиз, милклар, тишлар ва тил, шунингдек, организмингизнинг умумий чидамлилигини мустаҳкамлашингиз мумкин.

**Чиа, Мантэк
«СТРЕССНИ ҲАЁТ ҚУВВАТИГА АЙЛАНТИРИШ САНЪАТИ»
84x108, 1/32, юмшоқ муқова**

Даосизм нуқтаи назаридан ўзаро мувофиқлик ва феъл автор босиқлиги саломатлик учун фавқулодда муҳим. Тана бир бутунлик сифатида кўриб чиқилади, шунинг учун аъзо, безлар ёки тизим шикастланиши организмни яхлит заифлаштиради. Тана, шунингдек, ўз-ўзини созловчи тизим ҳисобланади ва имкон туғилиши билан ўзи мувозанат ҳолатига келишга қодир. Даосизмга кўра, тана, ақл ва руҳ ягона бирлик-

дан таркиб топади. Шунинг учун Хитой табобати ғазаб, қўрқув ёки шафқатсизлик сингари ҳиссиётлар қайсиdir аъзоларни ва тананинг улар билан боғлиқ қисмларини заараллантириши ҳамда касаллик чақириши мумкинлигини аниқлади. Мазкур китобда баён қилинган Ички Табассум ва Олтида Даволовчи Товуш машқлари ҳиссиётларни мувозанатлашга кўмаклашади ва саломатликни мустаҳкамлайди. Бу китобда Микрокосмик Орбитанинг асосий курси ҳам кундалик машқларнинг бир қисми сифатида кўриб чиқилади.